

63.3154)
7-71 Маматқул Тошматов

ХОС ШАҲАРЧАСИ ТАРИХИ



63.3 (58)

7.41

МАМАТҚУЛ ТОШМАТОВ

ХОС ШАҲАРЧАСИ ТАРИХИ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ

2017

TerDU ARW.
398638.

УЎК: 94(5751)

КБК: 63.3 (5Ў)

Т - 71

Тошматов, Маматқул

Хос шаҳарчаси тарихи / М.Тошматов. – Тошкент:
Янги аср авлоди, 2017. – 200 б.

ISBN 978-9943-27-926-1

Бекобод туманидаги Хос шаҳарчасига борганмисиз?
Унинг нега айнан “Хос” деб номланишини биласизми?

Маматқул Тошматовнинг ушбу китобида Хос шаҳар-
часи юртимизнинг қадимий ҳудудларидан бири экани,
унинг номланиши тарихи, хосликларнинг шаҳарча ри-
вожидаги меҳнати ҳақида жуда кўп маълумотлар бери-
лади. Ўз тумани, қишлоғи тарихига қизиқувчилар ушбу
китобни ўқиб, юртимиз қанчалик ажойиб масканларга
бой эканига яна бир бор амин бўлади.

УЎК: 94(5751)

КБК: 63.3 (5Ў)

Тақризчи

Рустам Ражабов,

тарих фанлари доктори

ISBN 978-9943-27-926-1

© М.Тошматов, «Хос шаҳарчаси тарихи». «Янги аср
авлоди», 2017 йил.

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллиги эълон қилинганидан буён ўтган чорак аср мобайнида амалга оширилган туб ислохотлар туфайли шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кўркамлашиб, аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда. Буни биргина Хос қишлоғи – 2009 йилдан шаҳарча мақомини олган обод маскан мисолида кўришимиз мумкин.

Хос шаҳарчаси – Тошкент вилояти Бекобод туманидаги энг қадимий ва энг катта аҳоли масканларидан биридир. У собиқ Далварзин чўлининг жанубий-ғарбий томонида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Шаҳарча Тошкент шаҳридан 140 километр жанубда, Бекобод шаҳридан 7 километр шимолда, туман маркази Зафар шаҳарчасидан 17 километр жанубий-ғарбда жойлашган. Унга яқин бўлган аҳоли яшаш масканлари – шарқда Тақачи қишлоғи, ғарбда Сретенко қишлоғи, шимолда Хосёз канали ва жанубда Сирдарё дарёсидир.

Қишлоқнинг об-ҳавоси ушбу минтақадаги барча аҳоли масканлари каби мўътадил: қиши бирмунча совуқ, ёзи эса иссиқ. Қишки юқори совуқ ҳарорат 15-20 даражага борса, ёзги энг юқори иссиқлик 40-42 даражани ташкил эта-

ди. Гидрометеорология мутахассисларининг кўп йиллик кузатишларига қараганда, минтақанинг ўртача ҳарорати +13,8 даража.

Марказий Осиёда машҳур бўлган Бекобод шамолининг баҳор ва куз ойларида бу ҳудуддаги тезлиги секундига 20-30 метргача етиши кузатишган.

Қишлоқ жойлашган ер майдони 1600 минг квадрат метр бўлиб, аҳолиси 8050 нафарни, хонадонлар сони 1420 тани ташкил этади. Асосий кўчалар асфальтланиб, хонадонлар электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланган. Айни пайтда аҳолига 624 ўринли умумий ўрта таълим мактаби, 2 та мактабгача таълим муассасаси, қишлоқ врачлик пункти, стадион, мини футбол майдони, 22 та савдо дўкони, 4 та сартарошхона, 2 та тўйхона, чойхона, новвойхона ва бошқа маданий-маиший иншоотлар хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳарча атрофида 16 та фермер хўжалиги, фишт заводи фаолият кўрсатмоқда, аҳолининг бир қисми ана шу корхоналарда меҳнат қиляпти. Бекобод шаҳри бу ерга яқин бўлганлиги учун аҳолининг асосий қисми шаҳар саноат корхоналарида, бозор ва савдо соҳаларида фаолият юритмоқда. Натижада одамларнинг турмуш шароитлари янада яхшиланиб, шаҳарча қиёфаси тобора чирой очиб бормоқда. Илгари пахса ва хом лойдан қурилган уйлар ўрнида барча қулайликларга эга бўлган кўркам фиштин иморатлар қад ростлаган. Турли хил мевали ва манзарали дарахтлар, анвойи гуллар шаҳарчага файз киритиб турибди.

Кейинги чорак аср мобайнида мисли кўрилмаган даражада ўзгариб, обод ва гўзал масканга айланган Хос шаҳарчасининг ўз тарихи бор, албатта. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов айтганидек: «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ».

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз она қишлоғимиз тарихини ўрганиш ва уни авлодларга етказиш учун ушбу рисола ни ёзишга жазм этдик. Китобдан шаҳарчанинг узоқ ва яқин ўтмишдаги тарихи билан бирга, уни обод қилишга, аҳоли фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшган инсонлар, шунингдек, доврўғини республика ва унинг атрофига қадар таниган шахслар, олимлар, уламолар, ишлаб чиқариш усталари, уруш қатнашчилари фаолияти ҳақидаги хронологик маълумотлар ва лавҳалар жой олган. Қишлоқнинг урф-одатлари, тўй маросимлари, тарихий зиёратгоҳлари, халқ орасида тарқалган мақол ва маталлари га, ҳикматли сўзларга ҳам алоҳида ўрин берилган.

Бизнинг Хос шаҳарчаси тарихини ёритишдаги саъй-ҳаракатларимиз тор доирадаги изланишлар, холос. Бу изланишларимиз, тарихий фактлар, далиллар, умумлашмалар айрим камчиликлардан, қарама-қарши фикрлардан холи эмас. Шундай экан, баъзи маълумотлар, айрим шахслар китобга кирмай қолган бўлса, қишлоқдошлардан узр сўраймиз. Биздан кейин ушбу соҳага қўл урувчи ижодкорлар бу хатою нуқсонларни тўғрилайдилар, деган умиддаман.

Қишлоқдошлардан тўп-уруғлар буйича камтарона изланишларимизни тор доирадаги маҳаллийчиликка, ишлаб чиқариш кўрсаткичларига оид маълумотларни сафсатабозликка, айрим инсонлар номларини зикр этганлигимизни рўйхатбозликка йўймайдилар, деб умид қиламиз.

Ўз навбатида, мазкур тарихий рисола ни ёзишда бизга кўмак берган барча инсонларга чин дилдан миннатдорчилик изҳор этамиз. Бу китоб ўз қишлоғи, ўз миллати, ўз Ватани ўтмишини ўрганувчилар учун муъжаз бир тарихий манба бўлиб қолади, ёш авлод қалбида ўз туғилиб ўсган маскани, она юртига нисбатан чексиз фахр-ифтихор туйғуларини янада жўш урдиради, деган умиддаман.

Муаллиф

ХОС ҚИШЛОҒИ ТАРИХИ

Инсон умри ҳам йил фассларига ўхшайди, баҳордан кейин ёз ва ундан кейин куз, қиш келади. Унутмайлик, инсондаги куч-қувват, мансаб, чирой ҳам ўткинчидир. Ўз чиройимизга, мансабимизга, куч-қудратимизга кўп ҳам ишонавермайлик. Келажакни, охиратни ўйлаб иш юритиш ва мулоҳаза қилишни унутмайлик. Ўтмишсиз келажак бўлмаганидек, биз тарихимизни ўрганишга, унинг сирасрорларини очишга, ўтган аждодларимизнинг фаолияти, уларнинг қишлоқ ҳаётига, жамоа ҳўжалиги ривожига қўшган муносиб ҳиссалари ҳақида, ватан равнақи ва ҳимояси учун жонларини фидо қилган халқимиз ҳақида ҳар қанча ёзсак оз.

Хос қишлоғи ҳам жуда қадим-қадимдан мавжуд бўлиб, неча минг йиллик тарихга эга эканини кўп эшитганмиз. Бу соҳада кўплаб газеталарда ва китобларда эслатиб ўтилган. Аммо унинг келиб чиқиш тарихи, қачон пайдо бўлганлиги ҳамон халқимизни қизиқтириб келмоқда.

Инсон хотира билан яшайди, қадр билан улуғланади, аждодларимиз хотирасини ёд этиб, уларга юксак ҳурмат кўрсатиш, эзгу ишларни амалга ошириш халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ фазилатларидан саналади. Инсон қадр-қиммати, шаъни унга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан янада юксалади.

Бекобод тумани ҳудуди кенг чўллардан иборат бўлиб, тинимсиз кучли шамол эсадиган

бепоён чўл бўлган. Бекобод Ўрта Осиё бўйича ҳам энг кучли шамол эсадиган ҳудуд ҳисобланади. Қадимда бу ердан Фарғона водийси томон ўтадиган бир неча йўллар бўлган. Ана шу қадимий карвон йўли Хос шаҳарчасидан ўтганлиги турли адабиётларда ҳам қайд этилади.

Бекобод тумани ҳудудида Далварзинтепа, Мунчоқтепа, Учтепа, Хостепа қадимий ёдгорликлари бўлган. Қаерда сув бўлса, ўша ерда ҳаёт бор. Одамлар истиқомат қилиш мақсадида, чорвасини ҳам боқиш истагида сувга яқин, қулай жойга – Сирдарё (Сайхун) бўйига келиб жойлашган.

Шу қадимий Хос халқи дастлаб ҳозирги Хос қишлоғининг ғарб томонида ҳозирги гишт заводи билан қишлоқ ўртасида «Қавсота» авлиё ота қабристони ёнида жойлашган экан.

Ўтган аждодларимизнинг бизгача етиб келган маълумотларига ва ривоятларига асосланган ҳолда Хос қишлоғи тарихи эрамизнинг дастлабки йилларига бориб тақалади.

Ҳозирги Бекобод тумани, Бекобод шаҳри атрофларидаги ҳудудларда авваллари Хос қишлоғидан кейин токи Пискентгача бўлган ерларда каттароқ қишлоқ ёки овуллар бўлмаган.

Қўқон хонлиги, Хўжанд шаҳридан бошқа каттароқ қишлоқ бўлмаганлиги таърифланган, лекин ўша даврларда энг қадимий қишлоқлар бўлиб, «Хос», «Ховос» ва «Валакандоз» жуда тарихий номлар билан атаб келинганлиги айтилган.

Хос қишлоғи тўғрисида «Тошкент ҳақиқати» газетасида Зарифа Эшмирзаева ўз мақоласида қуйидаги маълумотларни ёзади: Тошкент

воҳаси тарихини ўрганиш бўйича 1963 йилда Юрий Федорович Буряков бошчилигида бир группа археологлар Тошкент вилоятининг Бекобод тумани Жумабозор қишлоғидаги Далварзинтепа бўйича қазилма ишлари олиб борилиб, тарихий ёдгорликларни текшириш натижасида у ерда тепа остида шаҳар борлиги аниқланади. Ю.Ф.Буряков кейинчалик бу археологик ишлари бўйича кўплаб китоблар ёзган, академик бўлган.

Бу шаҳарча V–VI асрларга тўғри келганлиги ёзилган. Бу шаҳар Хос шаҳарчаси билан боғлиқлиги айтилган. Уларнинг ривожланиш давлари X–XII асрларга тўғри келган.

Далварзинтепадан Сирдарё бўйлаб Хос шаҳри орқали Тўрткўлтепага ўтилган йўл Буюк ипак йўли эканлиги ҳақида ҳам ёзилган, бу биринчи минг йилликнинг ярмиларига тўғри келади. Бу маълумотлар ўша даврда Сирдарё бўйида Хос халқи яшаганининг исботидир.

1995 йил 12 июлдаги «Тошкент ҳақиқати» газетасида Тошкент вилояти тарихига оид «Ўтмишга назар» сарлавҳаси остида Тошкент вилоятининг келиб чиқиши, вилоят ҳудудидаги шаҳарлар тарихи кенг ёритилади. Ана шу мақолада ҳозирги Тошкент вилояти ҳудудида икки мамлакат – Шош ва Илоқ давлатлари бўлганлиги, Шош давлати ҳудуди Чирчиқ дарёсининг икки соҳилидаги ерларда жойлашгани, Шош давлатида 23 та катта ва кичик шаҳарлар мавжуд эканлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Чирчиқ дарёсининг ҳар икки томонидан каналлар, ариқлар қазилиб, қишлоқ (работ)ларга, қир-адирларга сув чиқарилиб, шаҳар-

лар кенгайтирилиб борилган, боғ-роғлар яратилган.

Қадимги Шошни минг қалъали давлат, деб ҳам аташган. Унинг ҳудудида йирикроқ шаҳарлардан Банокент, Чинозкент, Қовунчи шаҳарлари ҳам мавжуд бўлган.

Энди Илоқ давлати жойлашишига эътибор берсак, унинг ҳудуди Тошкент вилоятининг жануб томонидаги Оҳангарон, Пискент, Олмалиқ каби йирик шаҳарлар атрофларида бўлган. Оҳангарон (Илоқ) дарёси воҳага яқин жойлашган бўлиб, Илоқ мамлакатига қарашли энг йирик шаҳарлар: Тункент, Илоқ, Хирожкент, Шутуркент, Нужкатлар ҳисобланган.

Илоқ мамлакати пойтахти Тункент бўлган. У ҳозирги Пискент билан Олмалиқ шаҳарлари оралиғида жойлашган бўлиб, бу шаҳар тахминан 350–400 гектарга яқин майдонни эгаллаган, ҳозиргача унинг қолдиқлари сақланган. Бу мамлакат ҳам ўша даврда анча ривожланган бўлиб, қазилма бойликларидан олтин, кумуш ва мисдан танга пул зарбхонаси бўлган. Бу тангалар ҳатто Норвегия, Швеция каби мамлакатларда ҳам муомалада бўлган.

Илоқ мамлакати ҳудудида йигирмадан ортиқ шаҳар номлари келтирилган. Булар: Тункент, Нукат, Обирлиғ (Орбилах), Нимудлиғ, Даҳкат, Кўхисим, Туккат, Хос (Хаш), Бискат (Пискент), Сомсарак, Хумрак каби шаҳарлар.

Мамлакатнинг тараққий этишига жанубий Чотқол ва Қорамозор тоғларидан топилган қазилма бойликлари сабаб бўлган.

Илоқ мамлакати ўз даврида жуда тараққий этган давлат бўлиб, VI–VII асрларга келиб,

Шош давлатига қўшилиб кетганлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Ана шу даврда ҳам Хос (Хаш) шаҳрининг мавжудлиги алоҳида кўрсатиб ўтилганлиги Хос шаҳри VI–VII асрларда мавжуд бўлганлигини билдиради.

1973 йилда Москвада нашрдан чиққан «Преподавание истории в школе» журналида «Где находится древний город «Хас» деган мақола берилади. Мақолада Хос қишлоғи Ўрта Осиёдаги энг катта дарёлардан бири – Сирдарё соҳилида жойлашган, деб ёзилган экан. Унинг пайдо бўлиши тарихи ва «Хос» деб аталиши ҳам унинг қадимий тарихга эга эканининг исботи, деб ўйлаймиз.

Хос қишлоғининг келиб чиқиш тарихини ўрганишда ва ёритишда қариялар билан суҳбатлар, улар ёзиб қолдирган маълумотлар, сақланиб қолган обидалар, тепаликлар, қўрғонлар, қўрғон қолдиқлари, қадимий зиёратгоҳлар, ёдгорликлар, қабрлар асос бўлди.

Тарихий маълумотларга қараганда, Сирдарё бўйларида турли кўчманчи қабилалар яшаган, милодий I аср бошларида бу ерларда Конгха давлатининг кўчманчи қабилалари ҳам истиқомат қилган, аста-секин ўтроқ халққа айланган, улар чорвачилик ва деҳқончилик қилишган ва Сирдарё сувидан фойдаланишган.

Аждодларимизнинг бизгача етиб келган ёзма ва оғзаки маълумотларига кўра, бу ерларда ва дарё бўйларида тинимсиз жанглар бўлиб турган, кўп подшолар бу йўллардан ўтган. Чунки Буюк ипак йўли Хос қишлоғи орқали Сирдарёдан ўтгани тарихдан маълум.

Буюк ипак йўлининг Хос қишлоғидан ўтганлигининг асосий сабаби, Сирдарё (Сайхун) дан ўтиш жойи, кечуви шу қишлоқ ерлари ҳудудидаги қулай, саёз ерлар бўлган.

Қўшни Тақачи аҳолиси шу дарёдан ўтиш жойига яқин, қулай ҳудудда жойлашган. Чунки улар ҳунарманд, отларга тақа қоқадиган моҳир усталар бўлган. Йўловчилар ҳам шу ерда тўхтаб, камчиликларини тўғрилаб, сафарларини давом эттирганлар.

Бу ерларда бўлиб ўтган жангларда қўшинлар томонидан ўтган йўлларига белги ва ҳимоя хабарчилари сифатида маълум масофа оралиғида тупроқ тепаликлар қилинган ва уларнинг айримлари ҳозирги вақтга қадар сақланган.

Улар Сирдарёдан ўтгандан кейин ҳозирги Хос қишлоғининг шарқ томонидаги Хостепа, Сретенко қишлоғидан ўтиб, Зомин маҳалласидаги баландтепа, 20-бригада томонидаги, 2-Далварзин 1-бўлими даласидаги, Маллабой, Жумабозор, Зафардаги Далварзинтепа каби тепалар Буюк ипак йўлида жойлашганлиги карвонларга, йўловчиларга, жангчиларга муҳим йўл-йўриқ кўрсатувчи аҳамиятга эга бўлган бўлиши мумкин.

Хос қишлоғига оид тарихий манбаларда ёзилишига қараганда, эрамизнинг дастлабки йилларида Хос шаҳри бўлганлиги, у жуда чиройли тўртбурчак шаклида барпо этилганлиги, ривожланган, тараққий этган шаҳар бўлиб, кўп жойлар билан савдо-сотик, олди-берди қилганликлари ҳам ривоят қилинган. Чунки бу шаҳар буюк карвон йўлига, дарё кечувига

қулайлиги ҳам унинг ривожига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Кейинчалик бу воҳа шамол, чўл зонаси бўлганлиги сабабли табиий офатлар натижасида тупроқ, қум барханлари остида қолиб кетган деган афсонавий ривоятлар ҳам бор.

Хос қишлоғининг қадим-қадимдан мавжудлигини бир неча бор экспедиция аъзолари, археологлар аниқлаб, Хос тепани ҳам белгилаб кетганлар.

Кейинги йилларда академик, Ўзбекистон Миллий университетининг Археология кафедраси мудири Буряков Юрий Фёдорович, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти илмий ходими, тарих фанлари номзоди Богомоллов Геннадий Игоревич, Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институти илмий ходими Вульфферд Эмиле Федоровна, Ўзбекистон Миллий университети тарих факултети археология кафедраси ўқитувчиси Ибрагимов Раҳим Зиёдуллаевич кабилар қишлоқнинг келиб чиқишига оид манбаларни ўрганиб, ҳақиқатдан ҳам бу жой тарихий эканлиги, бу ҳудудда илмий изланишлар олиб борилиши зарурлигини таъкидлаганлар.

Хос шаҳарчасининг қадимий ва тарихий ҳудуд эканлиги, бу ерда азиз-авлиёларнинг қабрлари ҳамда мақбаралари борлиги ва улар ҳанузгача сақланаётганлигини кўриш мақсадида Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фонди раиси Амирқул Каримов, шу фонднинг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси

Зарифа Эшмирзаевалар ташриф буюришди. Улар ҳам бу шаҳарчанинг тарихий ёдгорликларини тиклаш, янада мукамал ўрганиш бўйича амалий ёрдам кўрсатишларини билдирдилар.

Бу ердан ўтган карвон йўли орқали савдогарлар Қашқарга, Хитойга, Ҳиндистонга ва бошқа турли шаҳарларга ҳам бориб, савдо-сотиқ амалларини бажарганлар.

XII–XIII асрларда бўлиб ўтган жанглarda Хос қишлоғи ҳам катта талафотларга, вайронагарчиликларга учраб, қишлоқ аҳолиси ҳам анча машаққатлар чекиб, турли ҳудудларга кўчиб кетганлар ҳам бўлган.

Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги Ём қишлоғида Хослик ҳамқишлоқлар кўпчиликини ташкил қилади. Тошкент вилояти Оққўрғон туманида, Тошкент шаҳрида ва бошқа ерларда ҳам Хослик ҳамқишлоқлар бор.

Темурийлар даврига келиб, яна Хос халқи жипслашиб, Хос қишлоғининг аввалги ўрнида эмас, унинг шарқ тарафида ҳозирги Хос шаҳарчасида катта йўл тиклашиб, шаҳар типидagi уйлар қуриб, яшай бошлаганлар. Қишлоқ ўртасидан ўтган Буюк ипак йўлининг икки томони га зич қилиб бир-бирига туташган ҳолда уйлар, ҳовли-жойлар, молхона ва отхоналар қурилган. Томорқа ерлари бу ҳудудда бўлмаган. Шу катта кўча бўйлаб 5 та чойхона, 10 та жувозхона, 11 та қудуқ, мактаб, 2 та ҳаммом, 2 та масжид, новвойхоналар, сартарошхоналар, 5 та дўкон, устахона, ёғоч ўймакорлик хунармандлиги каби хизмат қилувчи объектлар бўлганлиги сабаб-

ли қишлоқни шаҳарча деб ҳам аташган бўлса керак.

Шаҳарчанинг бундай сақланиши XX асргача давом этган. Шўро даврига келиб, бу қурилишлар бутунлай бузиб ташланган ва улар ўрнида яна ҳозирги давр талабига мос уй-жойлар қурилди.

Ўша даврда, янги Хос шаҳарчаси қайта тикланаётган пайтларда одамлар баҳор бошланиши билан дала-ҳовли, чорбоғларга деҳқончилик қилиш учун чиқиб кетар эдилар.

Далаларни одамлар чорбоғ қилиб, бўлиб олишган, атрофларини тут дарахти, мевали дарахтлар билан ўраб олишган. Ёз бўйи одамлар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Куз бошланиши билан яна қишлоққа – шаҳарчага келиб, экин-тикин маҳсулотларини йиғиб-териб олиб, қишлаганлар.

Қадимда Хос қишлоғида одамлар қабила-қабила бўлиб, кейинчалик уруғ-уруғ бўлиб яшашган. Бундай уруғ-уруғ бўлиб яшаш, тўп-тўп бўлиб яшаш тарзи ҳанузгача сақланган, десак тўғри бўлади. Хос қишлоғида 7 та тўп уруғ бўлиб, улар турли номлар билан аталган. Ҳар бир уруғ бошлиғи ўз тўпидаги можароларни тинчитишда, ташқи хавфлардан сақлашда, яшаш тарзини яхшилашда бош-қош бўлишган, 7 та йирик тўп уруғлари ва уларнинг кейинги авлодларининг номлари қуйидагича бўлган: «Қурбақа» тўпи – Шукурралиевлар авлодлари, «Олакўз» ёки «Кўккўз» тўпи – Жўрабоевлар ва Тошматовлар авлодлари, «Мўнди»

тўпи – Қўшматовлар авлоди, «Узанги» тўпи – Абдурахимовлар авлодлари, «Атала» тўпи – Деҳқоновлар авлодлари, «Чуррак» тўпи – Баратовлар ва Қўзибоевлар авлодлари, «Олпон» тўпи – Раҳимжоновлар авлодлари бўлган.

Бу 7 та тўп уруғлар бир-бири билан иноқ, меҳрибон ва оқибатли бўлиб яшаганлар.

Ундан ташқари шайхлар ҳам бўлган. Улар ҳам ўз аждодлари номи билан юритилган. Шайхлар йўл-йўриқ кўрсатувчи, бошқарувчи ва меҳнаткаш инсонлар бўлган. Уларнинг авлодларини кейинги вақтда Зокир шайх ва Худоёровлар давом этдирмоқда. Хос қишлоғи марказидаги «Хатиб ота» қабристонига шу шайхларнинг фарзандларидан бири Бедёров Умрқул ҳожи бош-қош бўлиб, ободонлаштириб, назорат қилиб туради.

Хос қишлоғи халқининг қадимда урф-одатлари ҳам ўзгача бўлган. Қишлоқ аҳли ўзига хос айрим хусусиятлари: ишбилармонлиги, одамийлиги, меҳрибонлиги, ўз ишининг устаси экани, озодалиги ва мурувватлиги билан ажралиб турганлар. Улар орасида шу билан бирга қаттиққўл, ҳақгўй ва чўрткесар инсонлар бўлган. Шундай хусусиятга эга аҳолиси бўлганлиги учун ҳам Хос аҳолиси алоҳида ажралиб турган.

«Хос» сўзи – махсус, алоҳида, тоза маъноларини билдиради. «Хос» сўзининг яна бир ўзига хос маъноси «оқори табақали» деган маънони ҳам билдиради. Бу «Қобуснома» китобида ҳам ёзилган.

Юқорида таърифи келтирилган Хос номини ардоқлаб, халқининг ўзига хос фазилат ва хис-

латларини сақлаш мақсадида бўлса ажаб эмас, бу қишлоқ азалдан бошқа қишлоқ ва шаҳарларга қизларини бермаган ва ўғилларини ҳам бошқа қишлоқ ва шаҳарлардан уйлантирмаган. Қишлоқ аҳли, яъни еттига тўп-уруғ бир-бири билан қуда-андачилик, қиз узатиш, ўғил уйлантириш билан олди-берди қилиб келганлар.

Хос қишлоғининг ўзига хос урф-одатлари бўлган – четга қиз бермаслик ва четдан қиз олмаслик яқин йилларгача сақланиб қолган эди. Бу одат 1960 йилларгача сақланган, шу йилларда уйланадиган ўғил болалар кўп бўлиб, турмушга чиқадиган қизлар етишмай қолган. Қизларни балоғат ёшига етгунга қадар, яъни 18 ёшга тўлгунга қадар, 4-5 йиллаб унаштириб қўйиб, қуда-андачилик қилиб юриш қийинчиликлари ҳам бўлган. Оқибатда йигитлар четдан уйлана бошлашган. Шундан кейин қишлоқнинг бу одатлари ҳам ўзгариб кетди. Четга қиз бериш ва четдан қиз олиш ҳозирги вақтда оддий ҳолатга айланиб қолган. Лекин ҳозирги даврда ҳам ўғил тўйи ва қиз тўйлари бу ерда ўзига хос алоҳида хусусиятларга эгадир. Бошқа қишлоқлардан кескин фарқ қиладиган урф-одатлари ҳанузгача сақланиб қолган.

ХОС ҚИШЛОҒИНИНГ ТАРИХИЙ ЖОЙЛАШИШИ

Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Хос шаҳарчаси Буюк ипак йўлининг доимий бекатларидан бўлгани, шаҳарча қўрғони борлиги, шаҳар аҳолиси ҳунармандчилик, косибчилик, темирчилик ва айниқса деҳқончилик ва

чорвачилик билан шуғуланганлиги маълумдир.

Қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик, чорвачилик билан машғул бўлган. XVIII аср охирларида ҳам Хос халқининг ерлари шимол томонда (ҳозирги Навбаҳор хўжалиги, Бекобод хўжалиги ерлари) «Қирқ адир» деб номланиб, то Кўкоролгача бўлган ерларга деҳқончилик қилиб келган. Шимол-шарқ томонда мўғул тоғи этаклари, Ёнтоғ (Тожикистон Республикаси Матчоҳ тумани) ерларида ҳам хосликлар хўкиз, от ва эшаклари билан бориб, омонда ер ҳайдаб, буғдой-арпа экиб, баҳор-ёзда ҳосилини ўриб, йиғиштириб олиб келганлар.

Бекобод тумани ҳудудидаги Мавлонов номи давлат хўжалиги, Далварзин давлат хўжалиги ҳудудлари тўқайзор бўлиб, очиқ ерларига ҳам деҳқончилик ва чорвачилик қилганлар. Аксарият жойларда, айниқса, дарё томонларда тўқайзор ва қамишзорлар бўлган.

Ўша вақтларда, яъни ўтган асрларда Бекобод шаҳри тарафда ҳам аҳоли ҳар жой-ҳар жойда яшаган. Ҳозирги Сретенко қишлоғини аввал «Мужик» деб атардилар. Сабаби, 1860 йиллардан кейин руслар кўчирма қилиб Россиядан олиб келинган. Руслар хосликларга яқин жойга, дарё бўйига уй-жой қурадилар. Уларни халқ «Мужик» деб, қишлоғини ҳам шу номда атаб келган.

Бекобод тумани Деҳқонобод жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Жумабозор», «Кал» қишлоқлари, Тожикистон Республикасига қарашли Самгар каби қишлоқларнинг пайдо бўлиши ҳам Хос қишлоғи билан боғлиқлиги ривоят қилинган.

Хос қишлоғининг ўта қадимийлигини XV асрларда ҳам Бобур томонидан изоҳлаб ўтилганидан билса бўлади.

Бобурнинг «Бобурнома» китобида ёзилишича, қишнинг қаҳратон совуғида (Тожикистон Республикасининг Нов тумани) Хаштяк қишлоғида 2-3 кунда аскарлардан 3 киши совуқдан ўлганлиги, ариқ сувида ғусл (таҳорат) қилганлиги ва 16 қатла сувга чўмдим деб ёзилган. Тонгда Хўжанд сувининг Хос томонидаги муз устидан ўтиб, тун қотиб, Пискентга келдик деб ёзган. («Бобурнома» китобининг, 88-бетида).

Бекобод ҳудудида Хос қишлоғидан Пискентгача бошқа йирикроқ қишлоқлар бўлмаганлиги сабабли Бобур ҳам «Бобурнома»да ёзиб қолдирмаган, бу ҳам Хоснинг жуда узоқ йиллардан маълумлиги исботидир.

Хос қишлоғида 400-500 йиллик тутлар мавжудлиги қадимдан Хос асосий пилла базаси бўлганлигини кўрсатади. Пилла базаси деб аталишига сабаб, пиллани пишириб тайёрлайдиган корхона ҳам шу қишлоқда бўлган. Хос халқи яқин йилларда (1990 й.) ҳам 18 тонна пилла етиштириб берган.

Бу қишлоқда тутлар фақат пилла етиштириш учун эмас, балки ундан ташқари аҳолини ўтин билан таъминлаш учун ҳам ишлатилган. Айниқса, 1920–1930 йиллардаги, 1937 ва уруш йилларидаги очарчиликларда қишлоқ аҳлини тут майизи ва шинниси билан таъминлаган. Ўша қаҳатчилик йилларида Сирдарёнинг чап соҳили томонидаги, Ўратепа атрофидаги қишлоқ одамлари Хосга келиб, ишлаб

тут майизи билан яшаб, тирик қолганлигини ота-боболаримиз жуда яхши эслаб, айтиб берар эдилар.

Ривоятларга кўра XIV асрда Сирдарё бўйлари ва ороллари жуда сўлим, манзарали, дам олиш масканларига ўхшаш жойлар бўлганлиги кўп бора таърифланган.

Сирдарё ўртасида 2 та катта орол бўлган. Шу оролларнинг бирида Чингизхон саркардалари ва обрўли мансабдорларни тўплаб, дам олиб маишат қилаётганлигидан хабар топган Темур ўзига хос стратегик тактикасини қўлаб, оролни ўраб олиб, уларни вайрон қилиб, ғалаба қозонади. Саркарда ва раҳбарсиз қолган аскарлар қочадилар, кўпчилиги Амир Темур қўл остига ўтади. Қолганларини қувиб Пискентгача бўлган ерлар Амир Темур қўлига ўтади. Амир Темурнинг бундай моҳирона, ўзига хос бу жанги юқори баҳоланиб, Хос номи ҳам шу жангнинг ўзига хослигига атамалаб белгиланган бўлиши мумкин деган ривоятлар бор.

Бу улкан ғалаба кўп йиллар «Темурга хос жанг» деб таърифлаб келинган. Кейинчалик қишлоқни шунинг учун номи «Хос» деб аталган, деб ҳам ривоят қилинади.

Хос қишлоғи Сирдарё (Сайхун)нинг ўнг қирғоғида, баланд жарликлар устида жойлашган эди. Бу жарликлар ёнидан дарё мавжланиб тўлиб оқиб турган. Қишлоқнинг ҳам эски жойларини ювиб, учмажарлик ҳосил бўлган. Ўша вақтларда Сирдарёда кемалар қатнови бўлиб, Хўжандга улар орқали юклар ташилган экан. Кейинчалик Фарҳод ГЭС қурилиши, дарё суви бойланиши, Платина қурилиши му-

носабати билан дарё сурилиб, аҳоли яшаётган тепаликлардан 800-1000 метрлар узоқлашиб кетган.

Дарёнинг эски ўзани ўрнида зах сувларни, кўлмакларни, қамишзорларни йўқ қилиш учун зовурлар кавланиб, 1947–1948 йилларда катта ишлар қилинди. Тўқай ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонларига айлантирилди. Шу тўқай ерларга экин экилган майдонлар 250-300 гектарни ташкил қилади.

Қишлоқ аҳолисининг дастлаб яшаган қўрғонлари эски қўрғон номи билан ҳанузгача аталиб келинади. 1977–1980 йилларда Абдураҳимов Нарзулла раислик қилган даврда ПМК-6 ташкилотининг трактор, бульдозерлари келиб, эски жарликлар сурилганда ер тагидан ҳар хил катта-кичик хумлар, мой чироқлар, уй-рўзғор буюмлари, қадимда қурилишда ишлатилган юпқа фиштлар, чинни, сопол каби топилмалар чиққан. У ердан яна 1,5 гектар келадиган жойда қабрлар, одам суяклари, яна бир томонда сув тегирмони қолдиқлари аниқланган эди. Буларнинг ҳаммаси бу ҳудудда шаҳарча бўлган ва ушбу топилмалар ўша давр қолдиғи деган фаразни беради.

Қишлоқ ўртасида масжид жойлашган бўлиб, унинг атрофлари, тепаликлари 1980 йилда сурилиб текисланаётганда ер юзасидан тахминан 1м. чуқурликда тўртбурчак шаклидаги (30см х 30см) ҳажмда пишган фиштлар чиқиб қолди. Унинг қалинлиги 5 см эди. Фишт ниҳоятда чиройли, ёзувлари ҳашамдор ва муҳрга ўхшаш гуллари ҳам бор эди. Бу фишт чиққан жойни яна кавланганда шу фиштдан ишлан-

ган фишт қувурлар йўли очилиб қолди. Унинг узунлиги тахминан 6-7 метрга тенг эди.

Хос қишлоғи тарихини ота-боболаримиздан эшитганмиз. Улар ҳам ота-боболаримиздан эшитганларимиз, деб бизларга айтиб берганлар. Қишлоқда эски қадимий мадрасалар бўлганлиги, доно ва билимли кишилар дарс берганлигини айтишган. Шундай кишиларнинг қабрлари, мақбаралари ҳали-ҳанузга қадар сақланганлиги ҳам юқоридаги фикрларнинг исботидир.

ТАРИХИЙ ЗИЁРАТГОҲЛАР

Бекобод шаҳридан Хос қишлоғига кириб келаверишда, унг томонда «Қизил мозор» мақбараси бўлиб, унинг 500-600 йил илгари қурилганлигини халқимиз яхши билади.

У қизил пишган фиштдан қурилганлиги сабабли «Қизил мозор» номи билан машҳур бўлган. Бу мозорга Хос қишлоғига қўшни бўлган Тақачи қишлоқ аҳли яқин бўлганлиги учун унга қараб, тозалаб турганлар. Ҳозирга қадар одамлар ҳам келиб зиёрат қилиб кетадилар.

Айтишларига қараганда, тарихда ўтган хону султонлар ичида фақатгина Темур бобомизгина ҳар бир отлиқ аскарга хуржун осдириб, унинг ичига 4 тадан фишт солиб юришни расмий қонун тусига киритган экан. Жангда ҳалок бўлган саркардаларга мақбара қурдириш Амир Темур буйруғи билан амалга оширилган экан. Ана шу фикрларга суяниб айтиш мумкинки, «Қизил мозор» мақбараси қурилиши ўша даврга, яъни XIV асрга тўғри келиши мумкин, деган тахмин ҳам ўринлидир.

«Ҳақиқатдан ҳам мазкур мақбаранинг Бобурга дахлдор эмаслигини тарихий манбалардан аниқласа бўлади, – деб ёзади тарихчи Даврон Жўраев. Чунки Бобур Афғонистонга ўтиб кетишидан олдин 150-200 нафардан ортиқ аскарга эга бўлмаган. Доимий хавф-хатар ва қувғин остида бўлган Бобурнинг мақбара қуришга вақти ҳам, куч-қудрати ҳам йўқ эди.

«Қизил мазор»ни бориб кўрган Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти Академиги С.Ф.Буряков, Ўзбекистон Миллий Университети археология кафедраси ўқитувчиси Раҳмонали Ибрагимов каби олимлар ҳам мақбаранинг қурилиши, архитектураси, унга ишлатилган ғиштларнинг ҳажми ва сифатига эътибор бериб, бу иншоотни Амир Темур ва Темурийлар даврида қурилган, деб хулоса чиқарганлар.

«Қизил мазор» мақбараси билан Зангиота туманидаги «Зангибобо» мақбарасининг қурилиш услуби ўхшашлиги ҳам, ушбу мақбара Амур Темур ёки Темурийлар томонидан қурилганлиги ҳақиқатга яқинроқ деган тахминга асос бўлади. Бу мақбара ичида ҳозирги вақтда 6 та қабр бўлиб, улар шу ердан ўтган зиёлиларнинг қабрлари бўлиши мумкин.

Хос қишлоғида бундан бошқа яна 7 та авлиёларнинг мазорлари бўлганлигини ота-боболаримиз айтиб келишган ва уларнинг мазорлари ҳам сақланган. Улар ўз номлари ва хизматлари билан бир-биридан ажралиб туради.

Ҳозирги Хос қишлоғи ўртасидаги қабристонда гумбазли «Хатиб ота» қабри ва мақбараси бор. Бу мақбара пишган ғиштдан тўрт-

бурчак шаклида гумбазли, ёғочсиз қурилган бўлиб, у мақбара ҳам деярли «Қизил мозор» гумбазли шаклида. Мақбара ичида Хатиб ота қабри жойлашган.

Бу мақбаранинг қурилиши ҳам тахминан XIV–XV асрларга тўғри келади деган тахминлар мавжуд. «Хатиб ота» мақбараси ота-боболаримиз даврида ҳам зиёратгоҳ бўлиб, унга ҳатто бошқа ёқлардан келаётганлар, Буюк ипак йўли бўйлаб ўтаётганлар ҳам тўхтаб, кўпчилиги зиёрат қилиб ўтганлар, деб таърифлайдилар.

«Хатиб ота» зиёратгоҳини XIX асрда ҳам ўзига хос сеҳри бўлганлигини ота-боболаримиз шундай тарифлайди: Қабристон ёнидаги катта йўлдан ўтаётган йўловчилар отда, туяда ёки эшакда бўлсин, тушиб пиёда ўтар эдилар, агарда улар от-уловларидан тушмай ўтсалар, учиб кетар, йиқилар ёки албатта шикастланар эканлар.

«Хатиб ота» мақбарасига ҳозирги вақтда ҳам кўплаб кишилар келиб, дардларига шифо тилаб, зиёрат қилиб, хасталигидан фориғ бўлишини Аллоҳдан сўраб, дуо-фотиҳа қилиб турадилар. Шифо топганлар ҳам кўплиги учун зиёратчилар билан бу жой доим гавжум.

«Хатиб ота» мақбараси деворлари ёрилиб, таъмирталаб бўлиб қолган эди. Уни шу қишлоқда яшовчи, асли Тожикистон Республикаси Куркат қишлоғидан шайх Одил Улуғов 1978 йилда қайта таъмирлаган. Одил шайх домла ўз маблағи ҳисобидан қабристоннинг кириш жойига салобатли мақбара ҳам қурган.

Одил шайх Улуғов 1948 йилларда Хос қишлоғига келади, шу қишлоқлик бир аёлга уйланади ва шу ерда уй-жой қуриб яшай бошлайди. У киши шайх авлодларидан бўлиб, кишиларни ўқиб даволар эди. Касалликларни тўғри аниқлаб берар эди. Ундан жуда кўпчилик шифо топган.

Хос қишлоғининг ўртасида яна битта қабристон бўлиб, у «Анжирли ота» мазори деб аталади. Шу ерлик аҳоли авлиё ота мазорини зиёрат қиладилар ва ундан кўнгиллари таскин топади. Уни яна «Кўз» мазори ҳам дейдилар.

Ота-боболаримизнинг таърифлашича, «Анжирли ота» авлиёсифат киши бўлиб, одамларнинг дардига малҳам берадиган, дардини тушунадиган инсон бўлган экан. Айниқса, кўзи оғриганлар шифо топганликларини кўпчилик ҳалигача эслайди.

Бу мазорга илгари вақтларда ҳам кўп одамлар келиб шифо топганлар. Ҳозирги вақтда ҳам қишлоқдаги одамларнинг кўзи оғриб, тузалмаса, эътиқод қилиб шу ерга келиб зиёрат қилиб, Аллоҳ йўлига фотиҳа қилиб, шифо топаётганлар кўп. Масалан, яқинда бир аёл бир неча кун кўзи оғриб, шифокор мурожаат қилган. Шифокор унинг кўзи соғлигини, кўриши яхшилигини айтган. Лекин оғриқ тўхтамаган. «Кўз» мазорига иши тушган кишиларнинг маслаҳати билан шу ерга келиб, зиёрат қилиб тузалиб кетган.

Хос қишлоғидаги Ёшлик маҳалласида яшовчи бир аёл кўзи оғриб, анча вақт даволаниб юради. Лекин ўзгариш бўлмагандан кейин шу

мозорни супуриб-сидириб қараб турадиган кишининг уйига кириб, унга нарзини бериб, дуои фотиҳа қилгандан кейин тузалиб қолган... Бу ерга бошқа қишлоқлардан ҳам одамлар келиб туради.

Хос қишлоғининг ғарб томонида қишлоқ четида авлиёсифат «Қавс ота» зиёратгоҳи бор. «Қавс ота» мозорини ҳам ота-боболаримиз жуда қадим замонлардан мавжуд эканлигини, уни зиёрат қилиб, кўпчилик шифо топганлигини айтиб берганлар, «Қавс ота» мозорини қишлоқ аҳли жуда яхши билади. Қавс билан оғриганларни, ҳатто чорва ҳайвонларини ҳам олиб келиб, нарзини бериб, шифосини сўрайдилар.

Бу мозорнинг таърифини эшитганлар бошқа ёқлардан ҳам келиб туради. «Қавс ота» номини айтиб, унга атаб назр бериб, худо йўлига хайр-эҳсон қиладилар. Дуои фотиҳа қилиб, Аллоҳдан шифо сўрайдилар. Масалан, 1-Далварзинлик бир тадбиркор йигитнинг аёли узоқ вақт касал бўлиб, тузалмай қийналган. Кўп азият чеккан. «Қавс ота» мозорини одамлардан эшитиб, шу ерга келган, зиёрат қилиб, ихлос қилгандан кейин тузалиб кетган.

Бундай мозорлардан яна 4 таси бор.

Бекобод шаҳридан келишда Тақачи қишлоғидан ўтиб, «Хос» қишлоғи ҳудудига киришда чап томонда Болтавой бува чорбоғи деган ерда «Бува ота» мозори, ундан яна 500 метрча юргандан кейин Назарқул бува чорбоғида «Ғойиб ота» қабри, қишлоққа кираверишда яна битта «Ўзал ота» мозори зиёратгоҳ

сифатида халқимиз томонидан эъзозланиб келинмоқда.

«Хос» қишлоғидан Сретенко қишлоғи томон чиқишда чап томонда жарлик бўйида «Қисмат ота» мозори борлигини ҳамма яхши билади. Бу жуда қадимдан, ўтган асрлардан бери мавжуд бўлган катта қабристон экан. Бу қабристондаги қабрлар, суяклар шундан далолат беради. У ерда сув тегирмони, обжувоз бўлганлигини оталаримиз жуда яхши эслайдилар.

Бу ерда яшаб ўтган азиз-авлиёлар шу қишлоқнинг аҳолисига хизмат қилган, ерларга сув чиқаришда бош-қош бўлганлар, халқнинг оғирини енгил қилишда хизмат қилганлар. Бу улуг инсонлар, айниқса, қишлоққа сув олиб келишда жонбозлик кўрсатганлар.

Хос қишлоғи асосий сув билан XIX асрда «Князь» ариғи деб номланган ариқдан суғорилган. У ариқнинг суви Сирдарёдан олинган. Кейинчалик бу канални кенгайтириб, кавлаб қўшни маҳаллаларга ҳам сув келтирилган бўлиб, у «Хосёз» канали деб номланган. Эрта баҳорда дарё суви ҳозирги Бекобод шаҳри эски кўпригининг пастидан сепоя ва чорпоялар билан дарё тўсиб сув чиқарилган. Дарёга катта сув келганда дамбаларни оқизиб кетиб, яна қийинчиликлар билан қайтадан дамба қилиб, қишлоққа сув келтирганлар.

1930 йилларда «Далварзин» канали ишга тушганда «Хосёз» каналининг боши ўша каналга уланади. Ундан кейин Хосёз каналини кенгайтириб, қўшни хўжаликлар ҳам сув билан таъминланган, бу канални янада кенгайтириш, реконструкция қилишда, канал қури-

лишида бош-қош бўлганлар. Хосликлардан: Мамаюсупов Мирзааҳмад, Бўтабоев Маҳкамбой, Тошматов Шермат, Тошматов Абдухалил ва Донабоев Абдукамоллар бу қурилишларда фаол иштирок этган ва шу каналда техник, мироб бўлиб ишлаганлар.

ХОС ҚИШЛОҒИДА ХVIII – ХХ АСРЛАРДА ЯШАБ ИЖОД ЭТГАН ИЛМЛИ ИНСОНЛАР

Хос қишлоғида азиз ва мўътабар, донишманд ва билимли инсонлар анчагина бўлган. Жумладан, ХVIII аср ва ундан олдин Авазхон ҳожи, мулла Ражабали, мулла Хидирали ҳожи, мулла Ҳайитбой (1789–1865 йилларда яшаб ўтган), мулла Неъматбой (1830–1898 йилларда яшаб ўтган), Деҳқонбой домла (1856–1935 йилларда яшаб ўтган), Шоиброҳим домла (Худоёрхон саройида Мирза бўлиб ишлаган), мулла Эшонқул домла, Эшмат қори, Қамбар домла, Тўраҳон домла кабилар яшаб ўтганлар. Улар қишлоқни, халқни бошқарганлар. Мадрасалар очиб ўқитганлар, кўплари Бухоро мадрасаларида ҳам ўқиб келганлар.

1. Мулла Эшонқул домла инсонларни даволаган, мадрасада илм берган. Унинг қоп-қоп китоблари бўлган. Фарзандларидан Нодира Эшонқулова Хос қишлоғида яшайди.

2. Мулла Шоиброҳим домла – Қўқон хонлиги саройида Мирза бўлиб ишлаган. Қўқонда ҳам ўзининг мадрасаси бўлган. Кейинчалик уйланиб, Хос қишлоғига кўчиб келиб яшаган. Мадраса очиб, қишлоқда кўплаб кишиларни билимли қилган. Унинг Қосим, Мулла

Усмон, Сиддиқ, Маҳкамбой исмли ўғиллари ва Нусрат исмли бир қизи (Холиқул Худойқуловнинг онаси) бўлган. Қишлоқ кўчаларининг бирига Сиддиқ Шоиброҳимов номи берилган эди. Кейинчалик кўча номи ўзгартирилди.

3. Мулла Ражабали, Мулла Хидирали фарзандлари Қамбаровлар авлоди бўлган. Улар ҳам ўқимишли домла ва ҳожи эдилар.

4. Авазхон ҳожи, мулла Ҳайитбой, мулла Неъматбой фарзандлари Маҳкамбой, Раҳимов Тожиёрлар авлоди бўлганлар.

5. Эшмат қори эса қишлоқда билимдон, Қуръонни ёддан айта оладиган ва олдиндан башорат қила биладиган донишманд бўлган. Унинг фарзанди Абдуқаҳҳор Тошкентда яшайди.

6. Қамбар домланинг фарзанди Ҳайдар домла ва Турдиали домла авлодларидир.

7. Тўраҳон домланинг фарзанди Шукурхон билимли, илми, ўймакор уста бўлган. Шукурхоннинг ўймакорлик мактаби Кўқонда бўлиб, унинг шогирдлари тарихий жойларни таъмирлашда хизмат қилмоқда.

Ана шу каби юқоридаги ўнлаб билимли ва донишманд инсонлар қишлоқ аҳолисига ҳар ишда бош-қош бўлиб келганлар. Буларга ўхшаш билимдонлар кўп бўлган, афсуски кўпчиликнинг ҳужжатлари шўро даврида йўқ бўлиб кетган. Юқорида айтиб ўтилган домлалардан таълим олган қишлоғимизнинг кейинги авлодлари, домлалари ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

Қишлоқнинг таниқли ва билимли авлодларидан илм олиб, мадрасаларда таълим олган домлалардан: Йўлдошев Тошмат, Мирзаев

Тошмат, Қамбаров Ҳайдар, Қамбаров Турди-али, Тошбоев Раимқул, Қўшматов Абдуҳамид, Раҳмонбердиев Холмат, мулла Эргаш Йўлдошев, Қўзибоев Содик, Худойқулов Холиқул кабилар қишлоқнинг билимдон муллалари бўлиб, оғир-енгил шароитларда халқни бирлаштириб, бош-қош бўлишга ўз ҳиссаларини қўшиб келишган. Улар тўй ва маросимларда хонадонларнинг тўрида ўтириб, ҳурматда-иззатда бўлишган. Ёшлар тарбиясига, миллий қадриятларга катта эътибор қаратиб, қишлоқ маданияти ривожига ҳисса қўшиб келганлар.

Аммо Шўро тузуми даврида улар бемалол, эмин-эркин, ошкора муллалик қила олмаганлар. Ҳатто суннат тўйини ўтказиш ҳам тақиқланиб, туғилган кун тарзида нишонлар эди. Таъзия маросимларида ҳам жаноза ўқиш, дуо-фотиҳа ўқиш мумкин эмас эди. Фотиҳага борган кишилар, айниқса, юқори ташкилотларда ишловчилар жазоланар эди. Мозорларга бориш ҳам тақиқлаб қўйилган эди.

Мана, халқимиз мустақилликка эришгач, яна динга, миллий урф-одатлар ривожига эмин-эркин шароит яратилди. Масжидлар кўплаб очилди. Тўй ва турли маросимлар ҳам кўнгилхушлик билан ўтмоқда.

1900 ЙИЛЛАРДАГИ БОЙ ВА ЗИЁЛИЛАР

Бу йилларда домла ва муллалардан ташқари қишлоқнинг бойлари ва билимдон зиёли кишилари ҳам кўпчилиқни ташкил қилган.

Хос қишлоғида Анорқулбой, Отабоев Маҳкамбой, Бойматов Алиберди, Мирзаев Тошмат каби бойлар бўлиб, уларнинг кўплаб қўй-мол-

лари, от-туялари бўлган. Уларнинг чорбоғлари ва катта-катта ерлари ҳам бўлган. Улар ўша даврдаги қимматчилик, очарчилик йилларида ўзларининг дон, ғаллаларини етим-есир, бева-бечораларга бериб, одамлардан ўз ёрдамларини аямаганлар.

1930 йиллар қатағони даврида уларнинг бойликларини, молларини ҳукумат тортиб олиб, жамоа хўжаликларига топширилган. Ўзларини суд қилиб, узоқ ўлкаларга жўнатиб юборганлар. Улардан Анорқулбой Россия қамоқхоналарида қолиб кетган, бошқалари эса она юртига қайтиб келган.

Шу йилларда Хос қишлоғининг билимли ва ишбилармон кишилари қишлоқни янада ривожлантиришда турли соҳаларда ишлаганлар. Бу даврда Нурматов Мамаюсуф, Назаров Абдурахим, Тўрақулов Умар – судья, Маҳкамов Адҳамбой – раис, Йўлчибоев Абдумўмин – мингбоши, Қўшматов Абдуқаҳҳор – раис, Абдухолиқов Исмоил – оқсоқол, Турсуматов Исмоил – оқсоқол, Жўрабоев Исмадиёр – раис, Михлибоев Маматқул, Жўрабоев Алиёр – бухгалтер, Шукурралиев Абдуқодир – раис, Қорабоев Умар – бухгалтер каби фаоллар қўлида қишлоқ камол топган. Ўша даврда Хос қишлоғида 500 та хонадон бўлган. Аҳоли шу қишлоқда яшаб, ишлаб ўз тирикчилигини ўтказган.

Жумладан, хослик Йўлчиев Абдумўмин мингбошининг фаолияти ҳақида кенгроқ маълумот бериб ўтмоқчимиз. Абдумўмин мингбоши Хос қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ёшлигидан онасидан айрилиб, Тошкентда етимхонада тарбияланади. Баллофат ёшига етганда отаси қишлоққа олиб

келиб, уйлантириш арафасида отаси ҳам вафот этади. У етимхонада ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрганлиги сабабли мустақил ҳаётга дадил киришади. Рус тилини яхши билганлиги учун у элга тез танилди. У қишлоқда болаларни ўқита бошлади. Рус амалдорлари билан бемалол гаплашгани учун халқ эътиборида бўлди ва юқори лавозимларда ишлай бошлади.

Уни Хўжанд уездига таржимонликка юборганлар. У таржимон, иш юритувчи вазифаларида ҳам ишлаган.

Инқилоб даврида у сиёсий ҳаёт қозонида пишиб етилганда 35-40 ёшларда бўлиб, ўзбеклардан чиққан ўз даврининг биринчи зиёлиларидан эди. Шунинг учун ҳам у янги ҳукумат томонидан мингбоши бўлиб сайланган.

Йўлчиев Абдумўмин мингбоши вазифасида ўз ҳудудида ер ислоҳоти, коллективлаштиришни амалга ошириш каби сиёсий, тарихий ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этишда раҳбарлик қилган. Хос, Тақачи ва Сретенко қишлоқларига ҳам ҳужум қилган қўрбоши (Омон ва Эшонқул қўрбоши)ларга қарши курашиб, ўз қишлоғини турли талафотлардан сақлаб қолган.

Мингбошининг давлат учун жонбозлик кўрсатиб ишлаётганлигига қарамай, марказнинг топшириғига биноан, баъзи нотўғри кўрсатмаларга асосланиб, уни ўша даврдаги сиёсий тўнтаришлар иштирокчиси деб қамашади ва Ким Пен Хва жамоа хўжалигига (Ўрта Чирчиқ туманида) қамоқ лагерга жўнатишади. Кейин-

чалик қамоқ лагери Бекобод тумани Сретенко қишлоғига кўчади ва мингбоши 1936 йилда оқланиб чиқади.

Йулчиев Абдумўмин бир неча йил Хос қишлоғида яшаб, 1938 йилда қўшни Сретенко қишлоғига кўчиб кетади. У ерда жамоа хўжалиги фермасини бошқаради, ўша йиллари қиш совуқ келиб, қаҳратонда жамоа хўжалиги фермаси қўйларининг кўп қисми ўлиб қолади, шу сабабли Абдумўмин ака яна қамалиб қолади ва кўп ўтмай қутулиб чиқади. Ўзи ҳам шу совуқларда касалланиб, 1943 йилда вафот этади.

ХОС ҚИШЛОҒИ 1926–1940 ЙИЛЛАРДА

1926 йил 29 сентябрда Ўзбекистон ССР марказий ижроия комитетининг 1-чақириқ 5-сессиясида туманлаштириш ҳақида қарор қабул қилинади ва ана шу қарор асосида Ўзбекистонда 88 та туман ташкил этилади.

Бекобод тумани ҳам ана шу қарор асосида ташкил қилингандан кейин унгача яшаган бой, батрак ва камбағалларни жамоага бирлаштириш масалалари кўриб чиқилган. Бекобод тумани ҳудудида бир неча хўжаликлар ташкил этилган.

Бекобод тумани ҳудудида 13 та қишлоқ советлари тузилган, шулардан бири Хос қишлоқ совети бўлган.

Хос қишлоғида коллективлаштириш бошланган даврда қишлоқ ҳудудий чегаралари белгиланиб, шимол томони «Хосёз» канали билан, каналнинг нариги томони 2-Далварзин хў-

жалиги билан, жануби Сирдарё дарёси билан, ғарбдан Сретенко қишлоғи билан ва шарқдан Тақачи қишлоғи билан чегараланган.

1929 – 1930 йилларга келиб коллективлаштириш бошланади ва Далварзин каналига сув чиқарила бошлангандан кейин аҳолиси зич жойлашган вилоятлардан аҳолини кўчириб келтиришади. Худди қулоқ сифатида сургун қилиниб, уларга уй-жой, шароит қилиб берилади. Шундан кейин туман аҳолиси кўпая бошлаган. Аҳоли сони 21562 нафарга етган.

1930 – 1932 йилларда туманда 60 дан ортиқ майда жамоа хўжалиги, ширкат ва давлат хўжаликлар, 1-2-3-Далварзин давлат хўжаликлари ташкил топган.

Туман маркази – Бекободга шаҳар типидagi посёлка мақоми берилган.

Уша даврларда коллективлаштириш авжига чиқиб, мажбуран жамоа хўжаликларга аъзо қилиниб, молини, отини, қўй-қўзиларини, туяларини, араваларини тортиб олиб, жамоа хўжалиги фондига қўшиб юборилган. Қаршилиқ қилганларни бой-қулоқ деб, бошқа ёқларга сургун қилганлар.

1930 – 1932 йилларда Хос қишлоғи ҳудудида ҳам «Қизил юлдуз» жамоа хўжалиги тузилган. Жамоа хўжалигига 25 киши аъзо бўлган, 80 гектар ерга пахта экилиб, 8 центнердан ҳосил олинган.

1932 йилда Хос қишлоғида «Меҳнатобод» артели тузилиб, 40 гектар ерга пахта экилган ва 4 центнердан ҳосил олинган.

1932 йилда яна бир «Зарбдор» жамоа хўжа-

лиги тузилиб, унга Мамаюсупов Тоживой раис бўлган ва унинг 16 та аъзоси бўлган.

1933 йилга келиб бу жамоа хўжаликлар «Қизил юлдуз» жамоа хўжалигига бирлаштирилади ва унга Алматов Деҳқон раис бўлган ҳамда жамоа хўжалигининг ер майдони 400 гектарни ташкил этган. Лекин пахта ҳосилдорлиги 7-8 центнердан ошмаган.

Хос қишлоғининг бошқа томонида «Бирлашган куч» ва Карл Маркс номли жамоа хўжаликлар бирлаштирилиб, Карл Маркс номли жамоа хўжалиги ташкил этилган, унга Жўрабоев Исмадиёр раис бўлиб сайланган, жамоа хўжалигининг ер майдони 200 гектар бўлиб, ҳосилдорлик 6-8 центнердан ошмаган.

1942 йилга келиб, яна жамоа хўжаликлар бирлашиб, унга Жўрабоев Исмадиёр раис ва Шукурралиев Абдуқодир агроном бўлган.

Кейинчалик 1944 йилда яна иккита жамоа хўжалигига бўлиниб, «Қизил юлдуз» жамоа хўжалигига Қўшматов Абдуқаҳҳор раислик қилган, Карл Маркс номли жамоа хўжалигида Жўрабоев Исмадиёр раис вазифасида 1946 йилга қадар ишлаган.

1946 – 1947 йилларда шу жамоа хўжалигига Нуралиев Турдиали раислик қилган.

1948 йилда жамоа хўжалигига Игнатенко Николай Андреевич (олдин райкомни иккинчи секретари бўлиб ишлаган) раис бўлиб сайланди. У қўшни Сретенко қишлоғидан эди. У кўп ишламай, бошқа ишга ўтиб кетган.

1949 йилга келиб, яна «Қизил юлдуз» ва Карл Маркс номли жамоа хўжаликлари қўшилиб,

ягона Карл Маркс номли жамоа хўжалиги бўлиб, унга Тожибоев Анорқул раислик қилган.

Уруш қийинчиликлари урушдан кейинги йилларда ҳам давом этган. Жамоа хўжаликлари омборида ҳеч нарса йўқ эди. Жамоа хўжалигидагилар эрта тонг ёришгандан кун ботгунга қадар ишлар эди. Кузда эса пахта терими, ундан кейин кўсак терими бўлиб, ҳамма 1 январга қадар пахта терар эди. Кузги совуқ ва изғиринларда ҳам, ҳатто қор ёғса ҳам далага чиқиб кўсак терилар эди. Кўсакларни жамоа хўжалигидагилар барча хонадонларга кечқурун тарқатиб чиқар эди. Хонадонларда кечаси билан чироқ ёруғида бола-чақалари билан кўсакни чувиб, пахта қилиб, эрта тонгда пахтаси топширилар эди.

Ана шу йилларда қиш жуда совуқ келиб, қор жуда кўп ёғар эди. Сирдарёнинг суви музлаб, унинг устидан одамлар, аравалар юки билан бемалол юра олар эди. Унинг устига қишда қаттиқ шамол, бўрон бўлар эди. Чорва ҳайвонлари совуқдан кўплаб ўлиб қолар эди. Лекин матонатли халқ ҳаммасига чидаб, қийинчиликларни енган.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БЕКОБОДДАГИ «ФАРҲОД» КАНАЛИ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИ

Уруш бошланиши билан Республика халқ хўжалиги фаолияти ҳарбий мақсадларга қаратилди. 1942 йилнинг кузида Бекободда Металлургия заводи қурилиши бошланган.

Бу заводни немислар оккупация қилиш олдидан Украинадан демонтаж қилиб келтирган эдилар. Завод қурилишида ўзбекистонлик мутахассислар билан бирга ҳарбий асирлар, яъни немислар, италянлар, руминлар ва кейинчалик японлар ишлаганлар. Ҳарбий асирлар кейинчалик деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланган.

Уруш қийинчиликларига қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати натижасида 1944 йилнинг охирида биринчи металл эритиш цехи ишга туширилди.

«Фарҳод» каналини қазиш ишларида Республикамининг ҳамма вилоятларидаги жамоа хўжаликлари аъзолари қатнашган. Ўша даврдаги маълумотларга асосан канал қурилишида 63 000 киши иштирок этган.

Дарё тўғонида, «Платина»да Андижон вилояти жамоа хўжаликлари ишлаган. Хоразм вилоятидан келганлар 11-участкада, яъни канални тушириш ва сувни «Киров» каналига тақсимлаб берадиган жойида ишлашган. Қолган вилоятлардан келганлар тупроқ қазиш ва ташиш билан шуғулланган.

У ёқда уруш давом этар, бу ёқда меҳнат fronti авж олган эди. Қийинчилик, очарчилик, юпун кийиниш сабабли одамлар азоб-уқубат чекарди. Совуқ 20-25 даража, шамол 30-40 метр секундига эсар, ҳаттоки бўронга айланиб кетар эди. Шамол қутуриб, чийиллаб, овоз чиқариб, майда тошларни учирар эди. Одамлар ерни кавлаб, «Землянка»ларда ётишган, асосан ишни хотинлар ва ўсмирлар ба-

жаришган. Тупроқни кетмонларда кавлашиб, қопларда орқаларига ортиб, 100-150 метрли қирғоққа олиб чиқилган ва тўкиб келинган. Баъзи кишилар бу шароитга чидай олмай, тинкаси қуриб ўлиб ҳам қолган.

Шунга қарамай одамлар хурсанд, трассада ашула, қўшиқ ва ўйинлар ташкил қилишар эди. Ўша вақтларда Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсупов бўлган. У киши узоқ вақт канал қурилишида одамлар билан бирга юрган, у киши билан келган артистлар концертлар ташкил этишар, одамлар ерда ўтириб ашулалар эшитганлар.

Артистлардан: Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Меҳри Абдуллаева, Муҳаммаджон Мирзаев каби жуда кўп санъат арбоблари концерт беришган.

Концерт зали – очик дала, ўртада баланд супа бўлиб, атрофида канал ариқ кавланиб, сув тўлдирилган, бир жойида кўприк бўлган. Бундай усул билан хавфсизлик таъминланган эди.

Канал қурилишининг бош раҳбари Саркисян деган арман миллатига мансуб киши бўлган, кейинчалик Мирзачўлга сув боргандан кейин у «Голодной-степстрой»нинг бошлиғи бўлиб узоқ йиллар ишлаган.

Ва ниҳоят, инсоният азоб-уқубатлари эвазига ғалабага эришилди.

Фарҳод канали ишга тушиши муносабати билан эртакларда айтилганидай, Мирзачўл зонасида минглаб гектар қақшаб ётган ерларга

сув чиқарилди. Фарҳод ГЭСидан юқори кучланишли электр симлари тортилиб, шимолга: Тошкентга, Чирчиқ саноатига, Бекобод металлургия заводига, шаҳар ва қишлоқларга узатилди.

Фарҳод ГЭСини бошқаришда ёш инженер Қодиров, машина залидаги агрегатларни бошқаришда Сафар Жиянов, ГЭС директори Камол Бекаев, электроцех бошлиғи Садриддин Калоновлар дастлабки электр энергия берилишини бошқарганлар.

Фарҳод канали ва Фарҳод ГЭСи ишга туширилгач, халқ хўжалигида электр таъминоти янада яхшиланган.

Уруш йилларида очарчилик, қаҳатчилик туфайли одамлар жуда қийинчиликда яшаганлар, одамлар маккадан, арпадан ёрчоқда ун қилиб, нон ёпганлар, овқат қилиб еганлар. Ёзда тут, майиз, ошқовоқ, қизилча каби ёз мевалари билан кун кечирганлар.

Қишлоқдаги барча ишлар хотин-қизлар, қариялар ва болалар зиммасида эди, хотин-қизлардан бригадирлар, сувчилар бўлган. Жумладан, Зева Раҳмонова, Шахзода Бўтабоева, Санам Болтабоева кабилар бригадир бўлиб жонбозлик кўрсатиб ишлаганлар. Ҳосилдорлик ҳам 12-13 центнерга кўтарилган.

Далада хотин-қизлар кечалари ётиб ишлаганлар. Барча ишлар қўл кучи билан бажарилган.

Шундай қийинчиликларга қарамай, қишлоқ аҳли 100 тонна буғдой, 40 тонна шоли, 15 бош от, 15 та арава ва бошқа кийим-кечаклар тайёрлаб фронтга, армия сафидаги жангчиларга мадад жўнатганлар.

II ЖАҲОН УРУШИДА ҚАТНАШГАН ХОСЛИК ЖАНГЧИЛАР

1941 йилда немис фашистлари халқ бошига катта талафотлару йўқотишлар келтирган хиёнаткорона уруш бошлаган эди. Барча халқлар қатори Ўзбекистон халқининг ҳам юз минглаб ўғлонлари фронтга кетган. Жумладан, Бекобод туманидан 10000 га яқин, Хос қишлоғидан эса 196 нафар йигитлар қўлларига қурол олиб, она Ватанни ҳимоя қилиш учун фронтда жанг қилганлар.

1941–1945 йилларда урушда қаҳрамонларча жанг қилиб ҳалок бўлганлар ва урушдан қайтиб келиб, меҳнатда ҳам жасорат кўрсатган ҳамда урушда вафот этган ҳамқишлоқларимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Уларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида қишлоқ марказида монумент – ёдгорлик ўрнатилган. Уларнинг фамилиялари мармар тошга ўйиб ёзиб қўйилган.

Бу уруш қатнашчиларининг порлоқ хотираси қишлоқдошларимизнинг қалбидан ҳеч қачон ўчмайди. Айниқса, уларнинг жасоратлари ёшлар учун ўрнакдир. 1994 йилгача Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан ҳалок бўлганлар 154 нафар бўлган. Шу ҳалок бўлганлар фамилиялари ва исми Хос қишлоғи марказида ўрнатилган ёдгорликка ёзиб қўйилган. Бу монументни «Хос» жамоа хўжалиги раиси Тошматов Маматқул ташкил қилган. Уруш ветерани Шукурралиев Эргашвой уларнинг рўйхати, исм ва фамилияларини аниқлаштиришда катта ёрдам берган.

1941–1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган жангчилар

1. Алибоев Абдусамат
2. Алибоев Абдуҳат
3. Абдуҳолиқов Абдурасул
4. Абдумўминов Фозил
5. Абдуллаев Абдумўмин
6. Абдуллаев Жабборқул
7. Бўтабоев Худоёр
8. Болтабоев Алибой
9. Бобоқулов Абдумажид
10. Бойболаев Холибой
11. Дўсматов Абдулла
12. Дадабоев Отақул
13. Деҳқонов Абдурахмон
14. Деҳқонов Холиқбек
15. Жўрабоев Турсунбой
16. Каримқулов Тўхтабой
17. Қосимов Абдуқодир
18. Қўзибоев Эгамберди
19. Қўзибоев Мамасидиқ
20. Қорабоев Очил
21. Қурбонов Тоҳир
22. Маҳкамов Адҳамбой
23. Мухторов Ислон
24. Миртурсунов Мирниёз
25. Маҳкамов Ботирқул
26. Мирзаев Аҳмад
27. Муҳитдинов Гиёсиддин
28. Михлибоев Маматқул
29. Маткаримов Ғофир
30. Муҳитдинов Зайниддин
31. Маткаримов Бердиёр

32. Назарқулов Усмонқул
33. Норматов Жўра
34. Нормуродов Дўстмурод
35. Миртурсунов Мирнодир
36. Ортиқов Омон
37. Анорқулов Раҳмонқул
38. Олимов Эгам
39. Полвонов Ҳакимбой
40. Раҳмонов Қурбонали
41. Сидиқов Мамадали
42. Саримсоқов Деҳқон
43. Сафаралиев Абдували
44. Тўрақулов Умарқул
45. Тўхлибоев Мелиқул
46. Тошматов Дўснат
47. Тўрақулов Умар
48. Умаров Алиқул
49. Усмонов Тоҳир
50. Усмонов Аҳмадқул
51. Ҳакимов Олимбой
52. Ҳасанов Абдуғани
53. Ҳайдаров Аҳмадали
54. Холматов Нормат
55. Ҳайдаров Аҳмадиёр
56. Ҳамроқулов Раҳмонқул
57. Хожамов Буваназар
58. Холматов Ризоқул
59. Худойқулов Жабборқул
60. Шукуралиев Турсунбой
61. Шосаидов Жалол
62. Йўлдошев Эгамберди
63. Йўлдошев Худойберган
64. Йўлдошев Холибой
65. Йўлдошев Абдурахмон

- 66.Йўлдошев Алибой
- 67.Йўлдошев Каримберди
- 68.Йўляхшиев Ҳасанбой
- 69.Йўлдошев Эргаш
- 70.Эрматов Тожибой
- 71.Эшматов Абдуали
- 72.Эшонқулов Шукур
- 73.Эшматов Бегимқул
- 74.Ярлақобов Турсунқул
- 75.Эрматов Турсимат
- 76.Чориев Бердиқул
- 77.Раҳмонқулов Ярлақоб
- 78.Тошматов Қўшмат
- 79.Усмонов Ҳамдам
- 80.Маматқулов Жабборқул
- 81.Абдуаллаев Абдували
- 82.Жўрабоев Раҳмонқул
- 83.Анорқулов Эшонқул
- 84.Эшматов Абдурахмон
- 85.Сатторов Салоҳиддин
- 86.Зулпонов Умарқул
- 87.Холтурсунов Умарқул
- 88.Михлибоев Усубали
- 89.Тошматов Умурқул
- 90.Роткин Иван Тимофеевич
- 91.Михлибоев Ҳотамбой
- 92.Раҳимов Бердиёр
- 93.Усмонов Холдор
- 94.Эшматов Абдуқодир
- 95.Йўлдошев Абдужаббор
- 96.Йўлдошев Абдуллажон
- 97.Абдурахмонов Тожибой
- 98.Сиддиқов Тожибой
- 99.Мирҳошимов Мирниёз

- 100.Тўйчиев Бердимурод
- 101.Раҳмонов Абдуназар
- 102.Сариқулов Карим

**1941–1945 йилларда Иккинчи жаҳон
урушида қатнашиб, эсон-омон ўз
қишлоғига қайтиб келган жангчилар**

- 1.Жўрабоев Мамадиёр
- 2.Мавлонов Жуман
3. Қўшматов Абдулазиз
- 4.Тўрақулов Холиқул
- 5.Искандаров Алиёр
- 6.Маҳкамов Деҳқонбой
- 7.Носиров Деҳқонбой
- 8.Турсуматов Назир
- 9.Холиқулов Отақул
- 10.Урушбоев Азимбой
- 11.Бердиқулов Умрқул
- 12.Абдукаримов Шодмон
- 13.Рустамов Раҳмонқул
- 14.Эшонқулов Мамадали
- 15.Маҳкамов Абдунаби
- 16.Мирзақулов Раҳматулла
- 17.Содиқов Турдимурод
- 18.Баратов Шокир
- 19.Усмонов Алиқул
- 20.Мавлонов Иброҳим
- 21.Раҳимов Бердиёр
- 22.Тошматов Эргаш
- 23.Носиров Урушбой
- 24.Шукурралиев Абдуназар
- 25.Мухторов Сувонқул
- 26.Қўшматов Абдумалик

- 27.Тўхлибоев Абдувоҳид
- 28.Искандаров Анорқул
- 29.Нурматов Ҳамроқул
- 30.Рустамов Султонқул
- 31.Нуралиев Эрали
- 32.Умаров Олимқул
- 33.Турақулов Мавлонқул
- 34.Михлибоев Абулқосим
- 35.Абдураҳимов Ортиқбой
- 36.Бектемиров Файзираҳмон
- 37.Аллабердиев Абдураззоқ
- 38.Жўрабоев Мамадиёр
- 39.Элбеков Ортиқ
- 40.Раҳмонов Усмонқул
- 41.Абдуллаев Малик
- 42.Олимов Маматқул
- 43.Тожибоев Анорқул
- 44.Умаров Назар
- 45.Йўлдошев Эргаш
- 46.Маҳкамов Абдулла
- 47.Раҳимжонов Абдуғани
- 48.Бўтабоев Маҳкамбой
- 49.Саидмирзаев Тошпўлат
- 50.Холбоев Эргаш
- 51.Раҳимжонов Абдуқодир
- 52.Анорқулов Маматқул

**1941–1945 йилларда Иккинчи жаҳон
урушида қатнашган ва 1994 йилдан
кейин вафот этганлар рўйхати**

- 1.Деҳқонов Холбўта
- 2.Баратов Ғофур
- 3.Бозорбоев Анорқул

- 4.Бегимқулов Абдужанбил
- 5.Донабоев Абдужалол
- 6.Деҳқонов Оқбўта
- 7.Қамбаров Турдиали
- 8.Кўзибоев Содиқ
- 9.Кўшматов Маматқул
- 10.Қосимов Ортиқвой
- 11.Мирзаев Маматқул
- 12.Маматов Йўлдошвой
- 13.Раҳимжонов Абдуназар
- 14.Собиров Саттор
- 15.Тошматов Абдурахмон
- 16.Тошматов Урушбой
- 17.Тошматов Худойберган
- 18.Турақулов Раҳмонқул
- 19.Тошматов Ҳасан
- 20.Шукурралиев Эргашбой
- 21.Кўшматов Эшонқул
- 22.Сариқулов Алиқул
- 23.Турдиалиев Очилвой
- 24.Жўраев Тошпўлат
- 25.Эшонқулов Турдиали
- 26.Тошматов Шермат

**Афгон урушида қатнашган хослик
жангчилар рўйхати**

- 1.Алиқулов Ғанижон
- 2.Донабоев Бердибой
- 3.Жўрабоев Соҳибжон
- 4.Кўшматов Фозил
- 5.Қамбаров Ўткир
- 6.Умаров Неъмат
- 7.Холиқулов Гулмурод

- 8.Ўрозбоев Каримбой
- 9.Тошматов Бахтиёр
- 10.Маматқулов Фуломжон
- 11.Маматқулов Соҳибжон
- 12.Дехқонов Уйғун
- 13.Сариқулов Ғайрат
- 14.Худоёров Суннатилла
- 15.Мирзақулов Фулом
- 16.Рустамов Эркин
- 17.Тошматов Азимбой
- 18.Дадабоев Фарҳод – қаҳрамонларча ҳалок бўлган. «Қизил юлдуз» ордени соҳиби.

ХОС ҚИШЛОҒИ 1950 ЙИЛЛАРДА

1949 – 1951 йилларда Хосдаги ҳамма жамоа хўжаликлари қўшилиб, Карл Маркс номи жамоа хўжалиги ташкил этилиб, унга Тожибоев Анорқул раислик қилган. У урушдан 3-гурӯх ногирони бўлиб қайтиб келган эди. Урушдан олдин ҳам қишлоқ хўжалигида ишлаган ва деҳқончиликни яхши тушунадиган инсон эди. Жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришини анча ривожлантирган. Жамоа хўжалигида 630 гектар ерга пахта эктириб, ҳосилдорликни ҳам 15-16 центнерга етказган. Жамоа хўжалигида чорва, пилла етиштириш ҳам катта тармоқ бўлган. Чорва моллари: қўй, от, ҳўкиз каби ҳайвонлар сони ҳам анчага кўпайган. Унга яраша ҳашаки экинлар ҳам етиштирилган. Донли экинлар, буғдой, шоли ҳам экилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда қишлоқ халқи қийин аҳволда кун кечиришига қарамай, 1949 йилда Қашқадарёдан 60-70 хўжалик келиб Хос қишлоғида яшади. Йил охирига бормай, улар кўчиб кетдилар. 1950 йилда андижонликлар кўчиб келди, алоҳида «Зарбдор» жамоа хўжалиги ташкил этилиб, улар ҳам йил ҳосилини йиғиб олиб кўчиб кетдилар.

1951 йилда Самарқанд вилоятининг тоғлик Қўшработ туманидан 100 дан ортиқ хўжалик кўчириб келинган.

Жамоа хўжалигидагилар янги қурилган икки хонали уйларни уларга бериб, ўзлари эски уйларда яшадилар. Улар ҳам 8-10 йил яшаб, кўпчилиги ўз юртига кўчиб кетдилар. Айримлари бошқа туманларда яшадилар.

Ўша йиллардан бошлаб жамоа хўжаликларидида иқтисодий ўзгаришлар, қишлоқ турмуш тарзида анча силжишлар, ўсишлар бўлган. 1952 йилда қишлоқнинг катта йўл бўйидаги икки жойга симёғоч учига катта радиокарнай ўрнатилди. Қишлоқ аҳли келиб, унинг атрофида йиғилиб, ашула ва ахборотлар эшитар эдилар.

1952–1953 йилларда Карл Маркс номли жамоа хўжалигига Бекобод шаҳридан Элқўзиев Тожиёр раис қилиб сайланди. Жамоа хўжалигида ишлаб чиқариш ҳам анча ривожланиб, хўжаликларга кўсак тозаловчи ускуналар келтирила бошлади. Пахта териш машиналари, тракторлар ажратилди. Авваллари терилган кўсаклар уйларга бўлиб берилиб, кечаси билан кўлда чувиб пахта қилинар эди.

Ўша даврда жамоа хўжалигининг иқтисодий қуввати анча ночор эди. Жамоа хўжалиги аъзоларига иш ҳақи берилмас, зарур бўлган ҳолларда аванс ҳисобида натура шаклида маҳсулотлар берилар эди. Иш ҳақи эвазига жамоа хўжалиги аъзоларига «меҳнат куни» ёзилар эди. Жамоа хўжалиги аъзоларининг бажарган ишлари ва меҳнатига қараб меҳнат куни тариф бўйича 0,75, 1,0, 1,5 ва 2 меҳнат куни деб белгиланар эди. Масалан: 1 йилда 250–300 меҳнат кунлари йиғилиб, йил охирида жамоа хўжалиги ўз даромадини шу меҳнат куни ҳисобига тақсимлаб берар эди.

Бундай меҳнат куни ҳисоботлари ҳамма жамоа хўжаликларидида олиб борилган. Бу каби ҳисоботлар 1965 йилларгача давом этиб келган. Ундан кейин пул билан ҳисоблашга ўтилган,

ҳар бир бажарилган иш тариф разрядлари ва пул билан белгиланган.

1954 йилда Хос қишлоғидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги қўшни Дзержинский номли жамоа хўжалигига қўшилиб кетди.

Дзержинский жамоа хўжалиги иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган эди. Бу жамоа хўжалигига тажрибали раис Шукуралиев Абдуқодир (хослик) раис эди. У тадбиркор раҳбарлиги билан ажралиб турар эди.

Дзержинский номли жамоа хўжалиги майда хўжаликларни қўшиб олиб, тумандагина эмас, вилоятда ҳам йирик хўжалик бўлиб, қисқа муддатда ривожланишга эришди.

Хос қишлоғи Дзержинский номли жамоа хўжалигининг «Хос» участкаси бўлиб қолди.

1955 йилларда раис Шукуралиев Абдуқодир бошчилигида Бекобод шаҳар чегарасидан Сретенко қишлоғи марказигача бўлган йўл асфальт қилинди, Хос қишлоғи ичидан ўтган бу йўл аҳолига жуда катта қулайлик туғдирди ва ободонлаштириш самарали бўлди.

1955 – 1956 йилларда шаҳар типидеда қурилган Хос қишлоғи бузилиб, аҳоли уй-жойлари қайта қурила бошланди.

Бу ердаги одамларнинг уйлари, ҳовли, молхоналари бузилиб, уйлари олдидан томорқа учун жой ҳам ажратилди. Жамоа хўжалиги аъзолари учун 15 сотихдан ер участкаси берилла бошланди. Кўчалар, уйлар ва ариқлар ҳам тўғри ва аниқ қилиб ўлчаб берилди. Олдинлари 4-5 хўжалик жойлашган худудларга энди 1 ёки 2 хўжалик жойлашди. Уй-жой етишмаган

аҳолига қишлоқ четидан янги кўчалар очилиб, уй қуриш учун 15 сотихдан жой ажратиб берилди. Шундай қилиб, қишлоқ мутлақо қайтадан қурила бошлади. Эски, эгри-бутри, тор кўчалар ўрнига замонавий ва кенг кўчалар, тўғри ва қулай йўллар қурилди.

Аҳоли янги ҳовлилар, уй-жойларга, томорқаларга эга бўлиб, доимий равишда шу жойда яшай бошладилар, ҳовлиларида боғ-роғлар яратдилар.

Даладаги чорбоғлар, боғлар ва ҳовлилар тўлик жамоа хўжалиги ерларига қўшилиб кетди.

Бундай катта ва масъулиятли ишларни амалга оширишда жамоа хўжалиги раҳбарияти бошчилигида Хос қишлоғидан Ворошилов қишлоқ совети котиби Йўлдошев Эргаш домла мунтазам шуғулланди. У киши катта тапқилотчилик ишларини олиб борди. Бу ишларни шахсан ўзи иштирокида охиригача етказишига эришди. Ҳозирги Хос қишлоғининг жойланиши ана шу аниқ режалар асосида қурилган. Равон кўчалар, чароғон йўллар халқ хизматида.

1957 йилгача Хос қишлоғи аҳолиси керосинда ёқиладиган чироқ, тошфонар ёруғида кун кечириб келган. 1957 йилда қишлоққа, хонадонларга электр симлари тортилиб, уйлар, кўчалар электр нури билан ёритилган. Шундан кейин халқимиз электр энергиясидан хўжалик ишларида ҳам фойдаланишни ўзлаштириб олдилар.

Джерзинский номли жамоа хўжалиги 1962 йилгача шу тариқа фаолият юргизиб келди,

меҳнатда обрў қозонган Шукурралиев кўплаб орден ва медаллар соҳиби бўлган. 1957 йилда «Меҳнат Қаҳрамони» унвонини ҳам олган. Дзержинский номли жамоа хўжалигининг ривожланиб бориши ва унинг тараққий этиши натижасида жамоа хўжалиги тумандагина эмас, вилоятда ҳам энг юқори ўринлардан жой олган. Жамоа хўжалигининг иқтисодий аҳволи ҳам доимо ўсиб борган.

1961 йилда хўжаликда тафтиш бошланиб, жамоа хўжалиги раҳбарларидан баъзилари қамалди. Жамоа хўжалиги раиси Шукурралиев Абдуқодир раисликдан озод этилди.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Хос қишлоғи ҳам Дзержинский номли жамоа хўжалигидан ажралиб чиқиб, алоҳида «Коммунизм» жамоа хўжалиги ташкил этилди. Унга Деҳқонов Оқбўта (олий маълумотли агроном) раис бўлиб сайланди. Раислик даврида у Хос қишлоғида турли қурилишлар қилди. Жумладан, қишлоқ марказида 300 ўринли маданият саройи – клуб, жамоа хўжалиги чорваси учун молхона, отхона, автомашина ва тракторлар учун гараж қурилди, ёқилғи омбори, 1200 кв. метрли озиқ-овқат маҳсулотлари учун омборхона ва дала шийпонлари қурилди. Жамоа хўжалигига автомашиналар, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишини енгиллаштирувчи машина, агрегатлар келтирилди. Қишлоқ янада ривожланди ҳамда унинг ободончилигига ҳам катта аҳамият берилди. Маданият ва маънавиятга ҳам алоҳида аҳамият

берилди, пахта режалари ҳам мунтазам бажарилиб келинди.

1967 йилга келиб дала ишларида бироз оқсоқлик бўлиб, пахта режаси бажарилмай қолди, йил охирида раис ўз вазифасидан бўшатилади.

1968 йилдан бошлаб Бегматов Мамасоли (олдин қўшни жамоа хўжалигида партком бўлиб ишлаган) 1976 йилгача раислик қилди. У даврда ҳам қишлоқ ҳаёти, фаровонлиги ва жамоа хўжалиги ривожига қаратилган қатор ишлар қилинди, болалар боғчаси бунёд этилиши, молхона қурилиши, ҳаммом, трактор ва машиналар учун устахона қад ростлаб, ирригация ишлари ҳам амалга оширилди. Қишлоқ ободончилигига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Қишлоқда газлаштириш бошланди.

Хўжалик раиси Бегматов М. мутахассислиги асли ўқитувчи бўлганлиги учун инсонларга тўғри муомала қиладиган, жамоани тўғри бошқара оладиган, ҳамжиҳатлик асосида иш олиб борадиган раҳбар бўлган. Ҳатто қишлоқ аҳли тўй қилса ҳам, ёнига фаолларни эргаштириб бориб, тўй камчиликларига яқиндан ёрдам берар эди.

Туман раҳбарлари ичида ҳам энг ҳурматли, обрўли раис сифатида ажралиб турарди.

Қишлоқ хўжалик ишлари ҳам, пахта режалари ҳам ўз вақтида ортиғи билан бажарилиб келинган, жамоа хўжалигининг боғи ҳам кенгайтирилиб, мевалар ҳосилдорлиги ошди.

1977 йилдан бошлаб Хосдағи «Коммунизм» жамоа хўжалиги раислигини шу қишлоқлик Абдураҳимов Нарзулла (олдин Бекобод туман

партия қўмитасининг идеология бўйича котиби бўлиб ишлаган) бошқарган.

Бу даврда ҳам Хос қишлоғи ривожини учун анча ўзгаришлар қилинган. Раис қишлоқда янги 2 қаватли ўрта мактаб қурилишига бошқош бўлди. 2 қаватли жамоа хўжалиғи идораси ва қишлоқ совети биноси қурилди. Унинг маблағи туман молия бўлими томонидан таъминланган. Қишлоққа аҳоли истеъмоли учун ичимлик суви иншооти қурилган. Далалардаги ариқ ва зовурларнинг зарур жойларига бетонлаш ишлари қилинган. Қовунпоя деб аталадиган қишлоқнинг эски тепаликлари сурлиб, ерлар кенгайтирилди. Қабристон атрофини темир панжаралар билан ўрашда фаол қатнашган, 2 та дала шийпони қурилган. Зотли моллар фермага олиб келинган. Бу йилларда қишлоқ ободончилиғи бўйича анча ишлар ташкиллаштирилган.

«Коммунизм» жамоа хўжалиғига қўшни Тақачи қишлоғи қўшиб олиниб, катта жамоа хўжалиғига айлантирилган, унга Абдураҳимов Нарзулла раҳбарлик қилган. Қўшни Тақачи қишлоғи «Октябр 50 йиллиғи» сабзавотчилик ва сутчилик давлат хўжалиғи эди.

Раис Абдураҳимов Нарзулла билимдон ўқитувчи бўлган. У сиёсий етук, ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган, ҳар қандай инсонлар билан тез тил топишиб кетувчи, улфатчиликни хуш кўрувчи инсон эди. Шу хусусиятлари билан ҳам халққа манзур бўлиб, 1985 йилгача раис бўлиб ишлаган.

Қишлоқ хўжалик ишлари ҳам ривожланиб борган. Жамоа хўжалиғи фаолларини ҳам ўз

ёнига олиб, ҳамжиҳатлик билан қишлоқни ободонлаштириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширди.

Жамоа хўжалигида пахта топширилиши бўйича қўшиб ёзишлар бўлиб, 1982–1983 йилги фаолияти текширилиб, пахта теримидаги қўшиб ёзишга алоқадор бўлган раис, бухгалтер, агроном, кассир ва пахта топширувчилар 1985 йилда «пахта иши» бўйича ноҳақ қамалдилар.

«Пахта иши» бўйича нафақат туманда, бутун республика бўйлаб текширишлар ўтказилиб, қанча-қанча раҳбарлар, мутахассислар қамалдилар. Уларнинг хотини, бола-чақалари, ака-укалари, ота-оналари кўплаб азият чекдилар. 3-4 йил ўтгандан кейин, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг оқилона ташаббуси, талаби билан бу ишлар қайта кўрилиб, улар оқландилар.

1986 – 1987 йилларда «Коммунизм» жамоа хўжалиги раис вазифасида Холбеков Сафарали (илгари партком бўлиб ишлаган) фаолият кўрсатди.

У қишлоқ ҳаётига, жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. У олий маълумотли ўқитувчи, шу билан бирга халқнинг дардига қулоқ соладиган, хушмуомалали, билимдон раҳбар эди.

Хос қишлоғи ҳудудидаги катта йўл бўйида Мавлонов Мамирқул бригадаси дала шийпони ўрнига 2,0 гектар келадиган майдонга катта сарой, бир томонига замонавий узун айвон, омборхона қуриб, пахта ва дон маҳсулотларини қуритиш учун асфальт қилдирган.

Жамоа хўжалигида пахтачилик, деҳқончилик ва чорвачилик ишлари ҳам анча ривожланди.

Шу йилларда Тақачи қишлоғи «Коммунизм» жамоа хўжалигидан ажралиб чиқиб, Бобур номли жамоа хўжалиги ташкил этилди.

Раис Холбеков Сафарали хосликларга ўзини жуда яқин тутиб, Хос қишлоғига оиласи билан кўчиб келиб яшади.

Жамоа хўжалиги аъзоларининг оғир-енгилига ҳамдard ва ҳамнафас бўлиб, катталарга ва кичикларга йўл-йўриқ кўрсатиб, ҳурмат ва эътибор қозониб ишлади. 1987 йил охирида туман ижроия кўмитасининг раиси вазифасига ўтказилди.

1988 – 1991 йилларда «Коммунизм» жамоа хўжалигига раис вазифасида Бобоев Абдурауф (олдин шу жамоа хўжалигида агроном эди) ишлади. У агроном бўлганлиги сабабли деҳқончиликни яхши билар эди. Бобоев Абдурауф раислик даврида жамоа хўжалигида деҳқончилик, жумладан, пахтачиликка катта эътибор қаратди. Пахта режалари ортиғи билан бажарилди. Аммо қишлоқ ободончилигига етарли эътибор қаратилмади, қурилишларга оид бу соҳада сезиларли ишлар қилингани йўқ.

Жамоа хўжалигида норозиликлар кучайиб, ёзди-ёздилар кўпайиб, 1991 йил охирида раис Бобоев Абдурауф ишдан бўшатилди.



«Қизил мазор» мақбарасининг олди томонидан кўриниши.



«Қизил мазор» мақбарасининг ён томонидан кўриниши.



«Қизил мозор» мақбараси ичидаги қабрлар.



«Хатиб ота» қабристони мақбараси. 1980 йилларда
Одил шайх Улуғов томонидан қурилган.



XV асрда қурилган «Хатиб ота» мақбараси.



«Хатиб ота» мақбараси ичидаги қабр.



Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фонди
ходимлари ташрифи.



«Хатиб ота» қабристонида хизмат қилувчилар.



Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг бир гуруҳи.



Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун ўрнатилган
ёдгорликнинг умумий кўриниши.



Она ҳайкали.



Ёдгорлик майдони.



Хос шаҳарчасидаги 400 ўринли тўйхона.



Қишлоқ марказидаги мини стадион.



1993 йилда қурилган марказий стадион.



1987 йилда туғилганлар гуруҳи бўйича
2016 йил 1 ярим йиллик турнир фолиблари.

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Урушдан олдин ва уруш йилларида қишлоқ хўжалигидаги ҳамма ишлар қўл кучи билан бажарилар эди. Ер от, хўкиз, омовлар билан ҳайдалар эди. Пахта қатор ораларига ишлов бериш ҳам от билан культивация қилинар эди.

Урушдан кейинги йилларда аста-секин қишлоқ хўжалигига аҳамият берила бошлади. Жамоа хўжалигига турли техникалар келтирила бошлади.

1948 – 1949 йилларда ер ҳайдашга шпорли ХТЗ тракторлари ва пахта қатор ораларида ишлайдиган шпорли (тишли) универсал тракторлар қишлоққа олиб келинди. Шуларга тиркаладиган бошқа қишлоқ хўжалик агрегатлари ҳам етказиб келтирилди, сеялка, культиватор, агрегат, плуг ва бошқа техникалар билан ҳам таъминланиб борилди. Қўл меҳнатини аста-секин техника бажарадиган бўлди.

Қўсак тозалаш ворохи 1952 йилларда, пахта териш машиналари 1952–1953 йилларда Хос қишлоғига келтирилди. Урушдан кейинги йилларда – 1948 йилда 1,5 тонна юк кўтарадиган «Подуторка» деб номланган автомашина жамоа хўжалигига олиб келинган, уни Ибрагим исмли татар киши бошқарган, ундан кейин Олимов Раҳмонқул, Ўришбоев Бахтиёрлар бу машинани ҳайдаган.

Ўша йилларда Олимов Раҳмонқул, Мирзаев Маматқул, Раҳмонов Усмонқул, Розиков Сапарали, Абдуллаев Раҳмонқул, Холиқулов Эшонқул, Собиров Абдусаттор, Қўлдошев Аб-

дуназар, Хошимов Азимбой каби қишлоқ жамоа хўжалиги аъзолари тракторист курсларида ўқиб, техникаларни бошқариб, жамоа хўжалигида ишлаб чиқариш ривожига жуда катта ҳисса қўшиб меҳнат қилганлар.

1955 – 1960 йиллардан кейин жамоа хўжаликларида техника тараққиёти янада кучайиб кетди, кўплаб ҳар хил техникалар кела бошлади. Шунга яраша техникани бошқарувчи ҳайдовчи кадрларни етиштириш ҳам анча ўсди. Қишлоқ хўжалик ишлари асосан техника билан бажариладиган бўлган.

Улардан кейинги авлод механизаторлари янада кўплаб етишиб чиқди. Жумладан: Дўсмуродов Гулмурод, Раҳмонов Бердиқул, Шукуров Холбой, Родкин Владимир, Қурбонов Абдураим, Абдуллаев Умар каби механизаторлар жамоа хўжалигининг ишларини механизацияда бажариб, қишлоқ хўжалиги ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Улар жамоа хўжалигидаги ер ҳайдашдан тортиб, йиғиб-териб, омборга топширгунча бўлган барча ишларни бажарар эди.

Жамоа хўжалигининг асосий экини бўлган пахтанинг деярли ҳамма меҳнати механизация билан бажарилар эди.

Жами териб олинадиган пахтанинг 40-45%и пахта териш машиналарида териладиган бўлди. Қишлоқ хўжалигида бажариладиган ишлар асосан техникалар ёрдамида бажарилиши натижасида жамоа хўжалиги аъзоларига ҳам анча енгилликлар бўлди. Ҳосилдорлик ҳам ортиб борди, айниқса пахта ҳосили 20-25 ц. га етказилди. Хўжаликларнинг даромади ҳам ор-

тиб борди. Қишлоқ ҳам йилдан йилга ободонлашди.

Қишлоқ хўжалик техникаларини бошқаришда механизатор кадрлар янада кўплаб етишиб чиқа бошлади.

1980 – 1985 йилдан кейин механизаторлар жамоа хўжалигининг механизация ишларини давом эттириб, жамоа хўжалигида ҳал қилувчи кучга айландилар. Жумладан, Ҳошимов Қурбонбой, Маматқулов Абдурасул, Маматқулов Соҳибжон, Ғофуров Улуғбек, Раҳмонов Сувонқул, Алматов Раҳмат, Мирзааҳмедов Икром, Сулаймонқулов Ғулом кабилар жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий таянчи бўлди.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ДАВРЛАРИДАГИ ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Мустақилликнинг биринчи йиллари ҳамма соҳаларда ҳам қийинчиликлар бўлди. Давлатимиз раҳбарининг талабчанлиги, ташаббускорлиги, сабр-бардошлилиги ўрناк бўлиб, бу машаққатларни енгишга бутун халқ астойдил киришди.

Бундай қийинчиликлар ҳамма жойда бўлганидек, бизнинг туманда ҳам, жамоа хўжаликларидида ҳам бўлди.

1992 йилдан бошлаб, туман раҳбарининг топшириғи ва таклифига асосан Хос қишлоғидидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиғига Тошматов Маматқул (олдин туман молия бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келган) раис этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллар эди. Бизнинг қишлоғимизда ҳам, жамоа хўжалиғидида ҳам камчиликлар жуда кўп эди. Қишлоқ кўчалари қоронғи, ҳатто лампочка ҳам йўқ эди, фермалар ҳам деярли ёритилмас эди, жамоа хўжалиғи омбори бўш, дон, шoли, ёғ, иссиқ овқат пишириш учун маҳсулотлар ҳам йўқ эди. Бу маҳсулотлар билан аҳолини таъминлаш учун жамоа хўжалиғи ҳисобида пул ҳам йўқ эди.

Бундай қийин шароитда ишни ташкил қилиш режаларини раис пухта ишлаб чиқди.

Шу қишлоқда яшаган, аммо бошқа жойларда ишлаётган зиёлилар, қишлоқ ободончилиғига ҳисса қўшиш имкони бўлган раҳбар, бошлиқлар бир пиёла чой дастурхонига таклиф

қилинди, улар билан суҳбатлашиб, ҳомийликка имконият даражасида ёрдам беришлари таклиф этилди. Натижада улар ҳомийлигида қишлоқда анча ўзгаришлар қилинди.

Қишлоқ кўчалари чироқлар билан ёритилди, молхона тўлиқ электрлаштирилди. Кўчалардаги ва далалардаги ариқларга қувурлар ётқизилди ва кўприклар қурилди (400мм.ли қувурлардан 300-350 метр келтирилди. Айрим кўчаларга электр симёғочлар ўрнатилди, баъзи далаларга қўшимча ариқлар тортилди. Қишлоқ ичидаги кўприклар қайта таъмирланди.

Жамоа хўжалиги идораси, клуб олдидаги ерлар текисланиб, асфальт қилинди, йўл четларида ариқлар бетон қилинди, клуб олдидаги фаввора ишга туширилди, арчалар экилиб ободонлаштирилди. Қурилиш бригадаси саройи атрофи бетон деворлар билан ўралди, бетон қорадиган ва оҳак сўндирадиган цехлар қурилди.

Жамоа хўжалигида меҳмонхона, 2 та дала шийпони қурилди.

Эски бузиб ташланган жамоа хўжалиги омборхонаси (15мх80м) қайта таъмирланиб, деворлари пишган гиштдан қайтадан тикланди.

Сирдарёдан сув олиниб, солярка билан ишлайдиган 4 та сув насосларига трансформаторлар қўйилиб электрлаштирилди. Натижада ҳар йили 15-20 тонна солярка тежалишига эришилди. Қишлоқ ичидаги кўчалар, шу жумладан, боғча жойлашган кўча, ҳаммаси бўлиб 3 йилда 5 км дан ортиқ йўллар асфальт

қилинди. Янги кўчаларга ҳар йили қишда шағал ташлаб таъмирланди.

Жамоа хўжалиги фермасида 560 бош қорамол, 130 бош қўй, 6 та от, 2000 та парранда бўлган. Ўша йиллари хусусийлаштириш тўғрисидаги ҳукуматимизнинг қарорига асосан ферма жамоа хўжалигида иқтисодчи бўлиб ишлаган Шукурралиев Йўлдошбойга ўтказиб берилди, чорвага тегишли бўлган ҳамма техникалар, тракторлар, комбайн, машина ва бошқа қишлоқ хўжалик агрегатлари фермага ўтказилди, шу билан бирга етарли даражада озуқа учун ер майдонлари ҳам берилди.

Қишлоқ ободончилигига жиддий эътибор қаратилди, кўчалар, дарахтлар оқланди, чиқиндилардан тозаланди. Шу йили апрел ойида вилоятнинг янги ҳокими Мирзамурод Бекмуродович Икромов Хос қишлоғига келиб, хонадонларда, идора олдида ва далаларда тўхтаб, қишлоқ аҳли билан суҳбатлашди ва қишлоқнинг тозалиги ва ободончилигини кўриб мамнун бўлди. Уч кундан кейин «Тошкент ҳақиқати» газетасида «Хос»дан ўрнак олинг» деган сарлавҳа остида Хос қишлоғининг ободончилиги намунали деб мақтаб ёзилган мақола берилди.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг қишлоқдаги оилаларга 25 сотихгача томорқа ери берилиши зарурлиги ҳақидаги фармонига асосан аҳолига 25 сотих ер ажратиб берилди.

Қишлоқда аҳолига ичимлик суви етказиб берувчи иншоот қурилди ва яна битта ишламай ётган сув иншооти қайта таъмирланиб,

қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди. Қишлоқ четига замонавий стадион қурилди.

Томорқага муҳтож бўлган 200 га яқин оилаларга томорқа ажратилди.

Жамоа хўжалигининг ишлаб чиқариш соҳасига ҳам жиддий эътибор берилди, жамоа хўжалиги далаларида кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Жамоа хўжалиги далаларидаги боғлар кенгайтирилиб, қўшимча боғ ва узумзорлар 26 гектарга етказилди, у ерга меҳмонхона ҳам қурилди. Олма, шафтоли, гилос каби мевалар фарқ пишгач, Россия давлатида ва ички бозорларда сотилиб, ўрнига қурилиш материаллари, ДСП, ДВПлар машиналаб келтирилиб, жамоа хўжалиги аъзоларига ҳам берилди. Уларни сотиб, жамоа хўжалиги омборига маҳсулотлар келтирила бошлади, даромад ҳам ошди. Жамоа хўжалиги аъзоларига ҳар йили 2-3 тележкадан сомон, силос, кўк беда каби хашак берилди, жамоа хўжалиги аъзоларининг иш ҳақлари ҳам ўз вақтида кечикмай бериб борилади.

Мустақиллик даврида жой номлари қайта кўриб чиқилиб, улар маҳаллий номлар билан алмаштирилди. Шу муносабат билан «Коммунизм» колхозини номи «Хос» номи билан алмаштирилиб, Хос жамоа хўжалиги деб юритила бошланди.

ХОС ЖАМОА ХЎЖАЛИГИНИНГ 1992 ЙИЛГИ ЖОЙЛАШИШИ ВА ФАОАИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Хос жамоа хўжалигининг умумий ер майдони 1768 гектар бўлиб, шундан ҳайдаладиган ерлар 1204 гектар, 24 гектар боғ ва 50 гектар тут плантацияси бўлган.

Ҳайдаладиган ерларнинг 700 гектарига пахта, 232 гектарига дон ва бошқа экинлар экилган.

Жамоа хўжалигида 1992 йилда 1655 тонна пахта, 688 тонна ғалла, 90 тонна картошка, 340 тонна сабзавот, 22 тонна мева, 18 тонна пила ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган.

Давлатга ҳар йили 50 тонна гўшт, 300 тонна сут, 20000 дона тухум ва 18 тонна пила топширилган.

Эътиборингизга маҳсулотларни етиштириш ва давлатга топширишда жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришида фаол қатнашган, сидқидилдан меҳнат қилган, қишлоқ ҳаёти ривожига ўз ҳиссасини қўшган қатор бригада бошлиқлари, механизаторлар, илғор сувчилар, теримчилар, шунингдек, жамоа хўжалиги фаоллари рўйхатларини кўрсатиб ўтамиз.

1. Қишлоқ фаровонлиги ва ишлаб чиқариш ривожига ҳисса қўшганлар:

1. Дўсматов Абдувосид – ГСМ омборчиси.
2. Нуралиев Турдиали – бухгалтер.
3. Жўрабоев Умматжон – агроном, энтомолог.
4. Маҳкамов Жамол – бухгалтер, ревком.
5. Отажонова Онахон – бухгалтер.
6. Мелибоев Дехқонбой – қишлоқ совети котиби.

7. Уришбоев Мамирқул – инженер.
8. Элмуродова Ўғилжон – бухгалтер, партком.
9. Давронова Умриниса – бухгалтер, қишлоқ совети раиси.
10. Исмадиёров Маҳмуд – бухгалтер, зоотехник.
11. Мирзааҳмедов Комил – зоотехник.
12. Пирматова Ҳурматой – врач, амбулатория мудири.

II. Бригада бошлиқлари:

1. Раҳимжонов Абдуқодир – Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.
2. Деҳқонов Шербўта – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.
3. Шукуров Холбой – табелчи, бригадир, «Шуҳрат» медали соҳиби.
4. Сариқулов Раимқул – агроном, бригадир.
5. Мавлонов Мамирқул.
6. Бегимқулова Зеважон.
7. Дўсматов Маматқул.
8. Дўсматов Икром.
9. Шодмонов Алиқул – бригадир.
10. Носирова Муборак.
11. Ҳошимов Қурбонбой.
12. Маматқулов Абдулла.
13. Баратов Зокир – Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси – бригадир.
14. Қўшматов Абдуманнон – бригадир.

III. Кўп йиллар ишлаган механизаторлар:

1. Қўшматов Эшонқул – уруш қатнашчиси.
2. Шермонов Бердимурод – инженер.
3. Деҳқонов Мамир.

4. Сулаймонқулов Қодирқул.
5. Ҳасанов Жўрабой – механик.
6. Ортиқов Мирсаид – механик.
7. Бўтабоев Алиқул.
8. Ғофуров Турсунбой.
9. Дўсмуродов Гулмурод.
10. Раҳмонов Бердиқул.
11. Маматқулов Абдурасул.
12. Абдуллаев Эшонқул.
13. Ғофуров Вали.
14. Юсуфалиев Хидирали.
15. Қурбонов Абдураим – тракторчи.
16. Адҳамбоев Абдуҳамид – тракторчи.
17. Холиқулов Абдумутал – тракторчи.
18. Абдуллаев Абдурашид – тракторчи.
19. Холиқулов Гулмурод – моторист.
20. Раҳмонов Аҳмад.

IV. Илғор сувчилар:

1. Қурбонов Абдухолиқ.
2. Ҳамдамов Аҳмадиёр.
3. Абдуқодиров Умрқул.
4. Исмоилов Ўрайим.
5. Холматов Алибой.
6. Баратов Ғофур.
7. Ҳакимов Азимбой.
8. Назиров Зоирқул.
9. Уришбоев Олим.
10. Қосимов Ортиқбой – уруш қатнашчиси.
11. Жўраев Уришбой.
12. Абдуқодиров Абдужалил.
13. Жўраев Адамбой.
14. Худоёров Деҳқон.

V. Илғор чопиқчи ва теримчилар:

1. Шукурова Қурбонжон – «Шуҳрат» медали соҳиби.

2. Абдуллаева Мавлуда.

3. Раҳимжонова Лола.

4. Қурбонова Аширжон.

5. Абдуллаева Давлат.

6. Салимова Майна.

7. Маматқулова Қумри.

8. Деҳқонова Сора.

9. Мирзақулова Иқбол.

10. Мирзақулова Энажон.

11. Усмонова Саитбуви.

12. Паттаева Энажон.

13. Ҳакимбоева Тўтиниса.

14. Ҳакимбоева Гулой.

ФИДОЙИЛАР

XIX – XX асрларда Хос қишлоғида темирчи, дурадгор ва ёғоч усталари кўп бўлган. Улар арава, эшик, дераза ясаш билан шуғулланган.

Уста Жўра.

Уста Содиқ.

Уста Бойирбек.

Уста Худоёр.

Уста Абдулазиз.

Уста Йўлдош.

Уста Сулаймонқул.

Уста Жуман.

Уста Тожиқул.

Сартарош ва болаларни хатна қилувчи усталар:

Уста Нурмат

Уста Мусо

Уста Қўшмурод

Уста Миразим

Уста Мавлон

Уста Умрқул

Уста Маҳмуд каби усталар халққа хизмат қилиб, қишлоқ аҳли орасида ўз меҳнати билан обрў-эътибор қозонган инсонлардир.

1995 – 1996 йилларда Шукуралиев Йўлдошбой (олдин шу жамоа хўжалигида бош иқтисодчи бўлиб ишлаб келган) раис бўлиб ишлади. Бу даврда жамоа хўжалиги пахта режаларини ортиғи билан бажариб келди.

Жамоа хўжалиги фаолиятини юргизишда ва қишлоқ ободончилигида катта ишлар амалга оширилди. Лекин деярли янги қурилишлар қилинмади, йўл, кўприкларга эътибор қаратилмади.

1997–2005 йилларда Деҳқонбоев Раҳматжон (олдин шу жамоа хўжалигида партком бўлиб ишлаган) ширкат хўжалиги раиси бўлиб ишлади. Қишлоқ, ободончилиги, тозалиги ва маданий ривожига жиддий эътибор берилди. Пахтачилик бригадалари бошқа экинлар, боғ ва ғалла экинларини вақтида экиб, парвариш-лаш, йиғиб-териш олиш ва уни давлатга топширишда ширкат фаоллари билан биргаликда иш олиб борди, хўжаликни бошқаришда фидойилик билан ишлади.

Пахта топшириш режалари ҳам бажариб келинди. Туман бўйича режалар ҳам ўз вақтида бажарилди, лекин қишлоқда қурилиш соҳасида янгиликлар қилингани йўқ. Дала шийпонлари, электр билан ишлайдиган сув насослари, қурилиш бригада саройи ичига қурилган бетон қориш агрегати, аралашма қориш агрегати, оҳак сўндиргич қурилмалар бузилиб, ишдан чиқди.

2005 йилда ширкат хўжалиги раиси Шукуралиев Дилшод туман раҳбарининг топшириғига асосан раис бўлиб сайланди.

Раис ширкат хўжалиги ишларини юргизиш билан бирга дала ишларига, режаларни вақтида ортиғи билан бажаришга астойдил киришди. Шу билан бирга одамларга ер участкаси ажратиб, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига эришди.

2006 йил феврал ойидан ширкат хўжалиги мулклари, ер майдонлари, боғлар, тутзорлар ҳам хусусийлаштирилди.

Туман ҳокимияти томонидан махсус комиссия тузилиб, ерлар чегараланиб, фермерларга тендер асосида берилди. Боғлар кимошди савдосига қўйилиб сотилди.

Асосий воситадар ҳам комиссия орқали сотилиб, ширкат хўжалиги тугатилди.

Энди ерлар фермерлар қўлига ўтди. Ҳокимият билан 49 йилга шартнома тузилиб, фермерлар мулк эгасига айланди.

Хос қишлоғида 16 та фермер хўжалиги тузилди. Дастлаб фермерлар ўзларининг йиллик ишлаб чиқариш маҳсулотларини, даромадларини, харажатларини ўзлари технологик смета қилиб, бошқармага тасдиқлатиб, бир нусхаси банкка топширилган. Шу асосда банкда ҳисоб-китоб олиб борилган. Кейинчалик эса бундай тартиб ўзгариб кетди. Фермерлар ўзларининг мустақиллигини бошқара олмай қолди.

Ҳокимият ва юқори органлар томонидан фермер хўжалиги ерларини оптимиллаштириш, яъни уларни йириклаштириш режаси тузилди. Натижада фермерлар 100-150 гектарлаб ерларга эга бўлиб, режаларни бажара олмай, харажатлар кўпайиб кетди.

2015 йилнинг охирида яна фермерлар ерлари камайтирилди. Ҳар бир фермерга тегишли ер 50 гектардан ошмаслиги бўйича махсус кўрсатма берилди.

Шу тариқа қишлоқ хўжалиги ва фермерларни бошқариш қишлоқ фуқаролар йиғини зиммасига юклатилди.

Хос қишлоғини ободонлаштириш ишларига ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари ва қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарлари бош-қош бўлмақда.

Қишлоқда бир неча тадбиркорлар фаолият олиб бормоқда ва улар қишлоқни янада кўркамлаштириш йўлида ўз маблағларини аяма-яптилар. Жумладан, тадбиркор Жўраев Санжар

Хос қишлоғига 400 ўринли қилиб катта тўйхона қурди. Ушбу тўйхона халққа хизмат қилмоқда. У ерда тўйлар, тадбирлар ва маъракалар ҳам бе-малол ўтказилмоқда. Ҳамма шароитлар яратилган, бундан қишлоқ аҳли мамнун.

Тадбиркор Низаева Ибодат қишлоқ марказига мини футбол стадиони, волейбол майдончаси, теннис хонаси, тренажёрлар хонаси, савдо магaзини, болалар учун компьютер хонаси, суратхона ва ошхона каби маиший ша-хобчалар қуриб, халққа хизмат қилмоқда.

Қишлоқ аҳолиси улардан миннатдор.

Тадбиркор Қўшматов Фарруҳ қишлоқ ста-дионини таъмирлаб, унга ёшларни жалб қи-либ, машғулотлар ўтказмоқда.

Қишлоқда кўплаб тадбиркорлар: аҳоли учун хизмат қиладиган 3 та қурилиш матери-аллари магaзини, 3 та мини маркет магaзини, 22 та озиқ-овқат магaзини, 2 та чойхона, 4 та сартарошхона, 4 та новвойхона, ошхона каби турли маиший тармоқлар қуриб, халққа хиз-мат қилмоқда.

Жамиятимизда мана шундай ҳар томонла-ма юксак маънавиятга эга бўлган тадбиркор-лар бор экан, муҳтарам Биринчи Президенти-миз Ислom Каримов ибораси билан айтадиган бўлсак: «Биздан озод ва обод юрт қолсин» де-ган ибратомуз сўзлари бизга, ҳамда келажак авлодга дастуриламал бўлиб қолаверади.

ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ИБРАТЛИ ИНСОНЛАР

Ватан равнақи ва унинг ҳимояси учун жон-ларини фидо қилган инсонлар ҳақида билги-миз келади. Хос қишлоғининг тарихи, келиб

чиқиши жуда қадим-қадимдан эканлигини кўп эшитганмиз.

Аждодларимиз хотирасини ёд этиб, уларга юксак ҳурмат кўрсатиш, эзгу ишларни амалга ошириш халқимизнинг улуғ фазилатларидан саналади.

Инсон меҳнати, шаъни унинг қадр топаётганидан, унга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан янада юксалади. Ана шундай инсонлар Хос қишлоғида жуда кўплаб яшаб ўтганлар ва яшамоқдалар. Биз XX – XXI асрларда Хос қишлоғида туғилиб ўсган, билим олиб вояга етган, кўз ўнгимизда ватан учун, қишлоқ ва жамоа хўжалиги ҳаёти учун, халқ учун фидойи бўлган инсонларнинг ҳаёт йўллари ушбу китобда қисқа-қисқа бўлса-да ёритишни лозим топдик. Ана шундай фидойи инсонларнинг умр йўллари, қилган ишлари ёшлар учун ибрат бўлади, деган умиддамиз.

МУХТОРОВ СУВОНҚУЛ (1922–1961)



Мухторов Сувонқул 1922 йилда Хос қишлоғида туғилиб, бошланғич синфни шу қишлоқда тугатиб, 1936 йилда қўшни Сретенко қишлоғида ўқишни давом этдирган ва 7-синфни тугатган, ундан кейин Бекобод шаҳрида ўрта мактабда ўқиган. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан 1941 йил 7 декабрда армия сафига жўнатилган, 1942 йилдан жанг майдо-

нида қатнашган: 1-жанубий-шарқий фронтда артиллерист, III-Украина frontiда алоқачи, 1-Белоруссия frontiда алоқачи ва бўлим командирлари бўлиб хизмат қилган. Польшани озод қилишда қатнашган, Германия тупроғида бўлиб ўтган жангларда мардларча жанг қилган. Дрездин шаҳрини олишда қатнашган, 9 май – Ғалаба байрамини ўша ерда кутиб олган. Жангларда бир неча маротаба ярадор бўлишига қарамай, яна жангга кирган. Иккинчи жаҳон уруши жангларида кўрсатган хизматлари учун «Қизил юлдуз» ордени, «Шуҳрат» медали, «Жасурлиги учун», «Варшавани озод қилиш», «Берлин учун», «Германия устидан 1941–1945 йилларда қозонилган ғалаба учун» медаллари билан мукофотланган.

1946 йил 7 декабрда армиядан уйига – Хос қишлоғига келиб, «Қизил юлдуз» жамоа хўжалигида партия ташкилоти секретари, Ворошилов қишлоқ совети раиси бўлиб ишлаган. 1949 йилдан кейин туман партия комитетининг инструктори, пленум аъзоси бўлган. Туман комсомол қўмитасининг котиби вазифасида ишлаган. У ташкилотчилиги туфайли туман совети ижроия қўмитаси котиби ва раис ўринбосари вазифаларида ишлади.

1955 – 1960 йилларда қўшни Боёвут туманида янги пахта қабул қилиш пунктлари очилиши керак эди. Мухторов Сувонқул Бекобод Пахта тозалаш заводида директор ўринбосари вазифасида ишлар эди. Пахта пунктларида пахтани қабул қилиш ва уни заводга олиб келиш масалалари билан Боёвут туманига бораётиб, йўлда 1961 йил 30 март куни 39 ёшида

автомобил ҳалокати туфайли фожиали ҳалок бўлган.

У киши жуда билимли, талабчан, ҳозиржавоб ва меҳнатсевар инсон эди. Доимо қўлидан китоб тушмас эди. Повесть ва романларни ўқишни яхши кўрар эди. 1-2 кунда битта китобни ўқиб чиқиб, мазмунини яна бошқаларга айтиб беришдан эринмас эди. Айниқса, А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» китобини ёддан айтиб берарди. Ўта маданиятли ва камтарин инсон бўлган.

ҚЎЧҚОРОВ МАМАЁҚУБ (1922–2007)



Қўчқоров Мамаёқуб 1922 йилда Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилиб, шу қишлоқдаги мактабга ўқишга кириб, 1938 йилда 8-синфни тамомлади. 1939 йилда жамоа хўжалигида бош табелчи, кейинчалик ҳисобчи вазифасида 1943 йилгача ишлаган.

1943 – 1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. У армияда алоҳида полкда офицер мактабида ўқиган.

1945–1947 йилларда қишлоқ совети раиси бўлиб ишлаган.

1947–1948 йилларда Ўзбекистон ЦК КП (б) қошида партия мактабида ўқиган.

1948–1950 йилларда Бекобод туман ижроия кўмитасида масъул котиб бўлиб ишлаган.

1950–1956 йилларда Бекобод туман молия бўлими мудир вазифасида ишлаган. 1956

йилда туман ижроия қўмитаси раиси муовини бўлиб ишлаган.

1957–1960 йилларда туман савдо жамияти раиси вазифасида фаолият олиб борди.

1961–1964 йилларда тумандаги жамоа хўжаликлараро қурилиш ташкилоти (МСО)га раис бўлиб сайланди ва фаолият олиб борди.

1965–1974 йилларда 2-Далварзин ишчилар кооперацияси раиси бўлиб сайланган ва узоқ йиллар шу лавозимда фаолият олиб борди.

1974–1975 йилларда район таъминот уюшмасига қарашли умумий овқатланиш бўлимида директор бўлиб ишлади.

1975–1978 йилларда Бекобод шаҳрида 16-қурилиш трестига қарашли уй-жой қурилиши ташкилотида бошлиқ бўлиб ишлади.

1978–1983 йилларда Бекобод шаҳридаги Цемремент заводида ОМТС бўлимида бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаган.

Қўчқоров Мамаёқуб 1959 йилда 25-ўрта мактабнинг 10-синфини кечки мактабда тамомлади. У қайси вазифада ишлашидан қатъи назар, ўз ишига сидқидилдан киришадиган, қатъиятли, талабчан инсон бўлган. Қайси жамоада бўлмасин, у одамларни ҳақгўйликка, одамийликка чақирган. Ўз ходимларининг малакасини оширишга, ёшларни ўқишга юборишга, кадрлар масаласига жиддий эътибор бериб келди. Кўплаб шогирдлар етиштирган.

Қўчқоров Мамаёқуб ўз даврининг билимдонни, рус тилида ҳам мукамал иш юрита оладиган мутахассис ва сиёсий жиҳатдан етук билим эгаси бўлган.

У Ватан равнақи йўлида, туман ва халқ иши учун жонини фидо қилиб ишлаган. Қўчқоров Мамаёқубнинг бу хизматларини давлатимиз қадрлаб, у «Меҳнатда ўрнатилган кўрсатгани учун» медали билан 1970 йилда тақдирланган. «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали ҳам берилган. «Меҳнат фахрийси» унвонига эга. Ундан ташқари кўплаб фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

1983 йилдан нафақага чиқиб, маҳалла ишларига ҳам ёрдамлашиб турди. 2007 йил 16 октябр куни 85 ёшида вафот этди.

ДЕҲҚОНОВ ХОЛБЎТА (1922 –2003)



Деҳқонов Холбўта Бекобод туманининг Хос қишлоғида 1922 йил 10 июлда оддий деҳқон оиласида туғилди. Бошланғич таълимни шу қишлоқда, 5-7 синфларни Сретенко қишлоғидаги мактабда, 8-10 синфларни Бекобод шаҳридаги мактабда ўқиди. 10-синфни тугатиш арафасида Иккинчи жаҳон уруши бошланиши сабабли 1941 йил 7 декабрда ҳарбий хизматга чақирилди. 1942 йилдан ғарбий фронтда: Москва, Смоленск шаҳри остонасида жанг қилган. Белоруссиядан фашистларни қувиб чиқаришда фаол иштирок этган. Урушнинг барча даҳшатларини бошидан кечирди, жангдан жангга тобланиб борди. Уруш тугаса ҳам, иродали Деҳқо-

нов Холбўта ҳарбий хизматини 1946 йилнинг декабригача давом эттирган.

Деҳқонов Холбўта 1947 йил январидан Бекобод туман партия қўмитасига ишга кирди. Ўзига буюрилган ишларни ҳарбий ҳолатдагидай ўз вақтида аъло даражада бажарар эди, 1948–1951 йилларда туман ёшлар ташкилотини бошқарди.

1951–1963 йилларда туман партия қўмитаси йўриқчиси, бўлим мудир, «Чаноқ» машина – трактор станциясида партия ташкилоти котиби бўлиб ишлади. Бекобод цемент заводида кадрлар бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борди.

1963 йилдан бошлаб Деҳқонов Холбўта Бекобод туман ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари вазифасида ишлади. Ўзининг метин иродаси туфайли ёш бўлишига қарамай, туман ташвишини ўз зиммасига олиб, бу ерда 23 йил ишлади.

1971 йилда туман маркази бўлган Бекобод шаҳридан «Далварзин» давлат хўжалиги 6-бўлимига, ҳозирги Зафар шаҳарчасига кўчиб келди. Бу ерда туман раҳбарларига идора қуриш, туман ташкилотларини кўчириб келтириш учун уй-жой қурилиши, ҳокимият бинолари, банк, маиший иншоотлар, савдо шаҳобчалари, касалхоналар, ходимларни уй-жой билан таъминлаш, йўллар ва бошқа иншоотлар, аҳоли учун турар-жойлар қурилиши лозим эди: Ана шундай қайноқ ҳаётнинг асосий қисмида Деҳқонов Холбўта жонбозлик кўрсатди. Халқ маорифи соҳасини ривожлантириш ниятида 2 та янги ўрта мактаб ва аҳоли соғлиғини

сақлашга хизмат қилувчи 240 ўринли марказий шифохона қурилди.

1986 йилда Деҳқонов Холбўта нафақага чиқди, лекин уйда ҳам тинч ўтиргани йўқ. У туман фахрийлар кенгашини бошқарди. Тумандаги уруш ва меҳнат фахрийларининг ташвиши билан шуғулланди.

1994 йилда нашр этилган Ўзбекистон Республикаси «Хотира» китобига Х. Деҳқоновнинг саъй-ҳаракати туфайли туманимиздан урушга кетиб ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 2000 нафарга яқин ҳамюртларимизнинг номи киритилди.

Деҳқонов Х.нинг бундай самарали ишлари, эзгу амаллари давлатимиз томонидан жуда кўп бор муносиб тақдирланган. Кўплаб орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар ва «Халқ маорифи аълочиси» унвонига ҳам эга бўлган.

Деҳқонов Холбўта умр йўлдоши Рўзигул опа билан 50 йилдан ортиқ турмуш қурди, етти ўғил ва бир қиз фарзандлар кўриб, уларни билимли, илмли ва одобли қилиб тарбиялаб вояга етказди, уйли- жойли қилди. Фарзандлари ҳам халқ хизматида. Бу оила ўрناق олса арзийдиган, ҳавас қилса бўладиган намунали оилалардан биридир.

Деҳқонов Холбўта умрининг охиригача элга бошчилик қилиб 2003 йилда вафот этди.

ШУКУРАЛИЕВ АБДУҚОДИР (1907–1987)

Шукурали бобонинг беш ўғли икки қизи бўлган. Абдуқодир Шукурали бобонинг учинчи ўғли. У Хос қишлоғидаги эски мактабда билим олган. 1930 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги

техникумининг агрономия факултетига ўқиб, туманга келиб, ер шўъбасига ишлаган. Қатағон йилларида (1937) бу ердан Тожикистон Республикасининг Гончи туманига кетиб, ўша ерда МТС да агроном бўлиб ишлаган. У ерда 1942 йилгача фаолият кўрсатган. 1942 йилда Бекобод туманига Тожикистонлик Бобожонов Йўлдош келиб, райком котиби бўлиб ишлаган. У киши Шукуралиев Абдуқодирни у ёқда яхши билар экан.

Бобожонов Йўлдош райком котиби вазифасини Бекободда жамоа хўжаликларини йириклаштиришдан бошлаган. Хос қишлоғида ўша вақтда, яъни 1942 йилда учта жамоа хўжалиги: «Қизил юлдуз», «Зарбдор» ва Карл Маркс номли кичик жамоа хўжаликларини бирлаштириб, битта йирик жамоа хўжалигига айлантириб, унга Жўрабоев Исмадёрни раис, Шукуралиев Абдуқодирни Гончидан олиб келиб агроном этиб тайинлаган. Бу ерда Шукуралиев Абдуқодир 1944 йилгача ишлаган.

1944 йилдан бошлаб ҳозирги Деҳқонобод ҳудудидаги «Қушчи» жамоа хўжалигида раис бўлиб 1946 йилгача ишлади.

1946–1961 йилларда собиқ Дзержинский номли жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлади.

Шукуралиев Абдуқодир тадбиркор, ишбилармон, халқ билан тиллаша оладиган, кенг фикрли, ҳар бир гапига мақол қўшиб гапирадиган сўз устаси ҳам эди.

Дзержинский жамоа хўжалигига кўплаб майда жамоа хўжаликлар бирлаштирилди: Тақачидаги «Большевик», «Хос»даги жамоа хўжаликлар, «9-январ», «Зомин», «Ўрикзор», «Ўз-

бекистон», «8 март» хўжалиги майдонлари ҳам шу жамоа хўжалигига бирлашган. 1962 йилдан кейин яна бу жамоа хўжаликлар бўлиниб кетган. Шукуралиев А. бу хўжаликни бошқариб, деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчиликни намунали даражага етказди. Москвадан ва бошқа қардош республикалардан келган раҳбарлар учун ҳам, мутахассислар учун ҳам шу жамоа хўжалиги иш тажрибаси ўрناк бўлган.

Шукуралиев А. меҳнати орқали обрў топди, кўплаб медал ва орденлар олди. 1957 йилда «Меҳнат Қаҳрамони» унвонига эга бўлган.

Дзержинский номли жамоа хўжалигининг ривожланиши ва унинг тараққиёти тумандагина эмас, балки вилоятда ҳам энг юқори ўринлардан жой олган. Жамоа хўжалигининг иқтисодий аҳволи ҳам жуда яхши бўлган.

Шукуралиев А. 1961 йили хўжалик раиси вазифасидан озод этилган.

Ундан кейин Усмон Юсупов (илгари Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг раиси бўлган) Янгийўлга чақириб олган ва Шукуралиев А. давлат хўжалигининг бир бўлимида бошлиқ бўлиб ишлаган.

Шукуралиев Абдуқодирнинг Дзержинский номли жамоа хўжалигида олиб борган фаолияти ҳақида қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Г.А Катренко томонидан 1953 йилда «Дзержинский номли илғор пахтакор жамоа хўжалигининг иш тажрибаси» номли қўлланма ёзилиб, у ўн минг нусхада нашр этилиб, республика пахтакорларига қўлланма сифатида фойдаланиш учун тарқатилган.

Шу ўринда Усмон Юсупов тўғрисида қисқача изоҳ бериб ўтишни лозим топдик.

Усмон Юсупов 1950 йилда СССР пахтачилик министри этиб тайинланади. 1953 йилда Ўзбекистонга қайтгач, Ўзбекистон Министрлар советининг раиси бўлиб ишлайди.

1955 йили ишдан олинган Усмон Юсупов 1955 – 1962 йилларда «4-Боёвут» ва «2-Боёвут» давлат хўжаликларида директор бўлиб ишлади. Кейинчалик «Янгийўл» туманидаги «Халқобод» ишлаб чиқариш комбинатида бошлиқ бўлиб ишлаган. 1967 йилда Усмон Юсупов вафот этди.

Шукуралиев А. Бекободга кўчиб келгач, маълум вақтдан кейин Сирдарё вилоятидаги «Фарҳод» давлат хўжалиги бўлими бошлиғи лавозимига таклиф қилинди. У ерда боғдорчилик ва сабзавотчилик агрономи бўлиб ишлади. Кейинчалик «Сретенко» қишлоғига оиласи билан кўчиб келиб, умрининг охиригача шу ерда яшади.

АЛЛАБЕРДИЕВ ХОЛИҚБЕРДИ *(1923 йилда туғилган)*

Холиқберди ака Хос қишлоғида туғилиб, шу қишлоқдаги мактабда ўқиб билим олган. У ёшлигидан зийрак, тиришқоқ бўлганлиги сабабли 15-16 ёшларида далада бригада аъзоларига ёрдам берган. Уруш бошланиши билан биринчилар қаторида армияга жўнаган. Фронгда ҳам қисқа муддат ўқиш ва ўрганишдан кейин жангга кириб, 1944 йилга қадар жанг қилган. Бир неча маротаба немислар билан тўқнаш

келиб, уларни аср олишга эришган. Техникаларини эгаллаб олган.

Холиқберди аканинг урушда кўрсатган жасорати муносиб тақдирланиб, иккита орден ва ўн олтита медал билан тақдирланган.

1944 йил 29 июнда армиядан келиб, жамоа хўжалигида тегирмончи, 1945 йил канал қурилишида бригада бошлиғи, жамоа хўжалигида бригадир, ҳисобчи бўлиб 1950 йилга қадар ишлаган.

1950 – 1953 йилларда жамоа хўжалигида хўжалик мудирини вазифасида ишлади.

Аллабердиев Х. 1954 йилдан бошлаб савдо соҳасига ўтиб, оддий сотувчиликдан иш бошлаб, кейинчалик савдо соҳасида экспедитор, омбор мудирини ва бўлим бошлиғини вазифаларида ишлаган. Бу соҳада у кўплаб ёш кадрларга савдо сирларини ўргатди, шогирдлар етиштирди. У тиришқоқ, ҳақиқатпарвар ва ўз ишига талабчан бўлган, 1993 йилгача, яъни 39 йил савдода фаолият олиб борди.

Унинг фидокорона меҳнатини, халққа, туман аҳолисига кўрсатган хизматларини давлатимиз муносиб баҳолаб, 1970 йилда Аллабердиев Холиқберди «Хизмат кўрсатган савдо ходими» унвони билан тақдирланди.

Ундан ташқари кўплаб фахрий ёрлиқлар ҳам олишга эришган.

Аллабердиев Х. 1993 йилдан нафақага чиқиб ҳам тинчимади. Қишлоқ аҳлига ҳар ишда доимо бош-қош бўлиб, ҳурмат ва иззатда яшаб келмоқда.

ҚЎШМАТОВ АБДУМАЛИК (1910 – 1950)



Қўшматов Абдумалик 1910 йилда Хос қишлоғида туғилган. Шу қишлоқдаги эски мактабда ўқишни бошлаган, кейинчалик кирилл алифбосига мослашган мактабда ўқиб билим олган. 1930 йилда Тошкентга бориб, К.Маркс номи Тошкент педагогика билим юртига ўқишга кириб ўқийди. Ўқишни 1933 йилда тамомлаб, Хос қишлоғига қайтиб келади. 1933 йилда қишлоқдаги мактабда ўқитувчилик қилган.

1935 – 1941 йилларда мактаб директори бўлиб ишлаган. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан биринчилар қаторида ҳарбий хизматга жўнайди.

1941 – 1945 йилларда командир взводлигидан бошлаб, катта офицер бўлгунга қадар жангда тобланди. Оғир жанглarda командирлик қилган. Армиядан кайтишда майор ҳарбий унвони билан келган.

1946 йилдан бошлаб яна Хос қишлоғидаги тўлиқсиз ўрта мактабда, 25-мактабда директор бўлиб иш бошлаган ва Тожикистон Республикаси Хўжанд (аввалги Ленинобод) педагогика институтига ўқишга сиртдан кирган. 1949 йилда у институтни тугатиб, олий маълумотли ўқитувчи бўлиб етишган.

Қўшматов А. ўз устида ишлайдиган тиришқоқ ва билим олишга чанқоқ инсон эди.

Интизомли, талабчан раҳбар бўлган. Билим юртини тамомлаб, армияга борганда ҳам ташкилотчилиги, билимдонлиги, жонкуярлиги учун уни командир вазифасига лозим топишган. У ерда ҳам ҳақиқий ватанпарварлигини, жасурлигини намойиш этган, икки марта «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланган. Бир неча медаллар олишга эришган. Ҳарбий қисмдан қишлоққа келиб, директор лавозимида ишлаган вақтда ҳам, мактабда ўқитувчи ва ўқувчиларни мактаб ҳовлисида саф торттириб, армиядаги каби ўқувчиларни ҳарбийча қадам ташлашга ўргатар эди.

1950 йил 29 декабрда Қўшматов Абдумалик касаллик туфайли вафот этди.

Унинг юксак хизматларини ҳамқишлоқлари ва ўқувчилари ҳамон ҳурмат билан эслаб юришади.

ҚАМБАРОВ ТУРДИАЛИ ҲОЖИ (1920 – 2006)



Қамбаров Турдиали Хос қишлоғида 1920 йил 20 мартда туғилган, шу қишлоқдаги мактабда, кейин қўшни Сре-тенко қишлоғидаги мактабда, 9-10 синфларни Бекобод шаҳридаги мактабда ўқиб, 1938 йилдан Хос қишлоғидаги 25-мактабда ўқитувчилик қилган.

1942 йил 28 октябрда Иккинчи жаҳон урушига кетган. Сталинград мудофаасида қатна-

шиб, ярадор бўлди, 1944 йилнинг 1 мартида Хос қишлоғига қайтиб келган.

1944 йилдан бошлаб 25-мактабда яна ўқитувчилик қила бошлади. 1957 йилда Тожикистон Республикаси Хўжанд (Ленинобод) шаҳрида педагогика институтида ўқиди. Уни Тошкент педагогика институтига кўчириб, 1962 йилда физика ва математика фани бўйича олий маълумот олишга эришди. Шу фанлар бўйича мактабда дарс бера бошлади.

Қамбаров Турдиали Хос қишлоғидаги 25-мактабда, кейинчалик Ҳ.Олимжон номи 38-ўрта мактабда узоқ йиллар математика ва физика фанидан қишлоқ болаларига чуқур билим берди. Кўплаб болалар олий ўқув юртига қийналмай ўқишга кириб олдилар. У киши жуда оғир-вазмин, камтарин ва меҳрибон инсон эди, ўзи ҳам жуда озода ва тартибли кийинар эди. Ҳамма унга ҳавас қилар эди. Узоқ йиллар ишлаб, 1-гуруҳ ногиронлиги туфайли нафақага чиқди. Шунда ҳам тиниб-тинчимас бу инсон қишлоқ аҳолиси ҳаётини янада яхшилаш йўлида ўзининг қимматли маслаҳати билан ўртоқлашар эди.

Мустақилликка эришган халқимиз қатори Хос қишлоғида ҳам масжид қурилишига бошқош бўлди ва халққа намоз ўқиш учун шароит яратилишига кўмаклашди. Қамбаров Турдиали масжидга бир неча йил имомлик қилди.

Қамбаров Турдиали 1998 йилда Ҳаж амаларини бажариб келган.

У кишининг Иккинчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейинги меҳнатлари қадрланиб, у давлатимиз томонидан орден, «Жасурлиги

учун», «Сталинград мудофааси учун» медаллари ва ундан ташқари қатор медал ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Қамбаров Турдиали ўзига муносиб ва меҳрибон умр йўлдоши Олия Қамбарова билан саккизта фарзандни билимли ва одобли қилиб тарбияладилар. У киши 2006 йил 25 ноябрда 86 ёшида вафот этган.

ТОЖИБОЕВ АНОРҚУЛ (1921 – 1990)

Тожибоев Анорқул 1921 йил 10 январда Хос қишлоғида туғилган. Шу қишлоқдаги бошланғич мактабда ўқиб, кейин Сретенко қишлоғидаги Пушкин номи мактабга бориб ўқиб, 8-синфни 1938 йилда тамомлаган. Ўша пайтда қишлоқда яшаш шароити қийин ва оғир бўлганлиги сабабли жамоа хўжалигида ишлашга тўғри келган. Дала ишларининг ҳаммаси қўл кучи билан бажарилар эди. У далада астойдил ишлай бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан 1941 йил август ойида кўнгиллилар қаторида Ватан ҳимоясига отланади. Россиянинг Воронеж вилоятида бир ойлик тайёргарликдан сўнг фронтга жўнатилади. Фашистлар бостириб келаётган эди. Шундай кунларнинг бирида Дон дарёси бўйидаги жангда қаттиқ яраланиб, контузия бўлади. Бир кўзидан ажралади, елка ва қўлидан қаттиқ жароҳат олади ва хушидан кетади. Госпиталда 6 ой даволаниб, 1942 йил кузида она қишлоғига қайтиб кела-

ди. Қишлоққа келгач, бир неча ой даволаниб, кейин Жумабозордаги жамоа хўжалигига бориб, 2-3 та бригадага табелчилик, кейин бригадирлик қилади.

Жамоа хўжалигининг раиси Акбарали Мирзаев жуда обрўли, ишбилармон, тадбиркор раислардан бўлган. Тожибоев Анорқул оиласи билан кўчиб бориб, деҳқончилик ишларига астойдил киришиб, пахта ва ғалла режаларини ортиғи билан адо этади. Унинг бу шижоатини, меҳнатсеварлигини кўрган раис туман раҳбарларига мақтаб, Хос қишлоғига раисликка тавсия этади.

Тожибоев Анорқул 1949 йилда Хос қишлоғига кўчиб келиб, қишлоқдаги иккала жамоа хўжалигини Карл Маркс номли жамоа хўжалигига бирлаштириб, унга раислик қилган.

Тожибоев Анорқул 1952 йилгача раис бўлиб ишлаб, хўжаликнинг аҳволи анча яхшиланишига эришди.

У 1954 йилда «Хос» участкасида участка бошлиғи, полевод бўлиб кўп йиллар ишлади. У доимо дала ишларига бош-қош бўлиб, маслаҳат бериб келганлиги учун «Анорқул полевод» лақаби билан машҳур бўлган.

1962 йилда Дзержинский номли жамоа хўжалигидан «Коммунизм» жамоа хўжалиги бўлиб ажралиб чиққандан сўнг шу жамоа хўжалигида яна агроном, партком бўлиб ишлаб келди. У деҳқончиликнинг ҳақиқий устаси эди. Жамоа хўжалигинининг ҳар бир картаси қай аҳволда эканлигини ёддан айтиб берар эди.

Тожибоев Аноркул 1981 йилда нафақага чиқди. Лекин у доимо жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришига маслаҳатчи, тўй-маъракаларни ўтказишга кўмакдош эди. Унинг бу меҳнатларини эл-юрт қадрлаб, 1957 йилда Москвадаги ВДНХ кўргазмасига Ўзбекистон делегацияси таркибида юборилади.

У «1941 – 1945 йил уруш қатнашчиси» медали, «Ғалабанинг 20 йиллиги», «Ғалабанинг 30 йиллиги», «Ғалабанинг 40 йиллиги» медаллари билан тақдирланган, бундан ташқари бир неча фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Аноркул Тожибоев 1990 йил 7 июнда 69 ёшида вафот этди. Унинг номини абадийлаштириш учун қишлоқ марказий кўчасига Аноркул Тожибоев номи берилди.

ЖўРАЕВА БАХМАЛОЙ **(1925 – 2008)**



Жўраева Бахмалой 1925 йил 29 январда Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилган. Шу қишлоқдаги мактабда бошланғич синфларни ўқиб, 7 йиллик тўлиқсиз ўрта мактабни ҳам ўқиб тамомлаган. Ўша йилларда 7-синфни тамомлаган болалар ҳам жуда саводли, билимли ҳисобланиб, давлат идораларида ишлаган, мактабларда ҳам дарс бера бошлаган. Айниқса, эркаклар урушга кетганида қишлоқни хотин-қизлар катта куч бўлиб бошқарган.

Жўраева Бахмалой 1940 – 1943 йилларда шу қишлоқдаги мактабда ўқитувчилик қилган.

1944 – 1945 йилларда Хос қишлоғида Ворошилов номи қишлоқ советига раислик қилган. 1946 йилдан бошлаб яна қишлоқдаги 25-тўлиқсиз ўрта мактабда бошланғич синфларга дарс берган. Мактабда болаларга ғамхўр, жонкуяр, меҳрибон муаллим сифатида билим берган. У кишини ўқитган ўқувчилари ҳозирги вақтда ҳам турли жабҳаларда ишлаб юришибди. Ўз устозларини фидойи инсон сифатида ҳалигача эслаб юрадилар. Жўраева Бахмалой мактабда 1974 йилга қадар ишлади.

1974 йилдан бошлаб яна Жўраева Бахмалой туман раҳбарларининг таклифи ва қишлоқ аҳлининг хоҳиш-иродаси билан Хос қишлоғидаги Меҳнатобод қишлоқ советига раис бўлиб сайланди. Жонкуяр инсон Жўраева Б. яна халқ орасида, хотин-қизлар орасида, жамоа хўжалиги аъзолари орасида тўй-маъракаларга бевосита аралашиб, ўзининг теран фикрлари билан давлатимизнинг чиқарган қарорларини халққа етказишда тинмай меҳнат қилди. Айниқса, ажрашган оилаларни тиклашда, жамоатчилик ташкилотларини бошқаришда ҳам тиниб-тинчимас эди, шу билан биргаликда у жуда меҳрибон инсон эди. Аёл киши бўлишига қарамай, ўз ишига сидқидилдан ёндашар эди.

Жўраева Бахмалойнинг меҳнатларини муносиб қадрлаб, давлатимиз икки марта орден, бир неча медаллар билан мукофотлаган. Ундан ташқари Жўраева Бахмалой жуда кўп фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Жўраева Б. 1985 йилда давлат нафақасига чиқди. У нафақада бўлса ҳам одамлар ораси-

да, халқ билан ҳамнафас эди. Тўй-маъракаларни ўтказишда ошиқча дабдаба ва чиқимларга йўл қўймаслик мақсадида аёллар ичида тарғиботчи ва ташкилотчи эди. Жўраева Бахмалой Хос қишлоғи халқи қалбида жуда яхши инсон сифатида доимо хотирлаб турилади.

У 2008 йил 29 январда 83 ёшида вафот этди.

ДЕҲҚОНОВ ОҚБЎТА (1924 – 2002)



Деҳқонов Оқбўта Хос қишлоғида 1924 йида туғилиб, шу қишлоқдаги бошланғич мактабда, сўнг қўшни «Сретенко» қишлоғидаги тўлиқсиз мактабнинг 7-синфини тугатди. Ўқишни яна давом эттириш мақсадида Бекобод шаҳридаги ўрта мактабда ўқиди.

1941 йилдаги немис фашистларининг босқинчилик уруши туфайли ҳамқишлоқлари қаторида 1942 йилдан 1945 йилгача фронтда ҳарбий хизматда бўлди. Армиядан келгандан кейин жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришида ишлади. Бригада бошлиғи, кейин участка бошлиғи вазифасида кўп йиллар меҳнат қилди. Хос қишлоғидаги жамоа хўжалиги аъзолари қўшни Дзержинский номли жамоа хўжалигига қўшилганда ҳам Хос участкаси бўйича (полевод) участка бошлиғи бўлиб ишлаган.

1961 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтига сиртдан ўқишга кириб, уни 1966 йилда тамомлаб, агроном мутахассислигини олган.

1962 йилда Хос қишлоғи Дзержинский номи жамоа хўжалигидан ажралиб чиқиб, «Коммунизм» жамоа хўжалиги ташкил этилди. Унга Деҳқонов О. раислик қилди. Раислик даврида Хос қишлоғида кўп қурилишлар қилди. Жумладан, қишлоқ марказига 300 ўринли клуб, чорва учун молхона, отхона, автомашина ва тракторлар учун гараж, ёқилғи омбори, қишлоқ марказида 1200 м² лик озиқ-овқат маҳсулотлари учун омборхона кабилар қурилди. Қишлоқ ободончилигига аҳамият берилди, дала шийпонлари қад ростлади. Дала ишларига ҳам катта аҳамият берилиб, пахта режалари ортиғи билан бажариб келинди.

1967 йилга келиб дала ишларида бироз оқсоқлик бўлиб, пахта режаси бажарилмай қолди, йил охирида Деҳқонов раислик вазифасидан бўшатилади.

1968 – 1977 йилларда туман партия комитетининг топшириғига асосан, тумандаги энг йирик жамоа хўжалигида бош агроном вазифасида ишлади. Агрономлик даврида сидқидилдан меҳнат қилиб, пахтачилик агрономиясини юқори даражага кўтарди. ҳосилдорлик гектарига ўртача 24 центнердан 29 центнерга етказилди. Ундан ташқари деҳқончиликнинг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантирди. Унинг бу хизматларини инобатга олиб, Деҳқонов Оқбўтага пахта, ғалла ва бошқа хил деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш борасида олиб борган кўп йиллик самарали хизматлари учун 1973 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилган.

Деҳқонов О. 1978 – 1983 йилларда тумандаги «Ғалаба» жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлади. У ерда ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришига бошқош бўлди. Деҳқончилик ва чорвачиликда ҳам катта силжишлар қилди. Дала маданиятига жиддий эътибор берди. Жамоа хўжалигининг ободончилиги билан шуғулланди ва халқнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Деҳқонов Оқбўтанинг самарали меҳнатлари ва уруш йилларидаги хизматлари давлатимиз томонидан бир неча орден ва медаллар билан тақдирланган. У қатор фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. 1984 йилдан 1990 йилларгача яна Хос қишлоғига келиб, жамоа хўжалигида агроном бўлиб ишлади. Ундан кейин нафақага чиқса ҳам, қишлоқ хўжалик экинлари парвариши бўйича бригадирларга ўзининг қимматли маслаҳатларини бериб келди. У 2002 йил 3 августда вафот этди.

АБДУРАҲИМОВ НАРЗУЛЛА (1934 – 2008)



Абдураҳимов Нарзулла Тошкент вилояти Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилган, шу қишлоқдаги мактабга ўқишга кириб, 7-синфни тамомлади. Ўқиш йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. Фронт орқасида ҳам ҳарбийларга озиқ-овқат етказиб бериш учун жамоа хўжалигида тинимсиз меҳнат қилган. Меҳнатга яроқли эркеклар армияга жўнатилган, далаларда хотин-қизлар ва болалар ишлаганлар, Абдураҳимов Нарзулла ҳам ўқишдан кейин далада ишлаб, ота-онасига ёрдам берган. Ундан кейин 8-10-синфларни 2-Далварзин давлат хўжалиги марказидаги А.С.Пушкин номидаги 2-ўрта мактабда ўқиб, ўрта маълумотга эга бўлди.

1951–1956 йилларда Тожикистон Республикаси Хўжанд (собиқ Ленинобод) Давлат Педагогика институтининг филология факултетида ўқиб, имтиёзли диплом олди. Она тили ва адабиёти соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассис бўлиб етишди.

1956 йилдан Хос қишлоғидаги Ҳ.Олимжон номи 25-ўрта мактабга (ҳозирги 38-мактаб) ишга кирди ва ўқитувчилик фаолиятини бошлади. У ўқитувчи бўлиш билан бирга мактаб комсомол ташкилотининг котиби вазифасини

ҳам бажарди. Нарзулла Абдураҳимов мактаб жамоаси орасида ўзининг ташкилотчилиги билан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Кўпчиликка танилди.

1966 йилда туман партия комитети таклифи билан ўша ташкилотга инструктор қилиб ишга олинди.

1968 йилдан «Коммунизм» жамоа хўжалиги партия ташкилотининг котиби вазифасида ишлади.

Нарзулла Абдураҳимов 1971 йилда Бекобод туман марказидаги 1-Далварзин давлат хўжалигининг 6-бўлимига (ҳозирги Зафар шаҳарчаси) кўчиб келди. Шу йили райком партиянинг топшириғига асосан серғайрат, ишчан ташкилотчи бўлган Абдураҳимов Нарзулла туман партия комитетининг идеология котиби бўлиб ишга ўтди. У тарғибот-ташвиқот ишларини бажарди. Бу вазифада кўп йиллар, яъни етти йил иш олиб борди. Туманнинг иқтисодий ривожланишига, маданий жиҳатдан гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшди.

Нарзулла Абдураҳимов 1977 йилнинг охиридан Хос қишлоғидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида раис бўлиб иш бошлади. Ўз иш фаолиятида ғайратини, ташкилотчилигини ишга солиб, қишлоқ ободончилиги, жамоа хўжалиги ишлаб чиқариши ривожига ўз ҳиссасини қўшди. Қишлоқдаги янги 624 ўринли ўрта мактаб қурилишига бош-қош бўлди. Икки қаватли жамоа бошқаруви ва қишлоқ совети биноси қуриб битказилди ва 1983 йилда ишга туширилди. Дала шийпонлари қурилишида, ариқ ва анҳорларни бетонлаштиришда, қишлоқ аҳолиси хонадонларини газлаштириш,

қишлоқ кўчаларини текислашда, асфалт қилишда, умуман ободончилик ишларини амалга оширишда ўз куч-ғайратини аямади.

Хос қишлоғидаги «Ғойиб ота» қабристонини атрофини панжара билан ўрашда фаол иштирок этди. Жамоа хўжалиги иқтисодиётини кўтаришга, жамоа хўжалиги аъзоларининг иш ҳақларини, даромадини оширишга ҳам жиддий эътибор берди.

1984 йилнинг охирида «Коммунизм» жамоа хўжалигига ўша даврда иқтисодий жиҳатдан қолоқ, қарздорлиги катта бўлган кўшни «Тақачи» жамоа хўжалиги қўшилди. У ерда ҳам анча ўзгаришлар қилинди. Ариқлар бетонлаштирилди. Ферма ҳам тўлиқ таъмирланди.

1985 йилда жамоа хўжалигига юқори ташкилотлар томонидан юборилган ревизорлар келиб, давлатга пахта топширишдаги кўшиб ёзишлар текширилиб, камчиликлар аниқланиб, раис, бош ҳисобчи, кассир ва пахта топширувчи вакиллар қамалдилар. Ўша пайтларда «пахта иши» деб номланган ногўғри айб қўйиб қамашлар Ўзбекистоннинг ҳамма хўжаликларида бўлган эди. Кейинчалик бу ишлар қайта кўрилиб, 2 – 3 йиллардан кейин Н. Абдураҳимов озод этилди ва оқланди. 1987 – 1989 йилларда «Коммунизм» жамоа хўжалигининг «Тақачи» участкасида участка бошлиғи бўлиб ишлади.

1989 йилдан жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Нарзулла Абдураҳимов бригада даласида чорвадорликни ривожлантирди, товуқ фермаси ва боғ ташкил қилди. Дала шийпонида дам олиш учун ҳам шароит яратиб берди. Қишлоқ хўжалик ишларининг

оғирини енгил қилувчи техникалар билан хўжаликни таъминлашга ҳаракат қилди.

1995 йилдан бошлаб Хос қишлоғида ташкил этилган «Юлдуз» чорвачилик хусусий фермасига ўтиб ишлади. У ерда иш бошқарувчи вазифасида сидқидилдан меҳнат қилди.

1998 йилдан бошлаб алоҳида фермер хўжалиги ташкил этиб, 48 гектар ерда деҳқончилик қила бошлади. Фермер хўжалигида ҳам ўз ташкилотчилигини намоён қилиб, паррандачиликни янада ривожлантирди.

Абдураҳимов Н. қайси вазифада ишлаган, қишлоқдаги тўй-маъракаларда доимо бош-қош бўлиб келди. Бу инсонни эл-юрт учун қилган фидокорона меҳнатлари ҳисобга олиниб, Хос қишлоғининг кўчаларидан бирига, ўзи яшаган кўчага Нарзулла Абдураҳимов номи берилди. Оғир касаллик туфайли 2008 йилнинг 11 январиди 75 ёшида вафот этди.

Н.Абдураҳимовнинг эл-юртга қилган меҳнатлари муносиб тақдирланиб, у давлатимизнинг кўплаб медал ва фахрий ёрлиқлари соҳиби бўлган.

ТОШМАТОВ ЗОИР *(1949 йил тугилган)*



Тошматов З.Х. 1949 йил 6 сентябрда Тошкент вилояти Бекобод тумани Хос қишлоғида хизматчи оиласида тугилган.

1956 йилда шу қишлоқдаги 25-мактабга ўқишга кириб, 10-синфни 1966 йилда аъло баҳоларга тугатган.

1966 – 1968 йилларда Тошкент ҳисоб-кредит техникумида «Банк иши» мутахассислиги бўйича таҳсил олган ва уни имтиёзли диплом билан тугатган.

1968 йили Тошкент Халқ хўжалиги институтининг «Иқтисодий кибернетика» факултетига ўқишга кириб, уни 1973 йили имтиёзли диплом билан тугатган. Шу йили ўз меҳнат фаолиятини мазкур институтнинг «Иқтисодий кибернетика» кафедрасида давом эттириб, ассистент лавозимида иш бошлаган.

1976 – 1980 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «Кибернетика» институти аспирантурасида таҳсил олган.

Зоир Тошматов 1980 йилда «Регионда сув ресурсларининг ифлосланиш муҳофазасини ҳисобга олиб, саноат буғининг ривожланиши ва жойлашишини оптималлаштириш» мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олди.

1981 йилдан доцент унвонини ҳам олди.

1980 – 1993 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида «Статистика» кафедраси доценти ва институт илмий ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, хорижий талабалар билан ишлаш бўлими декани, кафедра мудир лавозимларида фаолият олиб борган.

1993 йилда «Эколого-экономическая оценка оптимизации водопользования в регионе» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1994–2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида

бош бошқарма бошлиғи ўринбосари ва бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1996 – 1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Туркия республикасининг Анқара шаҳридаги доимий вакили лавозимида фаолият юритган.

Зоир Тошматов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим аълочиси» нишони билан тақдирланган.

Зоир Тошматов 2005 – 2012 йилларда Тошкент Молия институти «Статистика» кафедраси профессори, 2013 йилдан шу институтнинг «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Илмий педагогик фаолияти давомида З.Тошматов ўз касбий малакасини мунтазам равишда турли даражадаги курслар, анжуманлар: АҚШ, Буюк Британия, Швецария, Туркия, Бирлашган Араб Амирлиги, Литва, Россия каби қатор хорижий давлатларда «Эконометрика ва статистика» фани бўйича ошириб келган.

З.Тошматов иқтисодиёт назарияси ва статистика фанини ривожлантириш ва янги педагогик технология асосида ўқитиш бўйича бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда. У 2010 – 2012 йилларда Тошкент Молия институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш ва унинг қошидаги илмий семинар аъзоси сифатида фаолият юритган.

З.Тошматов «Эконометрика ва статистика» фани бўйича иқтидорли олим сифатида Республика ва халқаро миқёсда жуда кўплаб илмий мақолалар, монографиялар, услубий қўлланмалар ва дарслик чоп эттирган. У статистика фанига оид 6 та ўқув қўлланма, 4 та илмий рисола, 50 дан ортиқ илмий мақола, маъруза тезислари ва услубий қўлланмалар муаллифи ҳисобланади. Шунингдек, «Ўзбекистон экологияси бугун ва эртага», «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш», «Янги хўжалик юритиш шароитида табиатдан фойдаланиш», «Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш», «Қишлоқ хўжалиги статистикаси» каби монографиялар муаллифи.

Тошматовга 2012 йилда Ҳаж сафарига бориб, унинг амалларини бажариб келиш насиб этди.

МИРҲОШИМОВ ТУРСУНҚУЛ (1927–1991)

Мирҳошимов Турсунқул 1927 йил 4 сентябрда Тошкент вилояти Бекобод тумани Хос қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилган.

1946 йилда 8-синфни битириб Тожикистон Республикаси Ленинобод (Хўжанд) шаҳрида қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кириб, 1949 йилда агрономия бўлимини тамомлайди.

1949 йилда Тошкент вилояти биринчи Ховост – МТСга агроном бўлиб ишга келади.



1950 йилда янги ташкил этилган 2-Ховост МТС Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун ишга юборилади.

1952–1953 йиллари Ховост тумани пахтачилик бўлимида катта агроном вазифасида ишлади.

1953–1959 йилларда Тошкент вилояти Бекобод тумани 2-МТСда агроучастка бошлиғи ва МТС да катта экономист вазифасида ишлаган.

1959 йил Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини сиртдан ўқиб тугатгач, Бекобод туман қишлоқ хўжалиги инспекциясида, сўнгра жамоа хўжалигида бош агроном бўлиб ишлаган.

1961 йили Далварзин 1-давлат хўжалигининг намунавий тажриба хўжалигига агроном бўлиб ишга ўтказилган. 1962 йилдан Бутуниттифоқ НИХИ аспиранти ва уни 1965 йилда тугатиб, то 1969 йилгача Мирзачўл Бутуниттифоқ НИХИ экспедициясида янги қўриқ ерларни ўзлаштириш бўйича ишлаган.

1969 йилдан Союз НИХИ (ЦОМС) марказий мелиоратив тажриба станциясида суғориш ва чўлни ўзлаштириш бўйича бўлим бошлиғи, 1981 йилдан Союз НИХИ (ЦОМС) муассасасида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб, Сирдарё вилояти «Олтин ўрда» қишлоғида жойлашган Союз НИХИ (ЦОМС)га келиб ишлайди.

1974 йилда Мирҳошимов Т. «Чўл шароитида пахтачиликда янги очилган қўриқ ерларда суғоришнинг оптимал усуллари» номли илмий ишини ҳимоя қилиб, «Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди» илмий даражасини олди.

Унинг 6 та илмий мақолалари ОАВда чоп этилган, улар қишлоқ хўжалиги ривожига амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Мирҳошимов Турсунқул қайси жабҳада ишламасин, ўзининг тиришқоқлиги, қатъийлиги ва меҳнатсеварлиги билан эл ҳурматига сазовор бўлган. Шу билан бирга у талабчан устоз ҳамдир.

У оилада ҳам меҳрибон ота эди, 3 ўғил ва 3 қизни тарбиялаб вояга етказди.

Мирҳошимов Турсунқул 64 ёшида 1991 йил 6 апрелда вафот этди.

МИРТУРСУНОВ БЕРДИҚУЛ (1930 – 2008)

Миртурсунов Бердиқул 1930 йил 25 декабрда Тошкент вилояти Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилган.

Отаси Мирҳошимов Миртурсун.

Онаси Мирҳошимова Тўқсулув.

У бошланғич синфни Хос қишлоғида тамомлаб, 1942–1950 йилларда 1-Далварзин давлат хўжалигининг 3- бўлимидаги 26-болалар уйида таълим олган.

1954–1956 йиллари Тошкент шаҳар Фрунзе туманидаги 32-кечки ишчи-ёшлар мактабига кирди, шу билан бирга 1956 йилдан Чкалов номи самолётсозлик заводида 6-разрядли пайвандловчи бўлиб ишлаб юриб, мактабни аъло баҳоларга тамомлаган.



Миртурсунов Б. 1956 йилда Тошкент давлат педагогика институтининг табиий география бўлимига ўқишга кириб, уни 1961 йилда тамомлаган.

1962 – 1970 йилларда Чилонзор тумани 162-сонли умумий таълим мактабида география ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1968 – 1970 йилларда Тошкент давлат педагогика институтига аспирантурага ўқишга кириб, уни тамомлаб, илмий ишини Москвада «Тошкент вилоятидаги тоғ ва тоғолди ерларидан қишлоқ хўжалигида унумли фойдаланиш» мавзусида 1984 йили география фани бўйича фан номзодлигини ҳимоя қилди.

Унга 1989 йил 27 июлда Иқтисодий география кафедрасининг доценти унвони берилди.

30 дан ортиқ илмий мақолалар ва методик қўлланмалар ёзган. Улар ҳозирга қадар амалда фойдаланиб келинмоқда.

У ўз фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади, улар ҳозирда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият олиб бормоқда. У институт жамоаси ўртасида ҳам эътибор топиб, кўпчилиكنинг ҳурматига сазовор бўлган.

Миртурсунов Бердиқул оилада ҳам меҳрибон оила бошлиғи эди. Севимли рафиқаси билан 2 қиз ва 3 нафар ўғилни тарбиялаб вояга етказди.

Қизи Миртурсунова Шоира Москва Давлат педагогика институтини тамомлаб, шу институтнинг рус тили ва адабиётидан дарс беради. Иккинчи қизи ҳам ўқитувчи. 3 ўғил ҳам олий маълумотли, турли соҳаларда фаолият олиб бормоқдалар.

Миртурсунов Бердиқул 2008 йил 2 июл куни вафот этган.

ҚЎЗИБОВ ТОЖИҚУЛ (1924 – 2000)

Қўзибоев Тожиқул 1924 йил 10 майда Тошкент вилояти Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилди. Бошланғич синфни шу қишлоқда ўқиб, 5 – 7-синфларни қўшни «Сретенко» қишлоғида ўқиган. Кейин Бекобод шаҳрида 10-синфни тугатган. 1941 йилдан бошлаб қишлоқдаги 25-мактабда бошланғич синфга ўқитувчи ва бош пионер вожа-тий вазифаларида 1945 йилгача ишлади.



1946 – 1948 йилларда Хос қишлоғидаги Ворошилов номи қишлоқ советида котиб бўлиб ишлаган. 1949 йилда Тожикистон Республикаси Хўжанд (собиқ Ленинобод) шаҳрига бориб, педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича ўқишга киради ва уни 1955 йилда тамомлайди.

1955 йил Хос қишлоғидаги 25-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан ўқитувчиси бўлиб, ўз фаолиятини бошлади. Бу мактабда у каби сўзамол ўқитувчи йўқ эди. Ўзбек тили грамматикасини жуда мукамал болаларга тушунтирар эди. Адабиёт фанидаги мавзуларни ҳам содда ва рагон қилиб айтиб берар эди. 1958 йилда мактабда илмий мудир, 1961 йилда мактаб директори, ўқитувчи бўлиб 1971 йилгача фаолият кўрсатди.

1971 йил 16 августда тумандаги «Шоликор» хўжалигидаги Ушинский номи 20-ўрта мак-

табда директор лавозимида иш бошлади. У ерда 1974 йил сентябрғача ишлади.

1974 – 1977 йилларда «Октябр 46 йиллиги» шолчилилик давлат хўжалигида партия ташкилоти котиби бўлиб ишлади. Хўжаликда шол етиштириш бўйича давлатимизнинг қарорларини тарғиб қилишда, ишчиларнинг ижтимоий шароитларини яхшилашда ўзининг ташкилотчилиги билан муносиб ҳисса қўшди.

Қўзибоев Т. 1977 йил 15 майдан бошлаб тумандаги 4-СПТУ (Қишлоқ профессионал техника билим юрти)га директор лавозимига ишга ўтди ва бу ерда 1982 йилга қадар ишлади. Ўз билими, тажрибаси ва ташкилотчилигини намоён этиб, билим юртини намунали даражага кўтарди. Билим юрти болаларига ғамхўрлик қилиб, билим беришда ўзининг фидойилигини кўрсатди.

1982 йилда нафақага чиқиш муносабати билан у ердан ишдан бўшади. Тиниб-тинчимас, ғайратли Қўзибоев Т. 1983 йилда Далварзин пахта тозалаш заводига қарашли «Ленинград» давлат хўжалиги ҳудудида пахта қабул қилиш пунктини очди ва уни мудир сифатида ўзи бошқарди. Бориш-келишга қийналгани, соғлигига тўғри келмагани учун 1985 йилга қадар ишлади.

Қўзибоев Т. нафақа даврида ҳам тиниб-тинчимас, ғайратли киши эди. Қишлоқ ҳаётига, тўй-маъракаларга аралшиб, жамоат ишларига фаол қатнашар эди.

Қўзибоев Т.нинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1970 йил-

да «За доблестной труд» медали, 1994 йилда Президент фармони билан «Шуҳрат» медали, 1995 йилда «Ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали ва бир қанча фахрий ёрликлар билан мукофотланган.

Қўзибоев Т. 2000 йил 1 декабрда автоҳалокат туфайли оламдан ўтди.

БЕГМАТОВ МАМАСОЛИ (1925 – 1992)

Бегматов Мамасоли 1925 йилда Самарқанд вилояти Қўшработ туманида туғилган. Ўрта мактабни тамомлагандан сўнг 1948 йилда Самарқанд давлат педагогика институтига ўқишга кириб ўқиган. 1952 йилда Бекобод туманига кўчиб келган. 1953 – 1959 йилларда Бекобод туманидаги Фурқат номли 26-ўрта мактабда аввал ўқитувчи, кейинчалик директор бўлиб ишлаган.



1956 – 1960 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимида ўқиган.

1962 – 1964 йилларда Бекобод тумани А.Навоий номли 29-ўрта мактабда ўқитувчи ва директор бўлиб ишлаган.

1964 – 1968 йилларда жамоа хўжалиги раиси муовини бўлиб фаолият юритган.

1968 – 1976 йилларда «Коммунизм» жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаган. У раислик

қилган даврда Хос қишлоғидаги жамоа хўжалигида анча ишлар қилинди. Болалар боғчаси, молхона, ҳаммом, меҳмонхона, ирригация шахобчалари, гараж қурилди, ободончилик ишлари амалга оширилди. Жамоа хўжалигини ҳар томонлама ривожлантирувчи қатор муаммолар ҳал этилди. Бегматов М. касби ўқитувчи бўлганлиги сабабли инсонларга ширин муомалали бўлиб, фаоллар билан ҳамжиҳатлик асосида иш олиб борар эди. Ҳатто қишлоқ аҳли тўй, маърака қилса ҳам, ёнига фаолларни эргаштириб бориб, камчиликларга яқиндан ёрдам берар эди. У кишини қишлоқ аҳли ҳам жуда яхши кўрар эди. Туман раҳбарлари ичида ҳам ҳурмат-обруға сазовор бўлган.

1977 – 1988 йилларда Тошкент вилояти давлат хўжаликлараро транспорт ва таъминот базаси директори бўлиб ишлади.

Бегматов М. халқ хўжалигининг қайси соҳасида ишламасин, ўзининг билимдонлиги, ташкилотчилиги ва ҳалол меҳнати билан халқ фаровонлиги йўлида фидокорона фаолият кўрсатган. Унинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Жумладан, 1969 йилда «Ҳурмат белгиси» ордени, 1975 йилда «Шуҳрат» ордени ва турли йилларда бир нечта медаллар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

Бегматов М. 1986 йилда нафақага чиқди. Шунда ҳам тиниб-тинчимасди, қишлоқдошларига ўзининг қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам бериб келди.

Бегматов М. 1992 йил 25 мартда вафот этди.

ШУКУРАЛИЕВ ЭРГАШ (1925 – 1996)

Шукуралиев Эргаш 1925 йилда Бекобод туман Хос қишлоғида туғилган. 1931 йилда шу қишлоқдаги 25-мактабда ўқиган. 1941 йилда ўқишни тугатиб, 1943 йилгача шу мактабда ўқитувчилик қилган.

1943 йил 19 январда Иккинчи жаҳон урушига – ватан ва халқ ҳимояси учун жўнатилган. Ленинград остонасидаги жангда қатнашиб яраланган ва 1946 йилгача армия сафида бўлган. Армиядан келиб, Хос қишлоғида 1946 – 1950 йилларда 25-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади.

1950 йилда Бекобод тумани Янгиобод қишлоғидаги 38-мактабга директор этиб тайинланди. У ерда 1960 йилгача фаолият кўрсатган.

Шукуралиев Эргаш 1955 – 1961 йилларда Самарқанд давлат университетини сиртдан ўқиб тамомлаган.

1960 – 1963 йилларда Хос қишлоғидаги 25-мактабга яна қайтиб келиб, ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. 1963 йилдан яна тумандаги Свердлов номи 19-мактабда директор бўлиб ишлаган.

1966 йил 19 сентябрдан Ҳамид Олимжон номи 25-ўрта мактабда география ва тарих фанидан дарс берган.

Шукуралиев Эргаш қаерда ишламасин, Ватан ва халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилди. Айниқса, ёшларга билим

КАТТА ХАЭТ ЙУЛГА ЙУНАЛТИРГАН. У КИШЛОК ХА-

ди. 1943 – 1945 йилларда жамоа хўжалигида табелчи бўлиб ишлайди, 1946 йилда Мирзачўлдаги 6 ойлик бухгалтерия курсида ўқиб келиб, 1947 йилда Хос қишлоғидаги Карл Маркс номи жамоа хўжалигига ишга киради. Жамоа хўжалиги раиси Нуралиев Турдиали эди. 1948 – 1951 йилларда ҳарбий хизматда бўлган, ҳарбий хизмат даврида ҳам штабда маъмурий ёзув-чизув ишлари билан шуғулланган, унинг ҳуснихати ниҳоятда текис ва чиройли эди.

1951 йил декабрь ойида армиядан келиб, Хос қишлоғидаги жамоа хўжалигида ҳисобчи бўлиб 1953 йилгача ишлади. Хос қишлоғидаги жамоа хўжалиги 1954 йилда кўшни қишлоқдаги Дзержинский номи жамоа хўжалиги билан бирлаштирилади. Раҳимов Т. ҳам Дзержинский номи жамоа хўжалигида 1964 йилгача ҳисобчи бўлиб ишлади.

Раҳимов Т. 1964 йилдан 1992 йилгача Хос қишлоғидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида бош ҳисобчи вазифасида ишлади. У иш фаолияти даврида ўз ишини сидқидилдан бажарди, жамоа хўжалиги мулкани талон-тарож қилинишига йўл қўймай, ҳисоб-китоб ишларига жуда эътиборли бўлган. Қишлоқ ободончилигига, жамоа хўжалиги тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Раҳимов Т. фаолияти даврида эришган меҳнат натижалари давлатимиз томонидан кўп марта тақдирланган, у бир неча бор фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

У 1992 йилдан нафақага чиқди. 2015 йил январ ойида вафот этди.

Раҳимов Тожиёр жуда билимдон инсон эди. Тарихий воқеаларни аниқ фактлар, маълумотлар асосида сўзлаб берар, 1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши воқеаларини йиллари, батальон командирлари исмлари билан батафсил ҳикоя қилиб берар эди. Хос қишлоғи ҳаёти, одамларнинг қариндош-уруғчилиги, сулоалар тарихи тўғрисида ҳам аниқ маълумотга эга эди. «У билан ҳеч қачон зерикмас эдик», – деб суҳбатдош дўстлари Раҳимов Тожиёрни тез-тез эслаб туришади. Раҳимов Тожиёрнинг 9 нафар фарзанди бўлиб, улар тинч-тотув яшамокдалар.

ЮНУСОВ МИРСАИД

(1926 йил 15 январда туғилган)

Юнусов Мирсаид 1926 йил 15 январда Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилган.

Отаси Мирюнус қишлоқ фаолларидан бўлиб, қишлоққа сув келтиришдаги Князь ариқ қурилишида қатнашган.

Юнусов М. Хос қишлоғидаги бошланғич мактабнинг 4-синфини тамомлаган. Ундан кейин 2-Далварзин давлат хўжалиги марказидаги рус мактабига борган, у ерда ўзбек синфи ҳам бор эди. Шу ерда ўқишни давом эттирган. У ерда ҳам 7 йиллик мактаб бўлиб, уни тугатгач, қўшни Сретенко қишлоғига 8-9-синфни ўқиш учун борган. 10-синфга ўтиб, бир ой ўқиганда уруш бошланиб, мактабда ўқитувчиларни армияга кетиши сабабли ўқиш тўхтаган. Болаларни ўқитадиган ўқитувчи, қолмаганлиги сабабли 1942 йил ноябр ойидан бошлаб мактаб

директори уни чақириб, ўқитувчилик қилишни таклиф килади ва у дарс бера бошлайди.

2-Далварзин марказидаги 2-мактабда рус синфи кўп бўлган. Ўзбек синфларда болалар кам эди.

Қуйида Юнусов Мирсаиднинг кўрган ва бошидан ўтказган хотиралари келтирилади:

«Далварзин чўлларини 1927 йилдан бошлаб ўзлаштириш бошланган, узун бараклар қурилиб, руслар кўчириб келинган. 1929 – 1930 йилларда қишлоқ аҳолиси деҳқончилик қилиб яшаган. Князь арифи (ҳозирги Хосёз арифи)дан сув олиниб суғорилган. Отам Мирюнус 1931 йилда шу янги ўзлаштирилаётган Далварзин чўлига кўчиб келиб, янги қурилаётган уйларда яшаб, хўжаликда турли лавозимларда ишлаган.

Хос қишлоғининг ўртасидаги йўл орқали бир томони Хўжанд, Ўратепа томонларга, иккинчи томони Тошкент, Тўйтепа, Оҳангарон томонларга борилган. Қишлоқнинг уйлари ёнма-ён қурилган. Ёзда қишлоқ бўм-бўш бўлиб, ҳеч кимникига ўғрилар ҳам тушмаган. Ёз бўйи одамлар дала ҳовлиларида яшаб, ишлаб, кузда деҳқончилигини, мева ва сабзавотларини йиғиштириб, қишлоққа кўчиб келар эдилар.

Давлат хўжалигида руслар яшагани учун бизга ҳам рус тилини ўрганишга шароит яратилди.

1931 – 1932 йилларда Фарғона водийсидан кулоқ қилинганлар кўчириб келина бошлади. Улар махсус назоратда бўлиб, ҳатто Бекобод шаҳрига ҳам бора олмас эдилар.

Кейинчалик рус ва ўзбеклар кўпайиб, мак-

табда ўқувчилар рус ва ўзбек синфларида ўқитилар эди. Рус ўқитувчиларининг кўпчилиги олий маълумотли эди.

1942–1943 йилларда Украинанинг ғарбий вилоятларидан яҳудий ўқитувчилар кўчиб келиб, мактабда дарс бера бошлашди. Улар анча билимли бўлгани учунми, кўпчилиги ўзбек ўқитувчиларини менсимас эди.

1944 йилдан бошлаб Далварзин давлат хўжалиги Фарҳод ГЭС нинг ёрдамчи хўжалигига айлантирилди.

Кейинчалик Калпакова номли канал қурилиши, чўлларга сув чиқарилиши, Хосёз канали қайта кенгайтирилиши муносабати билан чўллар ўзлаштирилиб, давлат хўжаликлари ташкил қилина бошланди».

Юнусов Мирсаид 1942–1945 йилларда – уруш даврида ўқитувчилик қилиб, болаларга билим берган.

1946 – 1948 йилларда Тошкентдаги Низомий номли Педагогика институтида (ҳозирги ТДПУ) ўқиб, олий маълумотли бўлган.

Юнусов М. 1958 йилдан бошланғич синфларнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлаган.

1963 йилдан то 1994 йилгача мактаб директори лавозимида 31 йил 2-мактабда ишлаган. Ундан кейин 2011 йилгача яна ўқитувчилик қилган.

Юнусов М. 70 йил давомида қишлоқ болаларига билим бериб, қанчадан-қанча ёшларни тарбиялаб, етук мутахассис бўлишида ўз ҳиссасини қўшди. Қаттиқ интизом билан ишлаб, кўплаб шогирдлар етиштирди. У тиришқоқ,

жонкуяр, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашадиган, кечаю кундуз ишлаб чарчамайдиган меҳнаткаш инсон бўлган.

Ундан ташқари Юнусов М. тинмай ўз устида ишлар эди. Китобхонликда тенги йўқ устознинг уйининг бир хонаси китоблар билан тўлган.

Юнусов М.нинг сидқидилдан қилган меҳнатларини ҳукуматимиз муносиб тақдирлаган.

«1941–1945 йилларда Иккинчи жаҳон уруши даврида фидокорона меҳнати учун» медали.

1961 йилда «Халқ маорифи аълочиси нишони».

1970 йилда юбилей медали.

1978 йилда «Ҳурмат белгиси» ордени.

1980 йилда «СССР маорифи аълочиси» нишони.

1996 йилда «Шуҳрат» медали ва «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» медали.

2005 йилда «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги» медали билан мукофотланган.

2011 йилдан бери нафақада. Ҳали ҳам ўзининг қимматли маслаҳатларини қишлоқдошларидан аямайди.

Юнусов Мирсаидака билан суҳбатлашган киши мазза қилиб дам олади ва янада суҳбатлашгиси келади.

СОДИҚОВ БОТИРҚУЛ

(1945 – 2013)

Содиқов Ботирқул Хос қишлоғида туғилиб, шу қишлоқдаги ўрта мактабда ўқиб, 1961 йилда уни аъло баҳолар билан тамомлаган.

1961 – 1966 йилларда Тожикистон Республикаси Ленинобод (Хўжанд) давлат педагогика институтининг тарих-филология факулте-тида ўқиб, уни имтиёзли битирган.

1966 йилда Бекобод туманига келиб, мактабда ўқитувчи, кейин директор лавозимида ишлади.

1968 – 1989 йилларда Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги педагогика институти ва Сирдарё вилояти давлат педагогика университетларида аввал ўқитувчи, сўнг раҳбар вазифаларида фаолият кўрсатган. Бу даргоҳларда ишлаш даврида ўзининг бор билими, тажрибасини аямай, жонкуярлик кўрсатиб ишлаган, жуда кўплаб иқтидорли мутахассисларни етиштиришда, тарбиялашда меҳнати сингган.

Содиқов Б. 1978 йилда «Ўзбек адабий тилида боғламалар» мавзусида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1984 йилда доцентлик унвонига сазовор бўлган. Иш фаолияти давомида ўзининг ўта талабчанлиги, ҳақиқатпарварлиги билан ажралиб турар эди. Кўплаб шогирдлар етиштирган ва тарбиялаган. 1990 – 1995 йилларда Бекобод шаҳрида халқ депутатлари шаҳар кенгашида аввал бўлим бошлиғи, кейин шаҳар ҳокими ўринбосари лавозимларида ишлади.

1995 йилдан у Ўзбекистон ХДП Бекобод шаҳар кенгаши раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келди.

Содиқов Б. монография, 20 дан зиёд илмий ҳамда публицистик мақолалар, «Сайхун соҳидаги шаҳар» китоби ҳамда «Кўнгил изҳори» номли шеърлар тўпламларини нашр эттирган. У қаерда ишламасин, ўз билими, дунёқарashi, теран фикрларини ёшларга етказишда тинмай фаолиқ кўрсатди. Содиқов Ботирқулнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўрмат белгиси» ордени, «Меҳнат фахрийси» медали, «Халқ маорифи аълочиси» ва «Мустақилликнинг 10 йиллиги» кўкрак нишонлари билан мукофотланган.

У ўз китобларида истиқлол шарофати билан юз бераётган буюк ўзгаришлардан қувониб, фахр туйғуларини шеърларида акс эттирган. Содиқов Ботирқул қайси даврада бўлмасин, ўзининг ширинсуханлиги, қувноқлиги ва кишиларга меҳрибонлиги билан атрофдагиларнинг кўнглидан жой олар эди. У билан суҳбатлашган киши яна суҳбатлашгиси келар эди. Содиқов Ботирқул ҳақида унинг шогирдларидан бири филология фанлари доктори, профессор Ёрматов Исомиддин «Тилшунос олим туғма талант эгаси эди, унинг йиллар мобайнида орттирган тажриба ва меҳнатлари эътирофга лойиқдир», деб таъриф берган.

Ҳақиқатдан ҳам жонкуяр ва меҳрибон инсон умрининг охиригача давлат ишлари билан банд бўлди. Фидойи инсон ишхонасида 2013

йил 15 мартда вафот этди. Содиқов Ботирқулнинг «Фидойингдурман, Ватан» қасидасига ёзилган «Мустақиллик байрами» шеърини келтирамиз.

*Қўлингни бер, севикли эркам,
Худо берган бу улуг кунда.
Истиқлолни байрам қилайлик,
Ғам-андухни қўйиб бир четга.*

*Бу кунларни кўрай деб қанча,
Мард ўғлонлар ўтиб кетдилар.
Қулоқ қоқмай, тик турмай ҳатто,
Не инсонлар заҳмат чекдилар.*

*Ўтганларни руҳи қувватлаб,
Истиқлолни биз кўра олдик.
Мустақиллик дўпписин кийиб,
Ўзлизимиз биз таниб қолдик.*

*Билсанг агар, байрамлар кўндир,
Ҳаммаси ҳам дилга яқиндир.
Лекин Мустақиллик байрами,
Барчасидан жуда азиздир.*

АБДУРАҲМОНОВ ТУРСУНБОЙ

(1936 – 1999)

Абдураҳмонов Турсунбой 1936 йилда Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилиб, 1946 йилда шу қишлоқдаги 25-мактабга ўқишга киради. 1956 йилда 10-синфни тугатиб, шу йили ҳарбий хизматга кетган. Ҳарбий хизматни 1959 йилда тамомлаб келган ва бир йил туман кўнгилли «Пахтакор» спорт жамиятида ишлади.

1960 – 1965 йилларда Тошкентдаги Низомий номи Педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) тарих факултетида ўқиб, тарих ва жамиятшунослик бўйича мутахассис бўлиб етишди.

1960 йилдан бошлаб Ҳ.Олимжон номи 38-ўрта мактабда ўқитувчи, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаб келди ва 1980 йилдан 1991 йилгача мактаб директори лавозимида фаолият олиб борди. Ўзининг иш фаолиятида ҳақиқий ўқитувчиликка хос хусусиятга эга бўлиб, одоб-ахлоқи ва муомаласи билан ўқитувчиларгагина эмас, ҳамма ўқувчиларга ҳам намуна бўлди. Ҳ.Олимжон номи мактабни ҳар томонлама намунали мактаб даражасига кўтаришда ва тумандаги мактаблар ичида энг юқори кўрсаткичга кўтарилишига эришди. Абдураҳмонов Турсунбойнинг бу меҳнатларини эътиборга олиб, давлатимиз томонидан 1978 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилди. У яна бундан бошқа бир неча фахрий ёрлиқлар ва меҳнат фахрийси медали билан ҳам тақдирланган. Абдураҳмонов Турсунбой нафақат

мактабда, балки Хос қишлоқ аҳлининг ҳам ҳур-матига сазовор бўлган. Мунтазам ота-оналар билан ўтказиладиган суҳбатлар, қишлоқ, жамоа хўжалиги йиғилишларидаги маърузалари ўзининг мазмундорлиги, таъсирчанлиги билан кўпчилик эътирофига сазовор бўлган.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, 1990 йил декабр ойидан «Хос» қишлоғидаги «Меҳнатобод» қишлоқ фуқаролар йиғинига раис қилиб сайланди. У ерда ҳам халқ билан баҳамжиҳат қишлоқ ободончилиги, жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришига, тўй-маъракаларни тартибга солишда, оила можароларини камайтиришда ва халққа ижтимоий-иқтисодий шароитлар яратишда катта ишларни амалга оширди.

Абдурахмонов Турсунбой 1998 йилгача ишлаб, сўнг нафақага чиқди. Нафақада ҳам халқ билан ҳамнафас бўлди, ўз маслаҳатлари билан эл қалбидан муносиб жой олди.

У 1999 йил 21 мартда вафот этди. Унинг 6 нафар фарзанди ва бир неча набиралари бор.

ДЕҲҚОНБОВ МҶМИН

(1937 йилда туғилган)



Деҳқонбоев Мўмин Маҳкамович 1937 йилда Тошкент вилояти Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилган. У шу қишлоқдаги 25-тўлиқсиз ўрта мактабга ўқишга кириб, 7-синфни 1952 йилда тамомлади, юқори синфларни эса қўшни давлат хўжалиги марказидаги ўрта мактабда ўқиб тамомлаган.

1955 – 1961 йилларда Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳридаги тиббиёт институтида ўқиди.

1961 – 1966 йилларда Тожикистонда қишлоқ врачлик шифохонасида бош врач бўлиб ишлаган.

1966 – 1974 йилларда Тожикистон Республикаси Оржоникидзе туман шифохонасида врач ўринбосари, кейинчалик бош врач бўлиб ишлаган. Деҳқонбоев М. иш фаолияти давомида ўз ишининг билимдони эканлиги, меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги, талабчанлиги ва тадбиркорлиги билан тезда туманга, республикага танилди, ҳатто унинг ишлари иттифоққа ҳам маълум бўлди. Бу хизматлари учун у 1966 йил 30 майда «Қизил хоч» ва «Қизил ярим ой жамияти»нинг «СССР мудофааси санитарияси аълочиси» нишони билан тақдирланган.

1970 йилда «Меҳнатда ўрнатқан кўрсатқан» медали билан тақдирланган. 1973 йил 22 майда унга «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони берилди.

1974 йил октябр ойидан Бекобод туманига кўчиб келиб, туман шифохонасида жарроҳлик бўлими мудири вазифасида 1976 йил охиригача ишлади. Бу ерда ҳали шу вақтга қадар қилинмаган операцияларни ва буйрак операциясини муваффақиятли ўтказиб, кўпчиликнинг ҳурматиغا сазовор бўлди.

1977 – 1988 йилларда Бекобод шаҳрида Ўзбекистон Металлургия завоидига қарашли поликлиника ва янги касалхонада бош врач

Ўринбосари ва бош врач бўлиб ишлади. Касалхона қурилиши ва унинг очилишида бош-қош бўлди, 200 ўринли 4 қаватли даволаниш шифохонаси 1982 йилда ишга туширилди. УМЗ ишлаб чиқариш цехларида кичик поликлиникалар ташкил қилинди. 100 ўринли санатория-профилактория, 1985 йилда 500 кишига хизмат қиладиган поликлиника, 3 та янги соғлиқни сақлаш пунктлари қурилди. Бу муассасалар санитария-гигиена талабига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланган.

Дехқонбоев Мўмин Маҳкамович ўз фаолияти давомида билимдон мутахассис, ташкилотчи, изланувчан, талабчан раҳбар сифатида танилди. Унинг бу хизматлари эътиборга олиниб, у 1988 йилда Бекобод шаҳар марказий шифохонасига бош врач этиб тайинланди. Марказий шифохонада ишлаш даврида ишни шифохонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан бошлади. Янги даволаниш корпусини ишга тушириш, стоматология поликлиникасига қўшимча корпус қуриш, сут маҳсулотлари ошхонаси қуриш, шаҳар поликлиникасини замонавий услубда жиҳозлаш, туғруқxonани қайта таъмирлаш, марказий ва болалар шифохонасини, инфекцион шифохона биноларини капитал таъмирлаш ишларига бош-бош бўлди.

Дехқонбоев Мўмин Маҳкамович аҳоли соғлиғини сақлаш бўйича жуда кўплаб амалий ишларни бажарди. У ўз устида ишлаб, малакасини тинмай ошириб борди. Кўплаб шаҳарларда соғлиқни сақлаш ходимларининг мала-



Қурилиш материаллари савдо шахобчаси.



Мавлон ота номли 200 ўринли тўйхона-чойхона.



«Мини маркет» савдо шахобчаси.



Марказдаги компьютер хизмати кўрсатиш
шаҳобчаси.



«Меҳнатобод» қишлоқ фуқаролар йиғини биноси.



Қишлоқ марказидаги 38-умумий ўрта таълим мактаби.



Хос шаҳарчасидаги янги масжиднинг умумий кўриниши.



Масжиднинг ён томондан кўриниши.



Қишлоқ врачлик пункти.



Қишлоқ врачлик пунктининг ён томондан кўриниши.



Қишлоқда Наврӯз байрами.



Тараққиёт кўчасида жойлашган уйлар.



О.Тожибоев кўчасидаги уйлар.



Ф.Дадабоев кўчасидаги ҳовли-жойлар.



Умрқул полвон
Абдумажидов саҳнада.



Умрқул полвон ҳамкасб дўстлари билан.

касини оширишда қатнашди. Шаҳар аҳолиси соғлиги ва саломатлигига тинмай ғамхўрлик қилишда ўзининг фидойилигини кўрсатди.

Унинг бу меҳнатларини ҳукумат қадрлаб, 1980 йил «СССР граждaн мудофааси аълочи-си» нишони билан тақдирланди. Деҳқонбоев Мўмин Маҳкамoвич раҳбарлигида шаҳар шифохоналари, тиббий хизматлар намунали даражага кўтарилди. У 1997 йилда нафақага чиқиши муносабати билан бош шифокор вазифасидан озод этилди.

1997 йил июл ойидан бошлаб Бекобод тумани Хос қишлоғидаги Қишлоқ врачлик поликлиникасида мудир бўлиб ишлади. Хос қишлоқ врачлик поликлиникасида касалларга хизмат кўрсатиш хоналари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди, тиббиёт муассасаси малакали кадрлар билан таъминланди. Янги жиҳозлар, тиббий асбоблар билан тўлдирилди, тиш даволаш хонаси учун янги замонавий ускуна келтирилди. Поликлиника атрофлари ободонлаштирилди, арчазорга, дарахтзорга – салқин жойларга айлантирилди. Касаллар кун бўйи шу поликлиникада стационар шароитда ётиб даволанадилар. Аҳоли бу тиббий хизматдан чексиз миннатдор. Деҳқонбоев Мўмин Маҳкамoвичнинг бу хизматлари ҳукуматимиз томонидан мукофотланган. У ҳозирги кунга қадар халқ хизматида эканидан мамнун.

ТОШМАТОВ МАМАТҚУЛ

(1940 йил 11 мартда туғилган)



Хос қишлоғида туғилиб, шу қишлоқдаги ўрта мактабда 10-синфни тамомлаган. 1957 – 1959 йилларда Андижонда қишлоқ хўжалик техникумининг бухгалтер-иқтисодчи бўлимига ўқишга кириб ўқиди. У ёшлигидан ҳисоб-китоб ишига, ҳисобчилик касбини эгаллашга ҳавас қилган эди. Техникумни 1959 йил тугатиб, Бекобод туман суғурта инспекциясига ишга кириб ишлади. 1960 йил ноябрда ҳарбий хизматга чақирилди. Армияда ҳам ҳисобчилик қилди (ҳарбий қурилиш қисмида). У ўз билимини ошириш мақсадида ҳарбий хизматдалигидаёқ ҳужжатларини олий ўқув юртига топширди.

1963 – 1967 йилларда Тошкент халқ хўжалик институтининг бухгалтер-иқтисодчи факултетида ўқиб, уни қизил диплом билан тамомлади. Ўқишни тугатиб, Хос қишлоғидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида бош иқтисодчи бўлиб иш бошлади. 1971 йилда «Жамоа хўжалиги ва давлат хўжаликларига раҳбар кадрлар тайёрлаш» курсига бориб, 6 ой қишлоқ хўжалиги институти қошида ўқиб келди.

1972 – 1973 йилларда Бекобод туман қишлоқ хўжалиги бошқармасида жамоа хўжаликлари бўйича ташкилий бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб, тумандаги хўжаликларнинг ҳисоб-китоби ва иқтисоди билан шуғулланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда унинг

харажатларини тежаш мавзусида семинарлар ва йиғилишларда маърузалар ўқиди.

Тошматов Маматқул 1973 йил ноябр ойидан Бекобод тумани молия бўлимини бошқарди. Молия бўлимида иш юритиш рус тилида олиб борилар эди. 1974 йил феврал-март ойларида Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрига бориб, молия соҳаси бўйича малака ошириш курсида ўқиб келди. Қўлланмаларнинг ҳаммаси рус тилида эди, бу қийинчиликларни енгиш учун кечаю кундуз шуғулланишга тўғри келди ва 4-5 йилдан сўнг бу соҳани ҳам мукаммал ўзлаштириб олди. Давлат режаларини мунтазам ва ошириб бажариб, Республика молия вазирининг кўчмас байроқлари, мусобақа ғолиби мукофотларини олишга сазовор бўлди. Тошкент вилоят молия бошқармасида 12 йил ҳурмат тахтасида сурати турди. Молия бўлими ва бюджет ишлари режадагидан ошириб бажарилганлиги учун 1984 йили Молия вазирининг пул мукофотлари ҳам берилган.

Тошматов Маматқул туман партия комитетининг тавсиясига асосан 1992 йилда Хос қишлоғидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигига раис вазифасига сайланди.

Истиқдолнинг илк йилларида жамоа хўжалиги омборида ҳеч қандай маҳсулот қолмаган қийин шароитда ҳомийлар ёрдамида жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришини қисқа вақтда йўлга қўйди. Зарур маҳсулотлар ва анжомлар келтирилди. Ободончилик ва тозаликка жиддий эътибор берилди.

1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасини абадийлаштириш мақсадида қишлоқ марказига ёдгорлик ўрнатилди. Уруш қатнашчиларининг номлари мрамор лавҳага ўйиб ёзилди.

Тошматов Маматқул уч йил раислик даврида анча ишларни амалга оширди, жумладан, қишлоқ ичидаги кўчалар 5 км асфальт қилинди, 2 та дала шийпони қурилди, марказий омбор қайта таъмирланди, меҳмонхона биноси қурилди, солярка билан ишлаб, сув чиқарадиган 4 та насос электр трансформаторлар билан алмаштирилди, натижада ҳар йили 15-20 тонна солярка тежаб қолишга эришилди. 200 тага яқин оилаларга томорқа учун ер берилди. Янги ичимлик суви насоси қурилди ва биттаси қайта таъмирланиб, қишлоқ тўлиқ сув билан таъминланди. Янги стадион қурилди, 4 гектар узумзор барпо қилинди. Ундан ташқари аҳолини маънавий-маданий савиясини ўстириш учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Тошматов М. бор куч-ғайрати ва билимини ишга солиб, фидокорона меҳнат қилди.

У 1995 йилдан Бекобод тумани ҳокимлигида хусусийлаштириш бўлими бошлиғи вазифасига тайинланди. У ерда ҳам бу бўлим ишларини тўғри йўлга қўйиб, астойдил ишлади.

Тошматов М. 1996 йил феврал ойида вилоят ҳокими Эркин Рўзиевнинг таклифи билан яна туман молия бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Молия бўлими ишлари жуда ўлда-жўлда аҳволда эди, яъни ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш ходимлари 6 ойлаб ойлик ол-

маган, нафақалар 3-4 ойлаб кечикиб кетган эди. Молиявий ишлар талаб даражасида эмас эди. Туман молия бўлими ишларини меъёрий ҳолатга келтириш учун тинмай ишлаб, 10 ой давомида бюджет ҳолатини тиклаб, етказиб олинди, бюджет ташкилотлари ишчи ходимлари ўз вақтида ойлик маошини олишга эришилди. Туман молия бўлими ишлари тартибга келтирилди.

Тошматов М. туман молия бўлимида 2005 йилгача ишлаб, кейин нафақага чиқди.

Тошматов М. ўз иш фаолияти даврида 1970 йилда «Жасоратли меҳнати учун» медали билан тақдирланди. Жуда кўплаб фахрий ёрликлар олди ва кўп бора мусобақа ғолиби бўлди. «Мустақилликнинг 10 йиллиги» медали билан 2002 йилда тақдирланди.

Тошматов М. қайси жабҳада ишламасин, сидқидилдан, жонкуярлик билан меҳнат қилди. Халққа, Ватанга фидойилиги туфайли кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Тошматов Маматқулнинг 5 ўғли бўлиб, ҳаммаси олий маълумотли, барча фарзандлари ота изидан бориб, молия ва иқтисод соҳасида фаолият олиб бормоқдалар.

ДЕҲҚОНБОВ АҲМАДИЁР

(1951 йилда туғилган)

Деҳқонбоев Аҳмадиёр Бекобод тумани Хос қишлоғида 1951 йилда туғилган. Шу қишлоқдаги Ҳ.Олимжон номи 25-ўрта мактабга ўқишга кириб, уни 1967 йилда кумуш медал

билан тамомлаган. 1967 йилда Россиядаги Волгоград Политехника институтининг «Машинасозликни автоматлаштириш ва механизациялаш» факултетига ўқишга кириб ўқиди ва уни 1972 йилда тугаллаб, инженер-механик касбини эгаллади.

1972 йилда йўланма асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Иншоотлар механикаси илмий текшириш институтида кичик илмий ходим лавозимида фаолият олиб борди. У ерда 1975 йилга қадар ишлади.

1975 – 1976 йиллари Бекобод шаҳар индустриал техникумида ўқитувчи бўлиб ишлади. Сўнг Бекобод шаҳар комсомол комитети йўланмаси билан 1976 йил 26 декабрдан Бекобод шаҳар ички ишлар бошқармаси иқтисодий жиноятга қарши курашиш бўлимида инспектор бўлиб ишлади, кейинчалик катта инспектор лавозимида 1983 йилгача ишлади.

1983 – 1994 йилларда Бекобод туман ички ишлар бўлимида ОБХСС бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритди. 1994 йил апрел ойидан 2001 йил сентябр ойигача Тошкент вилояти ички ишлар Бош бошқармасининг «Коррупция, рекет ва терроризмга қарши кураш» бўлими бошлиғи лавозимида иш олиб борди.

Деҳқонбоев Аҳмадиёр 2001 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғига асосан Тошкент вилояти Бўка тумани прокуратураси ҳузуридаги «Солиқ ва валюталарга оид жиноятларга қарши курашиш» бўлими бошлиғи лавозимида тайинланди. У ерда 2004 йил апрелигача фаолият олиб борди.

2004 – 2006 йилларда Тошкент вилояти Оққўрғон тумани прокуратураси ҳузуридаги «СОВЖҚКБ» бўлимида, 2006 йилдан 2009 йилгача Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги тезкор қидирув Бош бошқармасида ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили лавозимида ишлади.

Деҳқонбоев Аҳмадиёр қайси лавозимда ишламасин, халқ тинчлиги йўлида қонунга риоя қилган ҳолда уни ҳимоя қилишда жонбозлик билан иш олиб борган. Қонунни бузаётганларга қарши курашда ҳар доим ҳушёр ва сергак туриб, кеча-кундуз меҳнат қилди. Унинг фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан эътироф этилиб, бир неча бор тақдирланган.

Деҳқонбоев Аҳмадиёр 2009 йилда подполковник унвонини олишга эришди ва шу йили нафақага чиқди. Нафақада бўлса ҳам, Хос қишлоғи тараққиёти ва фаровонлиги учун ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу билан бирга бир ўғил, икки қиз ва набираларни тарбиялаб келмоқда.

ҲАЙДАРОВ АБДУАЛИ

(1937 йилда туғилган)

Ҳайдаров Абдуали 1937 йилда Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилган. 1946 йилда шу қишлоқдаги 25-ўрта мактабда билим олиб, уни 1956 йилда тамомлаган.

1957 йилда Тошкентдаги Ирригация ва сув қурилиши институтига ўқишга кириб, аъло баҳолар билан ўқиб, 1963 йили имтиёзли дип-

лом олишга эришди. Шу йили Мирзачўлга бориб, асосан сув қурилиши соҳасида ишлаган. Ундан кейин Ўзбекистон металлургия заводи тепасидаги ҳозирги Тожикистон Республикасига қарашли бўлган канални бетонлаш ишларига раҳбарлик қилган.

Бекобод туманига қарашли 6-ПМК (механизациялашган кўчма корхона)да инженер бўлиб ишлаб, Бекобод туманини сув билан таъминлаш бўйича «Далварзин», «Хос-ёз», Навоий ва Ғалаба хўжалиklarини сув билан таъминловчи «Бекобод» каналларини бетонлаштиришда бевосита раҳбарлик қилган. У ўз иш фаолияти давомида бир нечта кўприklar, шу жумладан, Навоий жамоа хўжалигида пахта пунктига киришдаги кўприк, Ғалаба жамоа хўжалигида иккита, Ойбек хўжалигида иккита, «Хос-ёз» каналида иккита кўприк қурилишларига бошчилик қилган, йўллар қурилишида ҳам фаол иштирок этган. Хос қишлоғи марказида янги мактаб қурилишида бевосита иштирок этган. Хос қишлоғи марказидаги қишлоқ совети ва жамоа хўжалиги маъмурияти учун қурилган икки қаватли (ҳозирги врачлик пункти) қурилишга раҳбарлик қилган.

Ҳайдаров Абдуали ПМК-6 қурилиш ташкилотида бир неча йил партия ташкилотига раҳбарлик қилган. У қаерда ишламасин, ўз билимини, меҳнатини аямай сидқидилдан халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилди.

Ҳайдаров Абдували ҳақгўй, чўрткесар, шу билан бирга ўта талабчан бўлган. Ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билгани учун турли алдов

ва ножўя ишларга мурасасиз бўлган. Ҳайдаров Абдуали ўз фарзандларини ҳам талабчанлик билан тарбия қилган, уларнинг ҳаммаси олий маълумотли. Ҳайдаров Абдуалининг ота-боболари ҳам билимли инсонлар бўлган. Ҳайдаров Абдуали 1994 йилдан бери нафақада. 2008 йилда Ҳаж амалларини бажариб, ҳожи бўлиб келди. Ҳозирги вақтда ҳам қишлоқ ҳаётига оид барча янгиликлар ва ўзгаришларда фаол иштирок этиб келмоқда.

НИЗАЕВА ИБОДАТ

(1960 йил 2 майда туғилган)

Низаева Ибодат Салоҳиддиновна 1960 йилда Бекобод тумани Хос қишлоғида зиёлилар оиласида туғилган. 1967 – 1977 йилларда шу қишлоқдаги Ҳамид Олимжон номи 38-ўрта мактабда ўқиди ва уни аъло баҳолар билан тамомлади. Ўрта мактабни тамомлагандан сўнг Фарғона давлат педагогика институтининг химия-биология факултетида ўқиди. Ушбу олийгоҳни 1982 йилда яхши ва аъло баҳолар билан тамомлади.



1982 – 1985 йилларда Бекобод тумани СЭС (санитария эпидемиология станцияси)да шифокор бўлиб ишлади. Туман аҳолиси соғлиғини сақлаш ва турли касалликларни олдини олиш бўйича амалий ишлар билан ёрдам бер-

ди. 1985 – 1997 йилларда Бекобод туманидаги 38- ва 39-ўрта мактабларда химия-биология фанларидан дарс берди. Дарс бериш жараёнида у келажакимиз ворислари бўлмиш ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларга дунёвий билимларни пухта ўргатишда жуда катта билим билан бирга таълим-тарбия ишларига ҳам жиддий эътибор берди. Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари орасида ўрнак кўрсатиб ишлади.

1997 – 2007 йилларда Хос қишлоғидаги «Меҳнатобод» қишлоқ фуқаролар йиғинида аввал котиба, кейинчалик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимида фаолият олиб борди. У йилларда Хос ва Тақачи қишлоқларида нотинч оилаларда турли суҳбатлар ўтказиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, тўй ва маросимларни ихчамлаштириш, қишлоқ ободончилиги ишларини жадаллаштириш каби-ларга эътибор қаратиб, қишлоқ аҳолисининг тинч-тотув, фаровон яшашини таъминлашда фаол қатнашди.

2007 – 2011 йилларда Бекобод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси бўлиб ишлади. Ўз иш фаолияти давомида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси фармон ва қарорларини халққа етказиш, уни ҳаётга татиқ этишда, туманда оналик ва балаликни ҳимоя қилишда, хотин-қизларнинг оилада соғлом муҳит яратишдаги вазифалари, эрта никоҳнинг олдини олиш каби ишларда бевосита бош-қош бўлди. Туманнинг ижтимоий ривожидида Низаева Ибодатнинг муносиб ҳиссаси бор.

У 2012 йилдан нафақага чиққан бўлса-да, ҳамон тиниб-тинчимайди.

Низаева Ибодат Салоҳиддиновна Хос қишлоғида тадбиркорлик ишларини бошлаб юборди. Банк кредитларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ марказига мини футбол стадиони қуриб, қишлоқ ёшларини спортга жалб этди. Волейбол майдончаси ва катта тадбирлар ўтказишга мўлжалланган ёғин-сочиндан пана катта айвон қурди. Ундан ташқари қишлоқ марказида маиший хизмат кўрсатиш объектлари: савдо дўкони, компьютер ўйинлари ва хизмати хоналари, шунингдек, стол тенниси ўйини хонаси, биллиардхона, тренажёрлар хонаси ва ошхона, сомсахоналар қурди. Улар қишлоқ аҳлига мунтазам хизмат кўрсатмоқда. Бундан халқимиз жуда миннатдор.

Низаева Ибодат Салоҳиддиновнанинг оиласи иноқ ва намунали оилалардан биридир, унинг бир ўғил ва бир қизи бор.

АБДУХОЛИҚОВ МАҲМУДЖОН

(1963 йил 29 декабрда туғилган)

Абдухолиқов Маҳмуджон Хос қишлоғида туғилиб, мактаб ёшига етганда Бекобод шаҳридаги Маяковский номи рус мактабида 1970 – 1980 йилларда ўқиди. У тиришқоқ, уддабурон ва илмга ўта чанқоқлиги туфайли аъло баҳоларга ўқиб, мақтов ёрлиқлари олган ва мактабни медалга битирган.

Абдухолиқов Маҳмуджон 1980 – 1982 йилларда ҳарбий хизматга бориб, ўз йигитлик

бурчини аъло даражада бажариб қайтди. У ерда ҳам командирларнинг топшириқларини ўз вақтида бажарганлиги учун фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Абдухолиқов Маҳмуджон 1983 – 1988 йилларда Тошкент юридик институтига кириб ўқиди. Ўқиш даврида ҳам билимдонлиги, камтаринлиги ва ўз устида қатъий ишлаши туфайли олийгоҳни ҳам имтиёзли диплом билан битирди. Абдухолиқов Маҳмуджоннинг тиришқоқлигини кўрган институт ректорати уни шу институтда қолишга таклиф қилишди. Абдухолиқов Маҳмуджон ушбу институтда ўқитувчилик қилиш билан бирга, ўз устида ишлашга, билимини янада оширишга ҳаракат қилади.

Абдухолиқов Маҳмуджон аспирантурага ўқишга кириб ўқийди ва уни ҳам битириб, номзодлик диссертациясини ёқлайди. Ҳозирги кунда ҳам у юридик институтида ишлаб, ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Абдухолиқов Маҳмуджон шу билан чегараланмай, Тошкент шаҳрида «Ал Маҳмуд адвокат» деган фирма очиб, халқнинг ҳуқуқий билимини ошириш йўлида адвокатлик хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бу жамоа хизматидан кўпчилик мамнун.

МАВЛОНОВ ҒАНИЖОН

(1963 йил 15 мартда туғилган)

Мавлонов Ғанижон 1963 йил 15 мартда Бекобод тумани Хос қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Шу қишлоқдаги Ҳ.Олимжон номи 38-ўрта мактабга ўқишга кириб, 1980 йилда 10-синфни тамомлади. Шу йили Тошкент Савдо техникумига ўқишга кириб, бир йил ўқигандан кейин армияга йигитлик бурчини ўташ учун кетди.

1981 – 1982 йилларда ҳарбий хизматда бўлди.

1983 йилда яна Бекобод шаҳрига келиб, мебел магазинига ишга кириб, сотувчи, кейин магазин мудирини, омбор мудирини вазифаларида 1992 йилгача ишлади. 1991 йил Тошкент шаҳрида греклар билан ҳамкорликда қўшма корхонада ишлади. Ушбу корхонада кондитер маҳсулотлари, спиртли ичимликлар ишлаб чиқарилар эди. Бу корхонада у 2000 йилгача ишлади.

Мавлонов Ғанижонга 1992 йилда «Хос» жамоа хўжалигига қарашли стадион ёнидаги катта магистрал йўл бўйидан халққа хизмат қиладиган чойхона, ошхона ва тўйхона қуришга мўлжаллаб, ер ажратиб берилди. Қурилиш бошланди, кунига 30 дан ортиқ одам ишлаб, бир йилда 40x40 м ҳажмда жуда чиройли, замонавий усулда хона-хонали қилиб шинамгина, ҳамма шароитлари етарли бўлган, халқ учун хизмат қиладиган кўркем чойхона ишга тушди.

Бу чойхона қурилишида вилоят ҳокими ҳам ўз маслаҳатини берган. Чойхона очилишига туман хўжалигидаги, Бекобод шаҳри раҳбар-

лари таклиф қилинди. Бир пиёла чой дастурхонига таклиф қилинганлар бу қурилишга ижобий баҳо беришди, вилоят телевидениеси ҳам суратга олиб, катта тантана бўлди, чунки бу бино Мустақилликнинг дастлабки йилларида туман ва шаҳарда биринчи қурилган катта иншоот эди. Бу чойхонага Ғанижоннинг отаси Мавлон ота номи берилди. Шу кунга қадар чойхонага кўплаб кишилар, азиз меҳмонлар ҳам ташриф буюриб туришади. 1995 йил 25 августда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов туманимиздаги Холбўта Деҳқонов, Зулқайнар Қодиров, Эркин Қодиров сингари эътиборли кишилар ҳамроҳлигида Хос қишлоғидаги мана шу чойхонада бўлдилар. Шоир чойхона соҳибига ўзининг янги ёзилган «Дунё» деб аталган китобини совға қилди. Унга қуйидагича дастхат ёзилганди.

«Укам Ғанижон! Орзу-умидларингизнинг ушалмоғи йўлидаги савобли ишларингизда Аллоҳдан мадад тилайман».

Бу тилак биргина Ғанижонгагина эмас, барча Хосликларга қарата айтилган эди.

Мавлонов Ғанижон 2003 йилда Хос қишлоқ ҳудудида қурилган ғишт заводини сотиб олиб, хусусий корхонага айлангирди ва ҳозирги кунда бу корхонада 100 дан ортиқ ишчи-хизматчилар ишлайди. Ҳар куни 70 минг донадан ортиқ пишган ғишт ишлаб чиқарилади. Корхонада ишлаётган ишчи-хизматчилар бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган ғиштлар Жиззах, Сирдарё вилоятига, Тошкент шаҳрига ва бошқа вилоятлардаги қурилиш объектларига

етказиб берилмоқда. Мавлонов Ғанижоннинг халқ оғирини енгил қиладиган савдо шахобчалари ҳам мавжуд, унинг 1 200 бошдан ортиқ қўй-эчкилари бор, бундан ташқари у деҳқончилик билан ҳам шуғулланади.

Мавлонов Ғанижон Хос қишлоғи ободончилигига, шунингдек, қабристонни қайта таъмирлашга ва масжид қурилишига ҳам муносиб ҳиссасини қўшди. У оилада меҳрибон ота, 2 ўғил ва 2 қизни тарбиялаб вояга етказмоқда.

Мавлонов Ғанижон тиниб-тинчимас тadbиркор, ишбилармон, ва изланувчан инсон.

БЎТАБОЕВ ЖЎРАБОЙ

(1949 йил 15 ноябрда туғилган)

Бўтабоев Жўрабой Юлдашевич 1949 йил 15 ноябрда Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилган. Шу қишлоқдаги Ҳ.Олимжон номли 38-мактабга ўқишга кириб, уни 1966 йилда тамомлаган.

1966 – 1971 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва ирригациялаш институтида ўқиган. Йўлланмага асосан у Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш бўлими катта инженери, бош инженер, бўлим бошлиғи вазифаларида 1973 йилгача ишлади.

1973 – 1975 йилларда Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Узсельхозтехника» бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаган, 1989 йилгача Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги ПМК – механизациялашган кўчма

колонна бошлиғи вазифасида ишлади, 2001 йилгача Ширин шаҳрида Сирдарё ГРЭС қурилиш бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритди. 2005 йилгача Сирдарё вилояти Ширин шаҳар ҳокими бўлиб ишлади. Бўтабоев Жўрабой 2008 йилгача Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг сув ҳисоби бўйича Сирдарё ҳавзаси бошлиғи, 2009 йилгача Тошкент НЭС қурилиш шўъба корхонаси бошлиғи ўринбосари, 2012 йилгача «Тошсифатқурилиш» масъулияти чекланган жамияти бошлиғи лавозимида фаолият олиб борди.

У 2012 йилдан «Сирдарё НЭС қурилиш» унитар корхонасида раҳбар вазифасида меҳнат қилиб келмоқда. Бўтабоев Ж.Ю халқ хўжалигининг қайси жабҳасида меҳнат қилган бўлса, ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, шу билан бирга ўз ишига сидқидилдан ёндашиб иш олиб борган. Қайси жамоада ишламасин, ўз ходимларига талабчан ҳамда қаттиққўл бўлган. Шу билан бирга у инсонларга меҳрибон, мурувватли ҳамдир. У билан ишлаган ходимлар унинг яхши фазилатларини доимо эслаб юришади. Ўртоқлари ва улфатлари ичида ҳам қувноқ, шинаванда инсон ҳисобланади. Бўтабоев Жўрабойнинг эл-юрт фаровонлиги йўлидаги бу хизматларини давлатимиз қўлаб фахрий ёрлиқлар, орден ва медаллар билан тақдирлаган.

Бўтабоев Жўрабойнинг 5 нафар фарзанди бор.

Бўтабоев Жўрабой Хос қишлоғи ободончилиги ва жамоа хўжалиги ишларига ҳам техни-

ка ва материаллар билан доимо ёрдам бериб келган. Қишлоқ кўчаларини асфальт қилишда ҳам катта жонбозлик кўрсатган.

ДЕҲҚОНБОВ РАҲМАТЖОН
(1949 йил 10 майда туғилган)

Деҳқонбоев Раҳматжон 1949 йил 10 майда Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилган ва қишлоқдаги Ҳ.Олимжон номли 38-ўрта мактабга кириб, 1966 йилда уни тамомлади. Шу йили Душанбе шаҳридаги Тожикистон давлат тиббиёт институтининг даволаш факултетига ўқишга кирди.

1973 – 1975 йилларда армия сафида ҳарбий хизматни ўтади.

1976 – 1986 йилларда Хос қишлоғида Меҳнатобод қишлоқ советида котиб бўлиб ишлаган.

1980 – 1985 йилларда Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида Давлат Педагогика институтининг филология факултетини сиртдан ўқиб тамомлади.

1987 – 1989 йилларда «Хос» жамоа хўжалигида чорвачилик фермасида ҳисоб-китоб ишларини олиб борган.

Деҳқонбоев Раҳматжон 1990 йилда «Хос» жамоа хўжалиги партия қўмитаси котиби бўлиб ишлаган, 1996 йилгача жамоа хўжалиги раиси муовини ва халқ демократик партияси котиби вазифаларида ишлаган. Халқ демократик партияси котиби даврида Тошкент ви-

лояти ҳақидаги «Эҳтиром» китобида номи ва фаолияти ёритилган.

1997 – 2005 йиллар давомида «Хос» ширкат хўжалиги раиси вазифасида фаолият олиб борган, раислик даврида ширкат хўжалигида даладаги экин-тикин ишларида ва қишлоқни ободонлаштиришда ҳам сидқидилдан меҳнат қилди. Пахта топшириш режалари ҳам ўз вақтида ортиғи билан бажарилди.

Деҳқонбоев Раҳматжон 2006 – 2007 йилларда шу қишлоқда фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаган.

2008 – 2011 йилларда «Бекобод шаҳар газ» корхонасида механик бўлиб ишлаб, 2009 йил шу корхонадан нафақага чиққан.

Деҳқонбоев Раҳматжон меҳнат фаолияти даврида Ватани учун, халқи учун фидокорлик кўрсатиб ишлади. Унинг меҳнатлари давлатимиз томонидан қадрланиб, унга бир неча бор фахрий ёрлиқлар берилган ва мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан кўкрак нишони билан тақдирланган.

Унинг меҳрибон оиласи, 2 нафар фарзанди бор.

* * *

Хос қишлоғида туғилиб, тарбия олиб, олий ўқув даргоҳларини битириб, мутахассис сифатида халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган, Ватан учун, жамият ва халқ учун жонини аямайдиган фидойи инсонлар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Уларнинг бу самарали ишларига доимо омад ёр бўлсин деймиз.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН АВВАЛГИ ВА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ СОВЕТИ ФАОЛИЯТИ

Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда Хос қишлоғида Ворошилов номи қишлоқ совети бўлиб, унга Яйловова Онор опа раислик қилган. У 1938–1942 йилларда қишлоқ совети раиси вазифасида фаолият олиб борган.

1943 – 1945 йилларда Жўраева Бахмалой раислик қилган. Уруш йиллари соғлом, ишга яроқли эркаклар урушга жўнатилган.

1946 йилдан 1947 йилгача Қўчқоров Мамаёқуб армиядан келиб, раис бўлиб ишлаган ва 1947 йилда Ўзбекистон Марказий Комитетининг партия мактабига ўқишга кетган.

1947 – 1948 йилларда урушдан қайтиб келган Мухторов Сувонқул раис бўлиб ишлади.

1948 – 1949 йилларда Қўзибоев Тожиқул қишлоқ совети раиси лавозимида иш олиб борди.

1950 – 1953 йилларда Улашев Эшқобил раис ва котиби вазифасида Йўлдошев Эргаш мулла ишлаган.

1954 йилда қишлоқ совети ҳам қўшни Пушкин номи қишлоқ советига (жамоа хўжалиги қўшни Дзержинский номи жамоа хўжалигига қўшилган эди) бирлаштирилади.

1954 – 1967 йиллар мобайнида Хос қишлоқ совети ҳам шу Пушкин қишлоқ советига бирикиб фаолият юритди.

1968 йилда Хос қишлоғи ва Тақачи қишлоғи қўшилиб, «Меҳнатобод» қишлоқ совети бирлаштирилиб, Хосда фаолият олиб борди.

Қўшни Дзержинский номли жамоа хўжалигидан Хос қишлоғи 1962 йилда ажралиб чиқиб, алоҳида «Коммунизм» жамоа хўжалиги тузилади. «Меҳнатобод» қишлоқ советига раис Тақачи қишлоғидан Норқўзиев Файзи ва котиби Мелибоев Деҳқонбой (олдин Пушкин қишлоқ советида ишлаган) тайинланади.

Улар 1974 йилгача ишладилар. Котиб Мелибоев Деҳқонбой туман ЗАГС бўлимига бошлиқ бўлиб ишга тайинланди. У ерда 1985 йилга қадар ишлади.

1974 – 1981 йилларда қишлоқ совети раислигига яна Жўраева Бахмалой сайланди. У қишлоқ аҳли ва хотин-қизлар орасида, шунингдек, оилалар орасидаги муносабатларни яхшилаш бўйича тинмай меҳнат қилди. Тўй-маъракаларни ўтказишни ихчамлаштириш, қишлоқ совети қошидаги доимий комиссиялар ишини фаолаштириш, ажрашган оилаларни яраштириш, таълим ва тарбия соҳасини ривожлантириш учун тинмай ишлади.

Жамоа хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлаган Давронова Умриниса 1982–1990 йилларда қишлоқ советининг раиси лавозимида сайланди. У ҳам қишлоқ ҳаёти яхшиланиши, жамоа хўжалиги ривожини йўлида астойдил иш олиб борди.

1990 – 1991 йилнинг май ойига қадар Тақачи қишлоғидан Абдураззоқова Меҳриниса раис бўлиб ишлади.

1991 – 1995 йилларда Абдурахмонов Турсунбой (олдин мактаб директори бўлиб ишлаган) раис вазифасида фаолият юритди.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин Конституциянинг 105-моддаси билан фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳуқуқлари янада мустаҳкамланди. Унда шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши белгиланган.

Бунда ўзини-ўзи бошқариш органларининг структураси ва улар фаолиятини ташкил этиш ҳамда раис (оқсоқол)нинг ваколатларига оид меъёрлар мустаҳкамланди.

Мустақиллик даврида фуқароларнинг, аҳолининг тинч-осойишта яшашини таъминлаш ва уларни бошқаришда маҳаллаларнинг ролига алоҳида аҳамият берилди. Камида 500 оиладан ортиқ бўлган жойларда алоҳида маҳалла фуқаролар йиғинлари ва унга тааллуқли штатлар билан давлат томонидан тўлиқ таъминланди. Уларга ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилди.

Шунингдек, Хос қишлоғида ҳам 2 та маҳалла: «Хос» ва «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилди.

Хос қишлоғидаги ушбу икки маҳалла йиғинини бошқариш учун битта Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғини иш олиб боради. Улар маҳаллалар аҳлининг, қишлоқ аҳолисининг ҳамма ишларига аралашиб, доимий хабардор бўлиш билан бирга уларни осойишталигига ҳам ғамхўрдир. Хосда 1997–1998 йилларда маҳалла йиғинлари ташкил этилди.

1996 – 2002 йилларда Тақачи қишлоғидан Мамаюсупов Қаҳрамон (олдин Бобур номли жамоа хўжалиги раиси) қишлоқ советида раис бўлиб фаолият юритди.

2002 – 2006 йилларда Низаева Ибодат (олдин ўқитувчи бўлиб ишлаган) раислик вазифасига сайланди.

2008 – 2009 йилда Қўшматов Ўринбек, 2010 – 2012 йилларда Шукуралиев Дилшод, 2013 йилдан 2015 йил август ойигача Мирзааҳмедов Комилжон, 2015 йил август ойидан 2016 йил март ойигача Раҳимжонов Аҳмаджон, 2016 йил март ойидан яна Мирзааҳмедов Комилжон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифаларида ишлаб келдилар.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари вазифасида ишлаганларнинг ҳаммаси ҳам Ватан учун, қишлоқ ҳаёти янада фаровон бўлиши учун, қишлоқдаги фермерлар, тадбиркорлар фаолияти ривожини учун, аҳоли осойишталигини йўлида астойдил хизмат қилдилар.

Қишлоқ совети раислари билан баробар ишлаган раис котиблари ҳам ўз меҳнатлари билан аҳоли фаровонлигига катта ҳисса қўшдилар.

1945 йилдан бошлаб, урушдан келгач, Ворошилов қишлоқ совети котиби бўлиб ишлаган Юлдашев Эргаш домла шу соҳада кўп йиллар фаолият юритди. 1956 – 1957 йилларда шаҳар типидagi Хос қишлоғини қишлоққа айлантириб, қишлоқ кўчаларини қайта таъмирлаб, кўча ёнларидан 15 сотихдан жамоа хўжалиги аъзоларига томорқа ажратиб, қишлоқни қайта қуришга бош-қош бўлган.

Мелибоев Деҳқонбой 16 йил қишлоқ совети котиби бўлиб ишлаган, қишлоқни янада тараққий этишида, тўй-маъракаларни бошқаришда фаол иштирок этган. Унинг ишларидан қишлоқ аҳолиси мамнун эди. Ҳурмат ва иззат кўриб, кўп йиллар хизмат қилди.

Қишлоқ совети котибларидан Деҳқонбоев Раҳматжон ҳам кўп йиллар сидқидилдан иш олиб борди.

Мустақиллик даврида шу соҳага масъулият билан ёндашиб, ўз ишининг билимдони сифатида қишлоқ фуқаролар йиғини котиби бўлиб 1999 йилдан бери ишлаб келаётган Раҳимжонов Алижон кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборидадир. У Хос ва Тақачи қишлоғи бўйича фаол иш олиб бориб, халққа ҳукумат томонидан чиқарилаётган қонунларни тарғибот қилишда, уларни ҳаётга татбиқ этишда жуда фаолдир.

ХОС ҚИШАОҒИДАГИ МАКТАБЛАР ҲАҚИДА

*Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Катра-қатра йигилиб дарё бўлур.*

Ўзбек халқ мақоли

*Жаҳонда илму фаннинг кони мактаб,
Туганмас кони бепоёни мактаб.
Муҳаббат қилма кам илму ҳунарга,
Ширин жон бирла тенг жонони мактаб.
Вужудни илм ила гавҳар қилурга,
Қидирса чоралар имкони мактаб.
Тўлиғ илму адаб олмоққа аввал,
Кишининг гайрату виждони мактаб.
Азиз ёшлар учун ёшлик ганимат,
Билимсизнинг армони бўлур мактаб.*

Мактаб – маориф иши ҳар бир мамлакатда ва турли замонларда ҳам халқнинг, миллатнинг қай даражада ривожланганлигини кўрсатиб турувчи омиллардан бири ҳисобланган.

1921 йилда қишлоқда биринчи мактаб ташкил қилинган. У жаҳид мактаби деб аталган. Унинг ташаббускори Жиянов Сотиболди бўлган. Бу мактабда 21 нафар ўқувчи ўқиган. С.Жиянов ўзи ўқитувчилик қилган. Мактаб биноси бўлмаганлиги сабабли Йўлдошев Қурбонбойнинг уйида 1921 – 1928 йилларга қадар болалар ўқитилган. 1929 – 1930 йилда мактаб бошланғич мактабга айлантирилган. Ўқиш лотин алифбосида олиб борилган.

1937 йилдан бошлаб мактаб тўлиқсиз ўрта мактаб (7 синф) бўлган. Унга Қўшматов Абдумалик директорлик қилган. Иккинчи жаҳон

уруши бошланиши муносабати билан 1942 йилда директор Қўшматов Абдумалик армияга сафарбар этилади.

1942 йилдан мактаб директори вазифасида Қўшматов Абдуманнон 1944 йилгача ишлайди.

1944 йилда армиядан қайтиб келган Қўшматов Абдумалик яна мактаб директори вазифасида фаолият бошлайди. У вақтда мактаб 1- ва 2-синф ҳозирги Абдулазизов Абдурасулнинг уйи ўрнида эди. 3-синфдан бошлаб эски масжид биноси ўрнига мактаб ташкил қилинган эди, шу ерда болалар ўқитилган. У киши 1950 йилгача мактаб директори бўлиб ишлади.

1951 йилдан бошлаб 25-тўлиқсиз ўрта мактабга Тошкентдан Ибрагимов Маҳмуд келиб директорлик қилди. У мактаб жиҳозлари ва ободончилигига жиддий эътибор берди. Тўлиқсиз ўрта мактаб ўрта мактаб сифатида фаолият юрита бошлади. Мактаб 1953 – 1954 ўқув йилида ўрта мактаб мақомини олди. 1956 йилда биринчи мартаба 10-синфни битирувчилар аттестат олдилар.

1956 йилда қўшни Сретенко қишлоғидан Умаров Ҳамдам Саттарович келиб директорлик қилди.

1959 – 1961 йилда Холботирова Муборак Сретенко қишлоғидан келиб директор вазифасида ишлади ва шу билан бирга химиядан дарс берди.

1962 – 1963 йилда хослик, шу мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Қўзибоев Тожиқул директор лавозимида фаолият олиб борди.

1963 – 1972 йилларда Ортиқов Бердиқул директор бўлиб ишлади.

1972 – 1978 йилларда Дадабоев Деҳқонбой директор вазифасида ишлади.

1978 – 1980 йилларда Бекобод шаҳридан келган Нурматова Муҳаббат директор лавозимида ишлади.

1980 – 1990 йилларда шу мактабнинг тарих ўқитувчиси Абдураҳмонов Турсунбой мактабда директор вазифасида ишлади. Мактабни ҳар томонлама ривожлантирди, ўқувчиларнинг билим савияси, ўқитувчиларнинг тартиб-интизоми ва билими, дарс бериши талаб даражасига етказилди. Мактабни тумандаги мактаблар ичида энг намунали мактаб даражасига олиб чиқди. Шу даврда мактабда 1150 нафар ўқувчи ўқир эди. 100дан ортиқ ўқитувчи ва тарбиячилар фаолият юритган.

1991 – 1992 йилда Ортиқов Бердиқул директор бўлиб ишлади.

1992 – 1995 йилларда Маматқулов Валижон мактабга директорлик қилди.

1996 – 1997 ўқув йилида яна Абдураҳмонов Турсунбой директор бўлди.

1997 – 1999 йилларда Тожибоев Собиржон мактабда директор вазифасида ишлади.

1999 йилдан бери Ҳамид Олимжон номли 38-мактабга Тожибоев Юсуфжон директор бўлиб фаолият юритиб келмоқда. 2004 йилдан бошлаб мактаблар яна 9 йилликка айлантирилди.

Мактабдаги барча ўқитувчилар Хос қишлоғининг ўғил-қизларига билим ва тарбия бердилар.

Ўқитувчилар орасида сидқидилдан, виждонан, самарали ва намунали ишлаганлари ҳам

оз эмас. Жумладан, тил ва адабиёт ўқитувчиси Қўзибоев Тожиқул, математика ўқитувчилари Қамбаров Турдали, Низаев Салоҳиддин, тарих ўқитувчиси Тошматов Худойберган, биология ўқитувчиси, Халқ маорифи аълочиси Зокиров Қодирқул, тарих ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Абдурахмонов Турсунбой, Қўшматов Маматқул, Тошматов Умрқул, Ҳакимбоев Жаҳонгир, Дадобоев Деҳқонбой, Қўшмуродов Тоҳир, Умаров Фозилжон каби ўқитувчиларнинг меҳнати туфайли ўқувчилар олий ўқув юртларига ўқишга кириб, олий маълумотли мутахассис бўлиб, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Илм берган устозларига ўз миннатдорчилигини меҳнати орқали билдириб келмоқдалар.

Жумладан, Хос қишлоқ мактабида дастлабки билим ва тарбия олиб, олий ўқув юртларида мутахассислик илмини эгаллаб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида, бошқа туман, шаҳарларда ишлаб, давлатимиз равнақи йўлида фидойи инсонлар сифатида фаолият олиб бораётганлар ҳам анчагина.

Жумладан:

Қамбаров Шухрат – УМЗ, ОТЗ бошлиғи.

Ҳайдаров Нурмуҳаммад – УМЗ, бўлим бошлиғи.

Ҳайдаров Низомжон – инженер.

Ҳайдаров Аъзамжон – Тошкентда инженер, энергетик

Каримбоев Маҳмуд – савдо ходими.

Хўжамов Худойберди – ИИБ, подполковник.

Қўшматов Эшонқул – ўқитувчи.

Қўшматов Юсуфжон – УМЗ, граждан мудро-
фааси бўлими бошлиғи.

Усмонов Каримқул – ўқитувчи.

Назарқулов Маматқул – ўқитувчи.

Миразимов Турсунбой – ўқитувчи.

Анорқулов Мирзаолим – шаҳарда суғурта
бўлими бошлиғи.

Абдухолиқов Маҳмуд – юридик фанлари
номзоди.

Холиқулов Бегимқул – халқ таълими соҳаси-
да, бўлим бошлиғи.

Ҳасанов Алибой – ҳисобчи, ўқитувчи

Қамбаров Мансур – инженер, алоқачи.

Раҳимов Ориф – ПМК бошлиғи, фирма раҳ-
бари.

Донобоев Турсунбой – солиқ инспекцияси
бошлиғи.

Худоёров Сувонқул – юрист, адвокат.

Абдураҳимов Нурилла – ўқутувчи.

Дехқонов Яқуб – ИИБ, подполковник.

Қурбонов Тўхливой – ўқитувчи.

Хидиралиев Аҳмадали – ўқитувчи.

Абдухолиқов Абдугани – чет давлатда ўқи-
тувчи.

Шукуралиев Азимжон – ИИБ, майор.

Нуралиев Аҳмадали – маданият ходими.

Абдукаримов Ботир – солиқ инспекцияси
ходими.

Дўсматов Тоҳир – солиқ инспекцияси ходи-
ми.

Тошматов Сувонқул – вокзал бошлиғи.

Пирматова Ҳурматой – врач.

Хидиралиева Мунаввар – врач.

Абдувоҳидова Зулхумор – врач.

Ҳайдарова Доно – врач.

Жўраев Нуъмон – врач.

Қўшматов Иброҳим – врач.

Дадабоев Улуғбек – врач.

Қўзибоев Отабек – врач, поликлиника мудири.

Бегматов Мамир – УМЗ, бўлим бошлиғи.

Анорқулов Алиқул – савдо ходими.

Умаров Комилжон – савдо ходими.

Абдулазизов Абдурасул – умумий овқатланиш бўлим бошлиғи.

Нуралиев Гавҳарали – солиқ бўлими, мутахассис.

Султонқулов Сувонқул – савдо ходими.

Қўзибоев Улуғбек – шаҳар халқ таълимида бўлим бошлиғи.

Бўтабоев Мамадиёр – рассом.

Қўзибоев Жабборқул – ўқитувчи.

Абдуназаров Рўзибой – ўқитувчи.

Худойбердиева Қўйсинай – ўқитувчи.

Абдурахимова Мамлакат – ўқитувчи.

Жўраева Ҳайитбуви – ўқитувчи.

Абдулазизова Ўғилжон – ўқитувчи.

Мухторова Анора – молиячи, ҳисобчи.

Булардан ташқари яна юзлаб мутахассислар турли жабҳаларда фидокорона фаолият кўрсатмоқдалар.

ДИНГА МУНОСАБАТ

Шўро тузуми даврига қадар араб алифбоси асосида мактаблар очилганлиги тарихдан маълум. Араб алифбосида Қўзибой оқсоқолнинг, мулла Шаимбердининг ва Раҳмонқул Султоновнинг уйида очилган мактабларда ўқитилганлиги, мулла Шокир домла болаларга билим бергани ҳақида тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган.

Юқорида номлари келтирилган домлалар XVII асрларда кўплаб етишгани, улар ҳақиқий билимга эга бўлганлиги, уларидида қоп-қоп араб алифбосидаги китоблар борлигини қишлоқ аҳли жуда яхши билар эди. Улар шўро даврига қадар сақланиб келинган. Шўро даврининг таъқиби натижасида кўплаб китоблар ёқиб юборилди, айримлари кўмиб ташланган. Чунки уйда арабча ёзувдаги китоб топилса, уй эгаси қамалган.

Хос қишлоғида XVII асрда 2 та масжид қурилганлиги ота-боболаримиз томонидан изоҳлаб келинган. 1-масжид Авазхон ҳожи бошчилигида Қорақўз ойим исми аёлнинг ўғиллари: Тошмат сўфи, Эшмат сўфи, Нормат сўфи, Оймат сўфи ва Нурмат сўфи томонидан қурилган экан. Масжид олдида катта ҳовуз, ҳаммом ва таҳоратхона бўлган.

Олд-ён томонида сўфи азон чақирадиган баланд сағана ҳам қурилган. Бу масжидни ўша даврнинг билимдон домлаларидан бўлган Авазхон бош бўлиб қурдирган экан.

Масжид қўш синчли, деворининг қалинлиги ҳам 70-80 см, шифти васса-жуфтли, тўсинла-

ри ва устуни ўймакорлик билан ишлов берилган, нақшли ва араб ёзувида ҳикматли сўзлар ёзилган эди. Бу масжид ҳозирги даврга қадар сақланган бўлиб, аммо шўро даврида намоз ўқишга рухсат берилмай, тақиқлаб қўйилган эди. Фақат ҳайит намозлари ўқилар эди.

Масжид устунлари, тўсинидаги ўймакор нақшлар, эшик ва деразаларга ўймакорлик билан нақш берилганлиги ўша даврда ҳам ана шундай усталар Хос қишлоғида бўлганлигини билдиради. Ундан ташқари кўпчилик одамларнинг уйларидаги деразалари ўймакорлик нақшлари билан ишланганлиги сўзимизнинг исботидир.

2-масжид эса қишлоқ ичидан ўтган катта йўл бўйига қурилган. Масжид қурилишига ўша даврнинг бойларидан бўлган Эшматбой бошчилик қилган. Эшматбойнинг ўғли мулла Қўшмат шу масжидга имомлик қилган экан. Бу масжид кейинчалик шўролар даврига келиб ўрта мактабга айлантирилди. Қишлоқ ёшлари шу мактабда билим олиб, 10-синфни тамомлаганлар. Кейинчалик бу бино ҳам бузилиб, ўрнига ҳаммом қурилган.

Шўро тузуми ҳукмронлик қилган даврда мусулмонларнинг диний эътиқодини, урф-одатларини йўққа чиқаришга, миллийлигимизни таҳқирлашга, тўй-маросимларимизни қилдирмасликка уриниб келинган, масжидлар ёпиб ташланган. Туман бўйича (130000 аҳолига) битта масжидгагина рухсат этилган эди холос.

Лекин шундай чекланишларга қарамай, масжид ҳанузгача сақланиб келинди.

Ўзбекистонимиз мустақил бўлгач, мусурмонларга намоз ўқишга рухсат этилди, масжидлар қайта таъмирланди. Кўпгина янги масжидлар қурилди.

Мустақиллик йилларининг илк даврида масжидга Қамбаров Турдиали имомлик қилиб, қишлоқ қарияларини, намозхонларни жалб қилиб, бемалол намоз ўқий бошладилар.

1991 – 1993 йилларда Усмонов Айнақул масжидда имомлик қилган.

1993 – 1995 йиллар мобайнида Зокиров Муҳаммаджон имом бўлиб ишлади.

1996 йилдан яна Қамбаров Турдиали имомлик қилиб, масжидни расмийлаштириш ишлари билан шуғулланди.

Давлатимиз томонидан намозхонлар учун аҳоли зич жойлашган қишлоқларда масжид очишга имкон берилди. Шу асосда Хос қишлоғидан ҳам 110 нафар кишининг илтимосномасига асосан, маҳаллий ҳокимиятнинг розилиги билан республика мусурмонлар идорасига ҳужжатлар юборилган.

1998 йил 10 августда Хос жоме масжидида таъсис мажлиси баёнида масжид имоми Қамбаров Турдиали, ноиб Тошматов Умирқул ва мутавалли Аллабердиев Холиқбердилар саъй-ҳаракати билан ҳужжатлар тайёрланган.

Хос жамоаси жоме масжиди 1998 йил 14 августда №1219-рақам билан Ўзбекистон мусурмонлар идораси бошқармасида рўйхатдан ўтказилди. Ҳужжатни Ўзбекистон мусурмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов имзолаган.

Шу тариқа Хос жоме масжиди қонуний ҳуқуққа эга бўлди.

Қамбаров Турдиали 2000 йилга қадар ишлади.

2001 – 2003 йилларда масжидга Тошматов Умирқул имомлик қилди.

2004 – 2006 йилларда Оқмирзаев Ёдгор имомлик қилди.

2006 йил ноябр ойидан бошлаб Бекобод шаҳрилик Арабистонда ўқиб келган Баҳодиров Абдували имомлик қилди. У жуда билимдон имом эди. Мутавалли – Ўришбоев Мамирқул (инженер) билан биргаликда масжидга замонавий таҳоратхоналар, душ иссиқ ва совуқ сув билан таъминланишда бош-қош бўлдилар.

Хос қишлоғидаги XVII асрда қурилган масжид биноси бироз ёрилиб, нураб қолганлиги сабабли, уни бузиб, ўрнига янги масжид қурилиши масалалари кўтарилди. Шундай қилиб, 2007 йил 25 мартда Хос жоме масжидида мажлис қарори билан эски масжидни бузишга қарор қилинди ва масжид ҳашар йўли билан бузилди.

Намозхонлар катта йўл бўйидаги илгари хўжалик моллари дўкони бўлган бир бинога кўчирилди, намозни шу ерда вақтинча ўқиб турилди.

Янги масжидни қуришда кўпчиликнинг фикр-мулоҳазаси ўрганилиб, унинг чизмалари, сметалари қилинди.

Янги масжид чизмаси: узунлиги – 21 метр, эни – 17 метр ва баландлиги 25 метр бўлиб, шундан гумбази 15 метрни ташкил қилади. Ичида 15 метр узунликда, эни 5 метрли айвони ҳам бор. Масжид майдони 0,7 гектар бўлиб, бинонинг ўрни 0,02 гектар белгиланди.

Бу масжид қурилишида имом Баҳодиров Абдували, мутавалли Ўришов Мамирқул, Қамбаров Турдиали, Тошматов Умрқул, Зокиров Қодирқул, Аллабердиев Холиқберди, Ҳайдаров Абдуали ҳожи, Турсунбоев Абдуқодир ҳожи, Абдураҳимов Нарзулла, Худоёров Жаббор, Худоёров Сувонқул, Омонов Аҳмад, Шукуров Холбой ҳожи, Қўзибоев Авазбек ҳожи, Ҳасанов Алибой, Қосимов Абдунаби кабилар фаол иштирок этганлар.

Бу қурилишда уста Омонов Аҳмад бошчилигида жуда кўплаб усталар ва ҳашарчилар иштирок этдилар. Хос қишлоғидан ғишт терувчилар, бетончилар, ёғоч усталари, наққошлар, электриклар, сувоқчилар, дурадгор усталар, оддий ишчилар ҳам қатнашиб, қурилишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Халқ ҳам қараб турмасдан, иложи борича маблағлари ёки қурилиш материаллари билан ёрдам бердилар.

Масжид қурилиши 2007 йил ёзидан бошланиб, пойдеворидан тортиб, бетон ишлари, девор кўтаришлар, арматура, ғишт терувчилар, плита келтириш ва уларни жойига ўрнатиш, устунини, томини, қуббасини ёпиш ишларида қишлоқ аҳли ҳам жонбозлик кўрсатиб, кечаю кундуз ишлар қизгин олиб борилди.

2010 йил ёзигача Баҳодиров Абдували имом бўлиб ишлади.

2010 йил ёзидан Раҳимжонов Каримжон имом вазифасида иш бошлади.

Қурилиш ишлари анча сусайиб колган эди. Имом Каримжон масжид жамоаси билан биргаликда қурилишнинг чала жойларини битказиш, атрофларини ободонлаштириш

ишларига, масжид ичидаги балкон қурилиши, жиҳозлаш ишларидаги камчиликларни тугатишга анча маблағлар кераклиги кўриб чиқилди ва халққа мурожаат қилинди. Халқнинг саъй-ҳаракати, уларнинг ёрдами билан бу камчиликлар тезда, қисқа муддатда тузатилди. Бу ишларда имом Каримжон ва мутавалли Тоҳиржоннинг ҳиссалари каттадир. Намоз ўқиш катта йўл бўйидаги хўжалик моллари дўкони биносидан янги масжидга кўчирилди.

Раҳимжонов Каримжон 2012 йил май ойига қадар имомлик қилди.

2012 йил май ойидан имом бўлиб Норқулов Зикриё – Тошкент Ислон университети-ни тамомлаган домла келди, мутавалли вазифасига Қўшмуродов Тоҳиржон тайинланди. Масжид ичида балкон, унга чиқадиган зиналар, масжидга киришда оёқ кийим ечадиган алоҳида жойлар қилинди.

Масжид имоми учун алоҳида хона, ноиб, мутавалли ва келиб кутиб ўтирадиганлар учун алоҳида хоналар ажратилди. Ҳовли атрофлари ободонлаштирилди, кўкаламзорлаштирилди.

* * *

Ҳар йили баҳор ойларида миллий қадриятларимиздан бўлган – Наврўз байрами – янги кун бошланиши билан халқимиз бободехқон меҳнати самарали ва ҳосил мўл бўлсин деб Аллоҳдан сўраб, «Дарвешона» удумини ўтқаздилар. Шунда қўй ёки новвос сўйиб, халққа ош тарқатилади, қабристонлар тозаланади, ободончилик ишлари амалга оширилади.

Бу удум ота-боболаримиз даврида «Дарвешона» деб азал-азалдан ўтказиб келинмоқда.

Қадимдан тўй маросимлари ўзбек халқининг асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келатган энг яхши удумлари ҳисобланади.

Тўй қавму қариндошлар, дўст-биродарларнинг дийдор кўришиши бўлиб, қувонч, шодлик билан ўтказилади. Карнай-сурнайлар билан, таниқли санъаткорлар иштирокида базму жамшидлар ўтади. Тўй қилиш азалдан ҳар бир хонадоннинг орзусидир.

Тўй-маъракаларнинг бошида домла-муллар дуо-фотиҳа қилиб, ўтганларнинг руҳларига дуо ўқиб, қолганларга сабр-бардош ва топганларига барака, ўзларига соғлик-саломатлик тилаб фотиҳа ўқийдилар.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИ

Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан аввал қишлоқда тиббий муассасалар бўлмаган. Жамоа хўжаликларидаги тиббиёт ходимлари аҳоли саломатлигини сақлаш учун далама-дала юриб, касал бўлганларга тегишли дори-дармонлар беришган. Аллабердиев Холиқберди ўша даврларда шундай вазифани бажарган. Касал бўлганлар эса Бекобод шаҳарига бориб даволанганлар.

Урушдан кейинги йилларда Хос қишлоғида тиббий пункт очилиб, унга ҳамшира Екатерина Петровна ва унга ёрдамчи бўлиб Фотима Сафина иш олиб бордилар.

Улар 1958 йилларгача ишладилар. Шу йили тиббий пунктга яна битта штат берилиб, унда рус қизи Лилия доя бўлиб ишлади.

Касал бўлиб қолганлар шу ходимлар орқали туман касалхонасига ёки шаҳар врачлар кўригига олиб борилар эди.

Кейинчалик алоҳида тиббий пункт очилиб, унга мутахассислар келиб ишлай бошлади. 1971 йилда Хос қишлоғилик фельдшер Аллабердиев Расулберди шу ерда узоқ йиллар ишлади. У жуда билимли, сезгир, ҳар қандай касалга даво топишга ҳаракат қила оладиган фельдшер эди.

1988 йил 30 декабрда амбулатория очилиб, тиббий хизмат фаолияти кенгайтирилди. Қўшимча штатлар ажратилди, уйма-уй юрадиган ҳамширалар сони ортди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди.

Хос қишлоғида врачлик амбулаториясини очишда шу қишлоқда яшовчи врач-стоматолог Пирматова Ҳурматой ташкилотчилик қилди. Алоҳида бино, қулай шарт-шароитлар, жиҳозлар олиб келиниб, стационар шароитида даволанадиган имкониятлар яратилди. Бу ерда ишлаш учун 4 та врач ва 12 та тиббий ходим штатлари очилди. Тегишли кадрлар билан тўлдирилади. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланди.

Бош врач Пирматова Х. нинг хизматлари элга манзур бўлиб, қишлоқ аҳли узоқ йиллар мобайнида ундан миннатдор бўлди. У 1994 йилгача ишлаб, кейин врач Холмирзаев Иномжонга ўз ишини топшириб, туман шифохонасига ўтиб кетди.

1994 йилдан Холмирзаев И. бош врач лавозимида иш олиб борди. У кўп ишламай, ўз вазифасини 1995 йилда Абдуназарова Мавжудага топширди. У ҳам 1997 йилгача бош врач вазифасида фаолият олиб борди.

1997 йилдан Хос қишлоқ амбулаторияси бош врачлари бўлиб Деҳқонбоев Мўмин Маҳкамovich (олдин Бекобод шаҳар бош врачлари бўлиб ишлаган) иш бошлади.

У тажрибали, ишбилармон, талабчан эди. Амбулаторияни врачлик тиббиёт пунктига айлантирди. Қўшимча штатлар, жиҳозлар олиб келиб, хоналарни янги тиббий жиҳозлар билан таъминлади. Жамоа хўжалигининг икки қаватли маъмурий биноси тиббиёт ходимлари ихтиёрига берилди. Бинони қўшимча хоналар билан кенгайтириб, тиббий хизмат шароити

яхшиланди. Врачлик лавозими 5 тага, тиббий ходимлар 24 тага етказилди, шундан 6 таси уйма-уй юрадиган потранаж ҳамшира бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатиш яхшиланди.

Деҳқонбоев М. қишлоқ врачлик пунктига кўплаб тиббий аппаратлар ва ускуналар олиб келиб, муассаса шароитини яхшилади, бино атрофларини кўкаламлаштиришга жиддий эътибор бериб, ҳудудни арчазорга айлантирди, беморлар кун бўйи ётиб даволаниши учун етарли шароит яратилди.

Ҳозирги кунда қишлоқ врачлик пункти хизмати учун енгил автомашина ажратилган. Қишлоқ аҳолиси тиббий хизматдан мамнун. Ҳозирги кунда Хос қишлоғида 1420 та хонадон, 7250 нафар аҳоли қишлоқ врачлик пунктида даволаниш учун рўйхатда туради, шулардан 2350 таси 17 ёшгача бўлган ёшларни ташкил қилади. Хос шаҳарчасидаги 38-мактаб ўқувчилари 913 нафардир. Уларнинг саломатлигини мунтазам назорат қилиш, профилактика ишлари ва даволаш каби тадбирлар шу қишлоқ врачлик пункти ходимлари зиммасидадир. Бу ерда 5 та олий маълумотли, шулардан 3 таси олий тоифали ва 2 таси 1-категорияли врачлар фаолият олиб боради. Тиббиёт ҳамширалари ҳам етарли билим ва тажрибага эга.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИГИ ВА РАВНАҚИ

Собиқ иттифоқ даврининг ҳам ўзига яраша қонун ва қоидалари, тартиб ва интизомлари бўлган. 72 йил халқимиз шу қонунларга бўйсуниб яшади, ижод этди. Халқ учун бу давр ўзига хос қийинчиликлар туғдирган бўлса-да, илм олиб мутахассис бўлиб ишлаганлар ўша вақтда ҳам ёмон яшамаганлар. Лекин миллий республикаларга нисбатан камситишлар, уларнинг ривожланишига нисбатан тўсиқлар, равнақини кўра олмасликлар ва рус миллатини устун қўйиш сезилиб турган.

Масалан, Хос қишлоғидаги мактаб газлаштирилди. Аммо газни улашда Москва тасдиқламагунча у ёқилмади. Шунингдек, ҳар бир қурилиш иншооти чизмаси фақат Москва руҳсати билан амалга оширилар эди.

Ўзбек халқи чидамли, матонатли халқдир. Иттифоқ даврида спорт соҳасида Ўзбекистондан бокс бўйича Руфат Рихсиев, шахмат бўйича Муҳиддинов чемпион бўлганини биламиз.

Мустақиллик даврида эса Ўзбекистондан 1000 дан ортиқ спорт чемпионлари жаҳон ареналарида қатнашиб, Ўзбекистон бутун дунёга танилди.

Иттифоқ даврида аҳолининг яшаш тарзи ҳам гўё бинойидек эди-ю, аммо қанча-қанча ҳуқуқлари чекланган эди. Масалан, бир хўжаликка 8, 12 ёки 15 сотих ер бириктирилган эди. Агар ортиқча экилган сотих аниқланса, ҳамма сотихлар қўшилиб, 3 йили ҳисобланиб, икки баравар қилиб солиқ ундириш қонуни бор эди.

Қишлоқда яшаётган хўжаликлар учун чорва ҳайвонлари боқиш чекланган миқдорда эди. Битта хўжаликка 1 та сигир, 6 ойликкача бўлган бузоғи билан ва 2 ёшгача тана норма эди. 10 бошгача она-бола қўй-эчки, 1 бош она чўчқа болалари боқиш мумкин эди. Товуққа меъёр йўқ эди. От, туя сақлаш мумкин эмас эди. От, туяларни яйлов жойларда боқишга рухсат этилган. Агарда белгиланган меъёр ортиқ чорва ҳайвонлари сақланса, қонунни бузганликда айбланиб, ошиқча уй ҳайвонлари бир ойдан сўнг давлатга топширилар эди ва ярим нархи эгасига, қолган ярим нархи давлат бюджетига туширилар эди.

Хўжаликда фарзандлари уйланмасдан аввал ўғилларига уй-жой куриш учун ер майдони берилмас эди. Ўзини уйи бўлатуриб, бошқа жойдан уй олиш мумкин эмас эди. Шу ўринда бир воқеани ҳикоя қилмоқчиман. Бу бўлган воқеа: туман марказий касалхонасида терапия бўлимининг бош шифокорини туман партия бюросида бир соатдан ортиқ муҳокама қилинди. Унинг хотини ҳам врач эди. 4 ўғил ва 1 қизи вояга етган. У киши яшаётган уйи жуда торлиги, шароит йўқлигини ёзиб, уй олишга ариза бериб қўйган. Яқин атрофдаги бир уйдан эгаси кўчиб кетган. Врач шу уй бўшаганлигини билгач, уйга кириб олган. Сен рухсатсиз кирдинг деб, шароитини эътиборга олмасдан, у кишини партия сафидан ўчириб, терапия бўлими бошлиғи вазифасидан озод этишган. У оддий врач бўлиб ишлади, лекин умрининг охиригача бу ноҳақликдан норози бўлиб ўтди...

Иттифоқ даврида ҳунармандчилик, устачилик билан шуғулланишга рухсат берилмас эди. Ҳунармандчилик, дурадгорчилик билан фақат нафақадагилар ва ногиронлар машғул бўлиши мумкин эди.

Одамлар автомашина сотиб олиши учун йиллик даромадини, меросни, ютуқ пулларини, банкдаги пулларини, томорқа ери ва молларини кўрсатиб, декларация тўлдирар эди. Уни молия бўлимига топширишар эди. Молия бўлими декларациянинг тўғри-нотўғрилигини текшириб, тўғри бўлсагина уни тасдиқлаб берар эди. Шундан кейин машинага рухсат берилар эди.

Мустақиллик даврида халққа чексиз имкониятлар берилди.

Одамларнинг яшаш тарзи мутлақо ўзгарди. Ҳурматли Биринчи Президентимизнинг фармони билан мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ҳар бир хўжаликка 0,25 гектардан томорқа ери ажратиб берилди, имконият даражада чорва моллари, ҳатто чорва учун банкдан кредит ҳам доимий бериб келинмоқда. 50-100 тадан ошиқ қўй-эчки, 20-30 тадан қорамол, 7-8 тадан оти борлар кўпайиб кетди.

Аҳолига уй-жой қуриш учун шароитлар яратилмоқда, кредитлар ажратилмоқда. Натижада одамлар 2-3 қаватли турар жойлар, маиший объектлар, магазинлар қуриш имконига эга бўлдилар.

Ўзбек халқининг ҳунармандчилик ишларини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилди. Бу имкониятлардан фойдаланаётган халқимиз шахдам қадамлар билан ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонимиз мана 25 йил ичида ҳам-ма-ҳамма соҳаларда дунёга танилиб, энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олди.

Биргина бизнинг Хос қишлоғи ҳақида ёзадиган бўлсак, мустақиллик кенг имкониятлар эшигини очди. Одамлар 2-3 қаватли уйлар, магазинлар қураяпти.

Ҳамқишлоқларимизнинг деярли кўпчилигида 3-4 тадан автомашинаси, кўша-кўша магазин, кўплаб чорва-моллари бор, ҳар бир хонадонда 2-3 тадан телевизор, компьютер, видеомагнитофон, кир ювиш машиналари, микротўлқинли печлар бор, замонавий ошхона ва ҳаммомга эга бўлмоқдалар.

Айниқса, қишлоқ ёшлари ҳунармандчилик, дурадгорлик, нақш берувчи моҳир қурувчиликка берилиб кетган. Хос қишлоғида ёш қурувчи, усталар бошқа шаҳарларга ҳам бориб, ўз ҳунарини намойиш этмоқда.

Хос қишлоғининг кўчалари ҳам равон, кенг. Йўл четлари гуллар, дарахтлар билан обод қилинган.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, фуқаролар учун қулай шароит яратиш уларнинг турмуш тарзини мунтазам яхшилаб боришга ижобий таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида аҳоли яшаш манзилларида шаҳарсозлик талабларига мос келадиган муҳандислик, транспорт, коммуникация тармоқларини такомиллаштириш эҳтиёжларини туғдиради. Бу талаблар эса қишлоққа шаҳарча мақоми берилгандан сўнг амалга оширилади.

2009 йил 13 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон

Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №68-қарори қабул қилинди.

Шу асосда Тошкент вилояти ҳокимлигининг 2009 йил 17 апрелдаги №91-қарори ва Бекобод тумани ҳокимлигининг 2009 йил 24 апрелдаги №139-қарори мутаносиб қабул қилинган.

Мазкур қарорга асосан Республикамиздаги кўплаб аҳоли яшаш манзиллари қатори туманимиздаги 4 та аҳоли пунктига ҳам шаҳарча мақоми берилди. Улар: «Бобур», «Янгибозор», «Хос» ва «Кўркам» аҳоли пунктлари бўлиб, улар бундан буён барча манбаларда «Шаҳарча» деб юритилиши лозим. Шулардан бири «Хос» ва «Ёшлик» маҳалла фуқаролари қишлоқлари шаҳарча мақомига эга бўлди.

Шу қарорга асосан шаҳар типидagi поселкаларга тегишли қатор имтиёзлар, ўзгаришлар амалга оширилади.

Хос қишлоғида 624 ўринли мактаб, спорт заллари, 400 ўринли тўйхона, 200 ўринли ҳашаматли чойхона ва тўйхона, 22 та магазин, катта масжид, 4 та сартарошхона, кичик футбол майдони, қишлоқ врачлик пункти, новвойхона, ошхона каби маиший тармоқлар халққа хизмат қилмоқда.

Хос шаҳарчасида ҳозирги вақтда 1500 дан ортиқ хўжалик яшайди ва аҳолиси 8000 га яқин.

Хос шаҳарчаси газ ва электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. Халқимизга яратилган бундай шароитдан миннатдор бўлган шаҳарча аҳолиси сидқидилдан меҳнат қилиб, юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

ҚИШЛОҚ ТҮЙЛАРИ ҲАҚИДА

1950 йилларда қишлоқ ҳаёти ва турмуш тарзида ҳам ўзига хос ўзгаришлар бўла бошладди. Қишлоқда тўйлар ҳам кўпайди.

Хос қишлоғида ҳам кўплаб курашчи полвонлар етишиб чиққан. Тўйлар доимо кураш, улоқ ва ёшларга оид турли ўйинлар билан ўтказилган.

Ёшлар қулоқ чўзма, қозиқ, эшакминди, ланка тепиш, чиллак, муштум шапалоқ каби ўйинларни ўйнаганлар.

1950 йилларда ўғил тўйларини ўтказиш одатлари қуйидагича эди: тўй қиладиган киши тўйдан бир ой олдин тайёргарликни бошларди. Ош учун гуручни бир ҳафта шолини ўғирларда янчиб тозалаб тайёрлаганлар. Ўчоққа ёқиш учун бир ҳафта чангал чопиб, ўтин тайёрланарди, қариндошлар ҳам ҳашар қилиб ёрдамлашишар эди. Тўйдан бир кун олдин қариндошларни чақириб, қариндош оши қилиб берилади. Иккинчи куни «Маслаҳат оши» деб, ҳамма қариндош-уруғлар айтилади. Уларга ош берилади, учинчи куни «қадим» деб қишлоқнинг оқсоқоллари, домлалар чақирилиб, эрта билан ош берилади, сарполар тарқатилади.

Куннинг иккинчи ярмида «Хотин оши»га қишлоқнинг ҳамма аёллари чақирилади ва ош берилади, сарполар тарқатилади.

Тўйга келган қариндош-уруғлар, ака-укалар, оғайнилар ўз хоҳишлари билан тўй эгасига турли миқдорда тўёна: пул ёки қўй, эчки, от, мол берадилар .

4-куни «Катта тўй» деб аталади. Бу катта тўйга эшикма-эшик юриб, ош ейиш учун лаган, тоғоралар йиғиб чиқилар эди, чунки ҳаммага баробар бирйўла ош тарқатишга идиш етишмас эди. Тўй бўлаётган ҳовлига шоли похол ёки ғўза поя тўшалиб, тўйга келганлар давра-давра бўлиб ўтириб, лаган ёки тоғораларда ош ейилар эди. У кунни қишлоқнинг барча эркаклари, болалар, мактаб ўқувчилари ҳам тўйга чақирилиб, иккита катта дошқозонда ош қилиниб, ҳаммага тарқатилар эди. Ана шу катта тўй кунни эрта тонгдан тўйхонага одамлар келиб кураш бошланади. Ҳар бир тўй курашсиз ўтмас эди. Тўйлар асосан қиш фаслида бўлар, ёз фаслида тўй қилишга жамоа хўжалиги раҳбарлари рухсат бермас эди.

Катталару болалар кураш тушиб, ғолиблар соврин олар эди. Кун бўйи ўйин-кулги бўлар эди. Ёшлар эса ўзларига мос: қулоқ чўзма ва бошқа ўйинлар билан машғул бўлар эди. Бойроқ инсонлар тўй қилса, албатта улоқ берар эди.

5-куни яна «Қариндош оши» бўлар ва унга яна тўйни эсон-омон ўтказиб олдингми, деб қариндошлар келар эди.

Қиз узатиш тўйларининг ҳам ўзига хос одатлари бўлган. Дастлаб йигит томондан эркаклар бориб (2-3 киши), розилик оқлиғии олиб келган. Ундан кейин унаштириш оши – «Кичик оши» деб аталган ош тайёрлаб, 4-5 эркак ва 4-5 аёл қиз томонга борадилар. Аёллар албатта ҳар бири катта-катта патнисларда ширинликлар, кийимлик матолар олиб боради. У ерда дуо-фотиҳа билан «Унаштириш оши» ўтказилади.

Ундан кейин анча вақтгача айримлар 4-5 йиллаб қудачилик қилганлар. Қудалар келишилган ҳолда «Катта оши» тўйини қилади. «Катта оши» тўйига куёв томонидан катта қозонда 16-20 кг гуруч дамлаб ош қилинади. 15-20 нафар эркак ва 15-20 нафар аёл биргаликда ошни замбилга солиб, кўтариб борар эдилар. Бунда ҳам аёллар 14-16 та катта саватда ширинликлар, нон-патирлар, қиз томонга қилинадиган сарполар олиб борадилар.

Қиз томон ҳам ўзларига тегишли қариндошуруғларини «Катта оши» тўйига айтадилар ва уни барча урф-одатларга амал қилиб ўтказадилар.

Ундан кейин тўйга тайёргарлик кўра бошлайдилар.

Тўй ўтказишдан олдин қиз томонга йигит томонидан вакиллар бориб, махсус совғалар беришган ва бу «тўй бериш» деб аталган. Ўша даврда бир бош новвос, 50-60 кг гуруч, 2-3 қоп ун, 50-100 та нон, 10-15 кг оқ ёғ, патир нонлар, бир қоп сабзи, ўтин, қуруқ чой, қанд-ширинликлар, мева-чева, қовун-тарвуз (ёзда) кабилар ва «сут пули», «она ҳақи» деб маълум миқдорда пул ҳам берилган. Тўй харажатлари қиз томонга олиб борилгандан кейин эртасидан бошлаб қиз томонда тўйга тайёргарлик кўрилади. Қиз томондаги тўйни ўтказишда куёв томоннинг эркаклари хизмат қилган.

Кечга бориб қиз томонга мошова егани борилган. Чунки кечки овқатга (мошкичири) мошова қилинган. Кечки тўйга куёв ва куёв жўралари айтилиб, меҳмон қилинган. Келин-куёвни шу ерда никоҳлаб қўйилган.

Келинни куёв уйига кузатишдан олдин келинни паранжи, чимматга ўраб кийинтирилган.

Гулхан ёқилиб, келинни уч марта айлан-тирилиб, ёр-ёр айтилиб, катта момоси билан отга миндирилиб, ёр-ёрлар айтилиб, қизни куёвникига узатишган. Йигитнинг уйига етиб келганда яна гулхан ёқилиб, келинни отдан тушириб, яна уч марта оловни айлантириб, уйга олиб кирилган. Оловда айлантиришдан мақсад ҳар хил инс-жинслардан олов сақласин, келин-куёв қалблари оловдек иссиқ бўлсин деган ниятда қилинган.

Келин уйга кираётганида пойандоз солиб, ундан ўтказиб, чимилдиққа олиб кирилган, кейин шу қуни келиннинг яқинлари куёвникида ётиб қолган. Эртасига сеп ёйди удуми ўтказилиб, момолар кейин уйларига кетадилар. Шу тариқа тўйлар мароқли ва хушчақчақлик билан ўтар эди.

ХОС ҚИШЛОҒИНИНГ ПОЛВОНЛАРИ

Хос қишлоғида ўғил тўйлари албатта кураш билан ўтар эди. Тўйга бошқа қишлоқлардан ҳам курашчилар келганлар ва курашда қатнашганлар.

Шу сабабли Хос қишлоғида курашчи полвонлар кўп бўлган. Жумладан: Нуралиев Сайдали (Сайид полвон дер эди), Бердиқулов Умрқул полвон, Абдукаримов Шодмон, Маҳкамов Азимбой, Юсупалиев Хидирали каби донғи кетган курашчилар бошқа қишлоқ ва шаҳарларда ҳам курашларда қатнашиб келар эди. Буларнинг ҳар бири ўзига яраша кураш маҳоратига, техникасига эга бўлган. Жумладан, Бердиқулов Умрқул полвоннинг касби ўқитувчи. Уруш йилларида Фарҳод канали қурилишида иштирок этган.

Канал қазиш, тупроқни ташиш ишлари қўл кучи билан амалга оширилар эди. Кавланган тупроқлар ташқарига қоплаб ва замбилга солиб ташилар эди. Ана шундай оғир кунларнинг бирида Умрқул полвон катта жун қопга 200 килограммдан ортиқ келадиган тупроқни тўлдириб, орқасига кўтариб, 100-150 метр баландликка қиялаб чиқиб бораётганда Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсупов канал қурилишини кузатиб турган бўлади. У киши бу полвоннинг ҳаракатларидан завқланиб, у билан суҳбатлашади, унга раҳмат айтиб, бир жуфт костюм-шим ва фахрий ёрлиқ билан мукофотлайди.

Москвада чиқадиган «Огонёк» журналида ҳам Бердиқулов Умрқул полвоннинг юк кўтарган расми чиққан эди. Расм тагига «Ер қазиш

ишларида ҳар куни кунлик нормасини 500 % бажарган» – деб ёзиб қўйилган.

Нуралиев Сайдали (Сайид) полвон эса ўша даврнинг энг чаққон ва эпчил курашчиси бўлган. У киши уришганда қўли, оёғи ва боши баробар ишлар эди. У қишлоғимиздаги тўй ва бошқа маросимларнинг осойишта ўтишини таъминлаб турар эди. Унинг доврўғи атроф қишлоқлар, туман ва шаҳарларгача ҳам етиб борган эди. Ҳатто Қўқон, Андижон ва Тошкент шаҳарларидаги кўпчилик полвонларни танир ва улар билан дўстлашган эди.

Сайид полвон Янгийўл театрида ишлайди. Театр директори марфилонлик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Офтобхон Фаниевага уйланади. Шу ерда ишлаб, Тошкент театр ва рассомчилик институтига сиртдан ўқишга кириб, уни ҳам тамомлайди. Шу йилларда Янгийўлдаги драма театрига бошчилик қилади. Кейинчалик у Тошкент шаҳар эстрада театрида директор лавозимида 2 йил ишлайди.

1960 йилларда Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти Нов туманидаги драма театрида директор вазифасида узоқ йиллар ишлади ва шу ердан нафақага чиқиб, Хос қишлоғига кўчиб келган.

Қишлоқнинг бошқа курашчилари ҳам кўп-лаб шаҳар ва қишлоқларга бориб, турли беллашувларда қатнашиб юрар эдилар. Ҳар бир пловоннинг ўзига хос кураш усуллари бўлган.

Юқорида номлари келтириб ўтилган полвонларнинг давомчилари сифатида Қурбонов Қўзибой, Шукуров Холбой, Бўтабоев Эргаш каби

ёш курашчилар ҳам элга танилган курашчилар бўлиб етишган.

1970 – 1980 йилларда ёшлардан яна кўплаб полвонлар етишиб чиқди. Лекин бу полвонлар курашчилар эмас. Чунки бу йилларда тўйларда курашлар бўлмас эди. Шу сабабли курашчи полвонлар камайиб кетди.

Эндиги полвонлар спорт билан мунтазам шуғулланишади, полвонлик техникаларини эгаллашга ҳаракат қилишади, унинг сирларини чидамлилик билан ўрганмоқдалар.

Хос қишлоғида шундай полвонлар кўплаб етишиб чиқмоқда. Жумладан: Умрқул полвон Абдумажидов, Алижон полвон Анорқулов, Ҳошим полвон Маҳкамов, Маҳкамов Орифжон кабилар ўзларининг маҳоратлари, куч-қувватини намойиш қилиб, нафақат Хос қишлоғида, ҳатто бошқа туман, шаҳарларда ва вилоятларда ҳам танилган.

Алижон полвон тош кўтариш маҳорати билан халққа танилган. У кўтарган тошлар икки пудли бўлиб, у тошни қўлида айлантириб орқага ташлаш, бир бармоғи билан кўтариши, тиши билан бир неча тошларни кўтариб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

Ҳошим полвон Маҳкамов эса жуда чаққон, эпчил ва кучли бўлган. Тўйларда ва тадбирларда ўзининг полвонлигини тош кўтаришда, курашда ва бошқа соҳаларда намоен этган. Бу маҳорати билан туманда ва шаҳарда танилган полвон бўлиб, «Буш» лақаби билан машҳур эди.

Унинг яна битта жияни Маҳкамов Орифжон Олимжон ўғли ҳам полвонлар изидан бориб,

мунтазам машғулотлар билан шуғулланиб, полвонлик даражасига етишди. Тош кўтаришлар, темир занжирларни узиш, тракторни тортиб юргизиш каби полвонлик маҳоратини элга намоиш қилиш билан бирга ёш ҳаваскорларга полвонлик сирларини ўргатмоқда.

Хос қишлоғидан чиққан Умрқул полвон Абдумажидов тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

УМРҚУЛ ПОЛВОН АБДУМАЖИДОВ

Абдумажидов Умрқул 1950 йил 2 мартда Тошкент вилояти Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилган. У шу қишлоқдаги Ҳ. Олимжон номи 38-ўрта мактабнинг 8-синфини тамомлади. Онаси билан қолган 15 ёшли Умрқул онасига қарашиш мақсадида далада ишлади, трактор ҳайдади, у кеча-кундуз ишлаб, тракторларнинг оғир қисмларини ҳам қўлда кўтариб чиқиш юрди. Техникаларни таъмирлаш пайтида гаражда ҳам зилдек узатгич, радиатор, омоч, гусиницаларни бемалол кўтариб, ёрдам бериб, бу билан касбдошларининг мушкулани осон қилар эди.

У оиланинг иқтисодини юргизиш мақсадида меҳнатдан қочмади. Ҳатто Мирзачўлга ҳам бориб ишлаб, ўз кучини намоиш қила бошлади. У ерда ҳам бўш вақтларида тош кўтариш, тахтага мих уриб киргизиш, новвос билан олишув каби томошалар кўрсатиб, ўша ерда ишлаб юрганида полвон номини олишга эришди.

Абдумажидов Умрқул армия сафида ҳам кўп марта тенгдошлар билан беллашиб, голибликни эгаллаган. Унинг полвонлик маҳорати

ҳатто полк бўйича машҳур бўлган. Бир неча маротаба «Фахрий ёрлик» билан тақдирланган.

Умрқул полвон армиядан келгандан кейин ҳам шофёр бўлиб ишлаганда доимо 2 пудли тошларни, турли зил-замбил анжомларни машинада олиб юриб, тинмай машғулотлар қилиб турган.

Ушбу воқеани ҳалигача қишлоқдошлар эслаб юришади. Хос қишлоғидаги бир хонадон Сирдарёнинг чап соҳилидаги Навоий номли жамоа хўжалиги хонадонларининг бири билан қуда-андачилик қилиб тўй қилганда, у тўйга Умрқул полвон машинаси билан бориб, хизмат қилади, тўй иштирокчиларини кечаси тўйдан қайтишда машинаси кузовига тўлдириб олиб келаётганда қўшни Сретенко қишлоғи тўғрисида Сирдарёнинг саёзроқ суви кечувидан ўтаётганда машина сув ўртасида тўхтаб, ўчиб қолади. Машина сув тағидаги шағалга тиқилиб қолади. Шунда полвон сувга тушиб, машинани елкаси билан кўтариб олиб чиққан экан.

Умрқул полвон ўз устида ишлаб, полвонлик маҳоратини ошириб бориб, қишлоғимизда, туманда ва турли шаҳарларда ҳам халқ орасида танилиб борди. Бошқа шаҳарлардаги полвонлар билан ҳам танишиб, дўстлар орттирди. Жумладан, Фарғона водийсидан машҳур дорбоз Вали Рустамов, Қувадан Анвар полвон, Риштондан Мусо полвон, Фарғонадан Лочин полвон, Турсунали полвонлар билан дўстлашди.

У 8 та 2 пудли тошни занжирга боғлаб, лом билан кўтариш, 10 тагача одамни елкасига

рельс қўйиб кўтариш, буқа билан олишуви, ерга ётиб, устига тахта қўйиб, автомашинани устидан ўтқазиш, ҳатто автобусни ҳам устидан ўтқазиш каби полвонлик маҳоратини намойиш этувчи томошалар кўрсатиб, бир неча вилоятларга бориб хизмат қилиб, машҳур полвон бўлиб етишди.

Умрқул полвон Абдумажидов 1980 йилларда бир гуруҳ полвонлар, дорбоз ва кўз бойлоғич фокусчи, иллюзионистлар, масхарабозларни тўплаб, уларга раҳбарлик қилиб, Сирдарё вилояти маданият бошқармаси кўригидан ўтиб, Ширин шаҳар маданият ва истироҳат боғи қошида «Фарҳод» гуруҳини ташкил қилди ва уни бир неча йил бошқарди.

Умрқул полвоннинг кучига куч қўшилиб, маҳорати ортиб борди. Бир намоишда у 2 та Газ-24 автомашинасини икки томонга қаратиб қўйиб, орқа томондан занжирга боғлаб, бир машинани ўнг қўлида, иккинчи машинани чап қўлида занжирга боғлаб, машиналарни икки томонга тортар ва ерни ўйиб юборарди. Аммо полвон иккала машинани икки қўлида тортиб турар эди. Бундай ҳолатни кўрган томошабинлар қарсақ чалиб уни олқишлаб, ҳамма унинг кучига қойил қолган.

Абдумажидов Умрқул полвон ўз гуруҳи билан Сирдарё ва Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларида, дам олиш жойларида гостролларда бўлган.

Тожикистон Республикасининг Душанбе, Хўжанд, Ўратепа, Нов, Ғанчи, Мастчоҳ каби шаҳарларида бўлган байрамлар ва сайилларда

иштирок этиб, эл ҳурматига, олқишига эришган. Хос қишлоғининг номини Республикамиз бўйлаб, Тожикистон бўйлаб элга танитди.

Умрқул полвоннинг бундай меҳнатларини эл ардоқлайди, давлатимиз томонидан у бир неча медал ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

У ўртоқлари, дўстлари орасида ҳам ҳазил-мутоибага бой, ширин сўзли, камтарин инсондир. Уни ҳамма ҳамқишлоқлари Умрқул полвон деб ҳурмат қиладилар.

У меҳрибон умр йўлдоши Марҳамат опа билан 2 қиз, 4 ўғилни тарбиялаб вояга етказдилар.

Умрқул полвон Абдумажидовнинг фаолияти, оиласи, камтарона меҳнати, эришган ютуқлари ёритилган «Юртнинг полвони» номли китоб ҳам чоп этилган.

ҚИШЛОҚДА СПОРТ

Мустақилликдан сўнг озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, мамлакатимиз салоҳияти ва қудратини юксалтириш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлида давлатимиз томонидан қилинаётган улғвор ишларни ҳаммамиз кўриб, сезиб турибмиз.

Айниқса, спорт соҳасига катта эътибор қаратилмоқда, мамлакатимиз бутун дунёга танилмоқда. Нафақат танилмоқда, балки дунё давлатларини бу соҳаларда қойил қолдирмоқда.

Мамлакатимиз спортга катта маблағлар ажратиб, бу соҳани янада юксалтириш учун фарзандларимизга барча имкониятлар яратилмоқда, спортнинг 59 та тури бўйича беллашувлар, мусобақалар олиб борилмоқда.

Вилоятларда, шаҳарларда, туманларда ва ҳар бир қишлоқларда бу соҳада салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Авваллари, яъни 1980 йилгача бизнинг Хос қишлоғида футбол стадиони ҳам йўқ эди. Физкультура дарсида футбол ўйнаш учун тўқайга, далага чиқиб, дарвозага ёғоч қоқиб ёки тошдан белги қўйиб, футбол ўйналар эди. Кейинчалик янги мактаб ҳовлисига стадион қурилди. У ҳам талаб даражасида эмас эди.

1993 йилда қишлоқ четига замонавий талабларга жавоб бера оладиган стадион жамоа хўжалиги томонидан қурилди.

Бу стадионга ҳар доим кўплаб қишлоқ ёшлари келиб, ўзаро мусобақалар ўтказиб туришади, футбол ўйнаб, ўз саломатликларини

сақлаш ва чиниқиш мақсадида машғулотлар олиб боришади.

Қишлоқ болалари тенгдошлари, туғилган йиллари бўйича гуруҳ-гуруҳ тузиб, бошқа ёшдаги катта ёки кичик ёшдаги гуруҳлар билан мусобақалар ўтказадилар.

Бу стадионга нафақат қишлоқ ёшлари, ҳатто бошқа қишлоқлардан келиб ҳам ўзаро мусобақалар ўтказиб турадилар, шаҳардаги командалар ҳам келиб, беллашувларда қатнашадилар.

Қишлоқда футболдан бошқа спорт тури йўқ даражада эди.

Мустақиллик шарофати билан Хос қишлоғидаги мактаб ҳовлисига янги спорт зали қурилди. У ерда ҳам спортнинг бошқа турлари: кураш, карате, бокс, қизлар гимнастикаси бўйича машғулотлар олиб борилмоқда, мусобақаларда қатнашиб, ўқувчилар яхши натижаларга эришмоқда. Таэквандо ва карате бўйича машғулотлар иттифоқ даврида чекланган эди.

Хос қишлоғи марказида қурилган мини стадион қишлоқ ёшларига катта совға сифатида хизмат қилмоқда. Мана икки йилдирки, бу ерда қишлоқ ёшлари тинмай машғулотлар ўтказиб келмоқдалар. Мусобақаларда фақат ёшлар эмас, катталар ҳам қатнашадилар.

Мини футбол ўйини бўйича турнир жадвали тузилган. Жадвалга кўра туғилган йиллари бўйича гуруҳ-гуруҳ бўлиб, 1985 йилда туғилган ёшлардан тортиб 2000 йилда туғилган ўспирин ёшлар иштирокида ҳар йили командалар тузилиб, мусобақалар ўтказиб борилмоқда.

Ҳар бир гуруҳда 10 тагача ўйинчи бўлади, ўйинда 6 таси ўйнайди, қолганлари эса захирада бўлади.

Бу стадионда ҳар куни 2-3 та футбол мусобақалари ўтказилади. Мусобақалар учун 1 соат вақт белгиланган. Ўйин даврларида саралаш мусобақалари бўлиб, командалар ўз гуруҳини мустаҳкамлаб олади.

Командалар саралангандан кейин турнир ўйинига тайёргарлик олиб борадилар. Турнир ўйинига 16 та команда ёзилади. 16 та команда 4 гуруҳ (А,В,С,Д)га 4 тадан бўлиниб, бир-бири билан ўйин олиб боради. Ҳар қайси гуруҳ ғолиблари аниқланиб, 1-2-3-ўринларга совринлар ташкил этилади.

1-ўринга 300 минг сўм, 2-ўринга 230 минг сўм, 3-ўрин учун 170 минг сўм мукофот ажратилган.

Бу турнир ўйинлари бир йилда икки марта ўтказилмоқда. Ундан ташқари терма жамоалар ҳам қатнашадилар. Қариндошлар ҳам икки гуруҳга бўлиниб, машғулот олиб бормоқдалар.

Бу мини стадион қурилганига икки йил бўлди, шундан буён стадион одамлар билан доим гавжумдир, қишлоқ ёшларининг 200-250 таси шу қишлоқ стадионида машғулотлар ва мусобақалар олиб бормоқдалар.

Ундан ташқари теннис, тренажёр ва компьютер хоналари ҳам ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтадиган жойга айланиб қолди.

2016 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги турнир бўйича 16 команда ичидан ғолибликни 1-ўринни эгаллаган гуруҳ – 1987 йилда

туғилганлар гуруҳи, 2-ўринни эгаллаган гуруҳ – 1988 йилда туғилганлар гуруҳи ва 3-ўринни 1994 йилда туғилганлар гуруҳи олди. Бу турнирлар ўйини ҳар йилда икки марта ўтказиб келинмоқда.

2015 йилдаги турнир ғолиби 1994 йилда туғилганлар, 2-ўринни 1987 йилда туғилганлар гуруҳи ва 3-ўринни 1996 йилда туғилганлар гуруҳи эгалладилар.

Шундай қилиб, қишлоқда ҳам спорт соҳаси ривожига жуда катта шароит, имкониятлар яратилмоқда.

Келажакда фақат қишлоқда эмас, вилоятимизда, республикамизда тўп сура оладиган спортчилар етишиб чиқишига ишончимиз комилдир. Ёшларга омад тилаймиз.

НАВРЎЗ БАЙРАМИ

Наврўз байрами азал-азалдан мусулмон мамлакатларида нишонланиб келинган. Наврўзни йил боши, деҳқончиликнинг боши деб ҳам байрам қилишган. Бу байрам алоҳида шукуҳга эга бўлиб, қишлоқ жойларида кўпроқ ўтказилган. Наврўз табиатнинг бир бўлаги бўлмиш инсон руҳига ҳам «Қани қиш уйқусидан уйғониб, далага чиқинг», дея куч-қувват берадиган палладир. Шунинг учун ҳам деҳқонлар сабрсизлик билан уни кутганлар. Ҳозирги вақтгача уни ўтказишга жуда катта тайёргарлик кўрадилар.

Наврўз байрами табиатнинг илк уйғониш жараёни, баҳорги экин-тикин билан боғлиқ бўлган. Шўро даврида бу байрамга эътибор берилмай, унинг нишонланиши тақиқланган. Шўро тузуми коммунистик фирқаларининг мафкура бўйича раҳбарлари табиат байрами бўлган Наврўздан диний мазмун қидириб, шубҳа билан қараб, унга қарши курашганлар. Деҳқончиликнинг бошланиши – уйғониш байрамини камситиб, бу байрамни ўтказишни тақиқлаб келдилар. Бу байрамнинг давлат сиёсатига алоқаси йўқлиги эътиборга олинмаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Наврўзимиз умумхалқ байрамига айлантирилгани нур устига нур бўлди.

Бутун юртимиздаги каби бизнинг Хос қишлоғимиз учун ҳам Наврўз байрами энг шодиёна кунлар ҳисобланади. Наврўз байрамида онахонларимиз, момоларимиз буғдой ундириб, сумалак пиширганлар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Наврўз байрами эмин-эркин нишонланадиган бўлди. Туман марказида ҳам қишлоқ аҳли катта марказий йўл бўйига, майдонларга ўзларининг чодирларини қуриб, сумалакларни кечаси билан пишириб, худди мусобақа ўйнагандай бир-бирларидан чиройли, тўкин дастурхон безаб, тайёргарликлар қилишади. Эрталабдан карнай-сурнайларга ноғора овозлари жўр бўлиб, байрам нашидаси янграйди. Кун бўйи сайил, турли ўйинлар, санъаткорлар иштирокида катта томошалар бўлиб, халқимиз дам олиб, ҳордиқ чиқарадилар.

Ҳамма қишлоқлардаги каби бизнинг Хос қишлоғимизда ҳам қишлоқ марказидаги майдонга, стадион олдига халқ тўпланиб, эрта тонгдан байрам намойишлари бошланиб кетади. Кенг майдонга сўрилар, стол-стулар ўрнатилиб, улар стол устига дастурхонлар ёзилиб, ҳар ким ўзи тайёрлаган нозу неъматлари, нон-патирлари, қатлама-сомсалари билан дастурхонларни тўлдириб ташлайдилар.

Кечаси билан сумалак атрофида аёллар, ёшлар ўйин-кулги қилишиб, сумалак пишириб чиқадилар ва ҳаммага сумалак тарқатилади.

Байрамни ташкил қилишда қишлоқ раҳбарлари бош-қош бўладилар, карнай-сурнай янграйди, ашулачилар, қизиқчилар, полвонлар иштирокида Наврўз нишонланади. Дошқозонларда палов пиширилиб, дастурхонга тортилади.

Ҳамма байрам либосларида ял-ял ёниб, кун бўйи ўйин-кулги қилади. Бир-бирларини табриклашиб, суҳбатлашиб ўтириб меҳмон

бўладилар. Ёш болалар ва қизлар хурсанду шод, бир-бирларини қувлашиб, қийқиришиб ўйнашади. Кўчаларда озиқ-овқатлар ва ҳар хил ширинликлар сотилади. Одамлар кун бўйи маза қилиб дам оладилар. Бу кунларга етказганига шукроналар айтадилар.

Етим-есир, бева-бечораларга шундай кунларда алоҳида саховат кўрсатилиб, ёрдам берилади. Кейинги йилларда қишлоқ марказида бу тадбирлар Қишлоқ фуқаролар йиғини, Маҳалла фуқаролар йиғини, тадбиркорлар ҳамкорлигида ва фермерлар иштирокида ўтказилмоқда.

ОНА ВАТАН ВА ОИАА ҲАҚИДА

Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган уйи, қишлоғи, шаҳари ва мамлакати унинг Ватани ҳисобланади. Ватан – арабча сўз бўлиб, «туғилган макон» деган маънони англатади.

Инсон борки, ўзи туғилиб ўсган, ёшлигидан катта бўлган ерни жонидан ҳам азиз кўради. Инсон туғилган ер, вояга етган хонадон, маҳалла, қишлоқ ёки шаҳар Ватан ичидаги кичик бир Ватандир.

Ватанга муҳаббат – муқаддас туйғу. Ватанимизга муносиб бўлиш, унинг корига яраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Инсоннинг барча орзу-истаклари, соф, покиза туйғуси оилада шаклланади. Хос қишлоғи оилаларида меҳр-муҳаббат, ор-номус, андиша каби муқаддас тушунчалар ёшлиқдан фарзандлар онгига сингдириб борилади.

Ота-онага ҳурмат, қариндошларга эътибор чуқур илдиз отиб, инсоний фазилатлар сифатида оиланинг маънавий оламини ташкил этади ва уни бойитади.

Қишлоғимизда шундай оилалар борки, улардан ўрناق олса, ҳавас қилса арзийди. Бундай оила эгалари 40-50 йил турмуш қуриб, тинч-тотув яшаб келаётган, бир-бирига меҳрибон, садоқатли, камтарин инсонлардир. Ундай оилаларнинг фарзандлари ҳам, шу оила тарбиясида етишган бўлиб, улар ҳам меҳр-оқибатли, иззат-ҳурматли, садоқатли, эл-юрт корига ярайдиган фидойи инсон бўлиб улғаядилар. Уларга ҳавас қилади киши.

Намунали оилаларга қарама-қарши бўлган айрим оилалар ҳам борки, ота-онадан тортиб фарзандларгача бемеҳр, бир-бирини ҳурмат қилиш ўрнига ҳақоратлайдиган, ёмон сўзларни оилада ишлатиш, лақаб қўйиб камситиш улар учун оддий ҳолдай бўлиб қолган. Ота-она ҳам шу тариқа тарбия берганлиги учун болаларнинг бемаъни қилиқларига бефарқ бўлиб, одатланиб қолганлар.

Яна бир тоифа инсонлар борки, улар оила аъзолари билан бировларнинг камчиликларини, айбини гийбат қилиб, муҳокама қилиб ўтирадилар, бундан завқ оладилар.

Яна бир тоифа инсонлар бошқаларнинг ютуғини, юриш-туришини кўролмайдди. Унга алоқаси, фойда-зарари йўқ бўлган инсонлар ҳақида бўлмағур гаплар тарқатиб юрадилар.

Айримларда эса мустақил фикр йўқ. Лекин шунга қарамай, ким нима деб гапирса, ўшанинг гапини маъқуллаб кетаверадилар. Агар

бирор киши бошқа бир кишини ёмонлаётган бўлса, унга ҳам қўшилиб кетаверадилар. Агар уни мақтаса, унинг томонига ўтаверадилар. Бундай кишилар лоқайд инсонлардир. Уларни иккиюзламачи дейдилар. Ундай инсонлар давлатимиз учун ҳам хавфлидир.

Баъзи бир инсонлар борки, уларни кўчада, тўй-маъракаларда кўриб, юриш-туришига, кийинишига ҳавас қиласан киши. Аммо яқиндан ҳамсуҳбат бўлсанг, оилавий муносабатларини эшитсанг, ундан узоқроқ юришга ҳаракат қиласан.

Баъзида ўйлаб-ўйлаб ҳайратга тушасан киши. Бир хил шароитда, бир қишлоқда, бир туманда яшаб, бир ҳаводан нафас оламиз. Таълим-тарбия ҳаммамизга бир хил берилаётган бўлса-да, уни қабул қилиш турлича...

Донишмандларнинг ёзишича, киши ёмонликни ўйлаб юрса, унинг атрофида ҳам, ишида ҳам ёмонлик доимо эргашиб юрар эмиш. Агарда киши доимо яхши гапириб, яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилиб юрса, унга умр бўйи яхшилик эргашиб юрар экан.

Келинлар, ҳаммамиз яхшилик қилишни ўйлаб, бир-биримизга яхшилик улашиб яшайлик. Шунда ўзингизда ҳам, руҳиятингизда ҳам энгилик, ҳузур ҳис қиласиз. Соғлигингиз ҳам янада яхшиланади.

ОТА-ОНА ВА ТАРБИЯГА ОИД ЎГИТЛАР

Ота-она ўз фарзандларига ибрат, намуна бўла оладиган, илмли, оқил инсон бўлса, фарзандлари ҳам албатта яхши тарбия олади, меҳр-мурувватли бўлиши табиийдир.

* * *

Одобсиз отанинг фарзанди оқил ва фозил бўлса, отасининг айб ва нуқсонлари билинмайди.

Агар фарзанд одобсиз бўлса, отаси ҳар қанча тарбияли ва яхши фазилатли бўлса-да, унинг обрўсини йўққа чиқаради, бахтсизлик уруғини сочади.

* * *

Фарзанд тарбиясида отадан эшитган гапларимиз: ёлғон сўзлама, оиланг билан бамаслаҳат иш қилгин, кундалик кирим-чиқимларни қоғозга ёзиб қўйишни одат қил, чиқиминг киримингдан ортиқ бўлмасин, оз-оз бўлса ҳам ҳар кунги харажатингни тежаб, зарур эҳтиёжлар учун жамғарма қилишни одат қилгин. Бу жамғарманг сенинг энг зарур кунингга, кутилмаган чиқимларингга асқотади. Бировга муҳтож бўлмайсан, деганлар.

* * *

Йўлда катта ёшли эркаклар, кексалар келётганида аёллар уни олдини кесиб ўтмасин. Ҳатто ёш ўғил болалар ҳам одоб сақлаб, катталарга салом бериб, ўтказиб юбориши керак.

* * *

Ўчоқ бошида тирноқ олма, чунки тирноқ
учиб қозонга тушиши мумкин.

* * *

Кечаси тирноқ олма, чунки қўлингни кесиб
олишинг мумкин.

* * *

Чапиллатиб овқат ема, бу одобсизликдир.

* * *

Олдингдаги одамга қараб керишмагин, бу
ҳурматсизликдир.

* * *

Оғзингни катта очиб эснама, ўнг қўлинг би-
лан оғзингни тўсиб эснагин.

* * *

Сув челақларнинг оғзини очиб қўйма, чанг
ва бошқа нарсалар тушади.

* * *

Чойни қўшқўллаб узат, бу шу кишига бўл-
ган ҳурматдир.

* * *

Маросимларда ўтирганда катта ёшдагилар
келса, уларга юқоридан жой бериш шарт. Бу
ҳам унинг ҳурмати дир.

* * *

Йўлда, кўчада юрганда учраган ҳар бир инсонга салом бериш керак.

* * *

Бошка кишиларнинг ортидан гапирма, бу ғийбатдир. Ғийбат – катта гуноҳдир.

* * *

Кўпчиликни ичида бўлганда кўп гапирма. Навбат билан, кези келганда сўзлагин. Бўлар-бўлмасга кўп гапириш лақмаликдир. Ундай кишиларнинг олдида ўтирганда, сўзига эътибор бермасдан ундан узоқлашиш керак.

«Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг олтиндур» деган мақолга амал қилгин.

* * *

Ота-онангга доимо эътиборли бўл, эъзозла ва қадрла.

Бу дунёда ҳар биримиз учун энг азиз инсон – ота-онадир. Туғилганингда сенга чиройли исм қўяди. Сенинг учун бешик ва суннат тўйлар қилиб, сени жондан азиз кўриб, тарбия қилади. Шундан сўнг сенга илм, одоб, ҳунар ўргатиб, катта қилади. Вояга етганингдан сўнг, қиз бола бўлсанг, яхши оилага келин бўлишингни орзу қилади. Ўфил бўлсанг, яхши оилалардан келин излаб сени уйлантиради. Ҳаётда қийналмаслигинг учун сенга уй-жой қуриб беради. Ота-она умрбод фарзандининг орзу-ҳавасини кўрай деб яшайди. Фарзанд кўрганингдан сўнг сенинг фарзандингни сендан ҳам яхши кўриб, неварга ва чевараларнинг орзу-ҳаваси-

ни кўрай, деб яшайди. Ота-она ўз фарзандларини доим яхшиликка ундаб, мулойим сўзла, доно, илмли, имонли, меҳрибон инсон бўлишини астойдил истайди. Айниқса, ота-она бир умр ўз фарзандларини ҳалол меҳнат қилишини, яхши дўстлар орттиришини, жамиятимизга фойдаси тегадиган обрў-эътиборли, комил инсон бўлишини орзу қилиб яшайди. Модомики шундай экан, биз фарзандлар ота-онамиз ҳаётлиги пайтида уларга нисбатан ҳурматли, иззатли бўлишимиз лозим.

ҲАЁТ, ОИЛА, ТАРБИЯ ВА ТУРМУШ ҲАҚИДА ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

Ота-онангни ҳурмат қилсанг,
Бола-чақангдан иззат топасан.

* * *

Ота-онангга ҳамиша рост гапир.
Улар рухсат бериши лозим бўлган ишларга
ҳамма вақт рухсат сўра.

* * *

Фарзанднинг тўла маънодаги ҳақ-ҳуқуқи
ота-она измига бўйсунушдир.

* * *

Бола тарбиясида Отадан уч улуш, онадан
етти улуш.

* * *

Ақлли одамларнинг душманлиги жоҳил
одамларнинг дўстлигидан кўра яхшироқдир.

* * *

Уч нарса кўнгилга ташвиш келтиради, тин-
чингни бузади: ёмон қўшни, ноқобил фарзанд
ва бадфеъл хотин.

* * *

Бир соат илм ўрганмоқ, бир тун уйғониб
ибодат қилмоқдан хайрлироқдир.

Бир кун илм ўрганмоқ, уч ой рўза тутмоқ-
дан хайрлироқдир.

* * *

Йўлда йўлдош керак, ҳаётда аёл, дўст керак.

* * *

Дўстлик аломати мана шундай бўлади:
Дўстнинг дўстига дўст, душманига душман
бўл.

Душманингни дўст тутган киши сени дўст
тутмайди.

* * *

Икки душман бутун ер юзига сиғмайди,
аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сиғади.

* * *

Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг ол-
тиндир.

* * *

Аёлнинг оғзи эмас, кўзлари айтиб турадиган
сўзлар бор.

* * *

Аёлни сева билмаган одам, дунёнинг энг гў-
зал сирларидан беҳабар ўтади.

* * *

Ажрашаётган кишига хотинининг сояси
ҳам қийшиқ бўлиб кўринади.

* * *

Яхши аёл оға-иниларингдан ҳам, дўстла-
рингдан ҳам афзал.

* * *

Ёмон сўз билан ёмон хотинга эрнинг ўзи сабабчи бўлади.

* * *

Хотинингнинг айбларини айтиб турмасанг, у сендан айб қидира бошлайди.

* * *

Аёл эркакни тарбия қилувчи мураббийдур.

* * *

Аёл киши шишага ўхшайди, у билан эҳтиёт бўлиб, ширин муомала қилмасанг, бир жойингни кесиб оласан.

* * *

Хотин ўзини дўппослаётган эр билан яшаб кетади-ю, ўғлига «Қўй энди урма» деб тўхтатган қайнонасини бари бир ёмон кўриб ўтади.

* * *

Уйланиш – ўз ҳуқуқларингнинг ярмини қисқартириш ва масъулиятни икки бор ошириш дегани.

* * *

Эр бош бўлса, хотин – бўйин, қаёққа хоҳласа шу ёққа буради.

* * *

Эр қартайса эркини йўқотади, хотин қартайса кўркини.

* * *

Эримникини ўйнаб-ўйнаб ейман, ўғлимникини ўйлаб-ўйлаб ейман.

* * *

Эркакнинг ёши ҳақида қалби, аёлнинг ёши ҳақида – чеҳраси ҳикоя қилади.

* * *

Ота-она азобини фарзандли бўлсанг биласан.

* * *

Уйқу – ёстиқ танламас, муҳаббат – чирой.

* * *

Эркакнинг безаги – сабр-бардош,
Хотиннинг безаги – қаноат.

* * *

Оловсиз қозон қайнамас,
Хотинсиз уй яйрамас.

* * *

Яхши ёрни ёмон кунда сина.

* * *

Онанинг меҳри ҳам зўр, қаҳри ҳам зўр.

* * *

Яхши хотин қорни ёқиб ҳам қозон қайнатади.

* * *

Қизнинг яхшиси ошхонада билинади.

* * *

Сахий кишиларнинг таоми – шифодир,
бахил кишиларнинг таоми – хасталиқдир.

* * *

Ҳақиқат ўткирроқдир кескир қилич тифидан.
Умринг эговланадур нодонлар қилиғидан.

* * *

Тўғри сўз кўнгилга аччиқ тегади, ҳазм қил-
олсанг, унинг манфаати маза беради.

СЎНГСЎЗ

Хос қишлоғининг тарихини ўрганишда ва уни ёзишда жуда кўп ҳамқишлоқлар, қариялар ўзларининг эшитган ва билганлари билан яқиндан ёрдам бердилар. Кекса одамлар суҳбатидан эшитганларини ёзиб қолдирганлар ҳам бўлган. Айниқса, ота-онамдан қишлоқ тарихи ва одамлари ҳақида жуда кўп марта эшитганман. Кейинги 60-70 йил ичидаги воқеаларнинг гувоҳи, иштирокчиси бўлганман.

Қишлоқ тарихини, ўтган давр воқеа-ҳодисаларини кексалардан ҳам кўп эшитганман.

Ушбу китобни ёзишда ёрдам берганларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Улар қуйидагилар:

1. Шукурралиев Эргаш – тарих ўқитувчиси, тарих музейи ташкилотчиси, жуда кўп маълумотларни ёзиб қолдирган.

2. Қўзибоев Тожиқул – ўқитувчи.

3. Раҳимов Тожиёр – ҳисобчи, тарихчи, шажарасидаги етти аждодини ёзиб қолдирган.

4. Қўзибоев Содик – қишлоқ тарихини ёрдан билган.

5. Нуралиев Турдиали – раис бўлган, ҳисобчи.

6. Эшматов Бойирбек – тарихчи.

7. Тожибоев Анорқул – раис, агроном.

8. Қосимова Ҳидоят – тарихчи.

9. Раҳимжонова Зулайҳо – тарихчи, 90 ёшда.

10. Жўрабоева Бахмалой – раис бўлган, ўқитувчи.

11. Деҳқонов Оқбўта – раис.

12. Мирзаев Тошмат – отам.

13. Мирзаева Хажал – онам.
14. Аллабердиев Холиқберди – 93 ёшли отахон.
15. Холиқулов Бегимқул – ўқитувчи, тарихчи.
16. Қўшмуродов Тоҳир – ўқитувчи, тарихчи.
17. Ҳайдаров Абдуали – инженер, тарихчи.
18. Нуралиев Гавҳарали – журналист, ДСИ мутахассиси.

Баъзи сабабларга кўра айрим ҳамқишлоқларимнинг номлари ёзилмай қолган бўлса ва баъзи жойларда хатоликларга йўл қўйилган бўлса, китобхонлардан узр сўрайман.

Муаллиф

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: «Юлдузча» 1989 йил, 88-бет. Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг 1964 йил нашридан қайта босилган.
2. Малик Эгам. Бекободнома, 1995 йил. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
3. Малик Эгам. Бекободнома, 1995 йил. – Тошкент: «Камолот» нашриёти.
4. Хотира китоби. «Ўзбекистон» нашриёти, 1994 йил. 1941 – 1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган жангчилар.
5. Хўжааҳмад Бобомуродов. «Сарюзликлар тарихи», 2016 йил. – Тошкент.
6. «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 1995 йил 12 июнь, №55. «Ўтмишга назар» мақоласи.
7. Малик Эгам. Турдиқул Норматов. «Юртнинг полвони» 2009 йил. – Тошкент.
8. Зиёвуддин Жўраев, Олтиной Масалиева, Заркентдаги авлиё ота. – Тошкент: 2015 йил, «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси.
9. Холбўта Деҳқонов, туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси хотиралари.
10. Эргаш Шукуралиев, тарих ўқитувчиси, «Ўтмишни хотирлаб» кўлёмаси.
11. Тожиёр Раҳимов хотиралари. «Шажара» китоби.
12. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1989 йил 29 декабр.
13. «Ёш ленинчи» газетаси, 1991 йил 19 июль.
14. «Хос» колхозининг 1992 йилдаги ҳисоботидан.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Хос қишлоғи тарихи	7
Хос қишлоғининг тарихий жойлашиши	17
Тарихий зиёратгоҳлар	22
Хос қишлоғида XVIII – XX асрларда яшаб ижод этган илмми инсонлар	28
1900 йиллардаги бой ва зиёлилар	30
Хос қишлоғи 1926 – 1940 йилларда	33
Иккинчи жаҳон уруши йилларида Бекободдаги «Фарҳод» канали ва металлургия заводи қурилиши ..	36
II жаҳон урушида қатнашган Хослик жангчилар	40
Хос қишлоғи 1950 йилларда	48
Тараққиёт йўлида.....	52
Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши.....	57
Мустақилликнинг илк даврларидаги қишлоқ ҳаёти	60
Хос жамоа хўжалигининг 1992 йилги жойлашиши ва фаолияти тўғрисида	64
Фидойилар	68
Ҳаёти ва фаолияти ибратли инсонлар	71
Мухторов Сувонқул (1922 – 1961)	72
Қўчқоров Мамаёқуб (1922 – 2007).....	74
Деҳқонов Холбўта (1922 – 2003).....	76
Шукуралиев Абдуқодир (1907 – 1987).....	78
Аллабердиев Холиқберди (1923 йилда туғилган)	81
Қўшматов Абдумалик (1910 – 1950)	83
Қамбаров Турдиали ҳожи (1920 – 2006).....	84
Тожибоев Анорқул (1921 – 1990)	86
Жўраева Бахмалой (1925 – 2008)	88
Деҳқонов Оқбўта (1924 – 2002)	90
Абдурахимов Нарзулла (1934 – 2008)	93
Тошматов Зоир (1949 йил туғилган).....	96
Мирҳошимов Турсунқул (1927 – 1991)	99
Миртурсунов Бердиқул (1930 – 2008)	101

Кўзибоев Тожиқул (1924 – 2000)	103
Бегматов Мамасоли (1925 – 1992)	105
Шукурралиев Эргаш (1925 – 1996).....	107
Раҳимов Тожиёр (1927 – 2015)	109
Юнусов Мирсаид (1926 йил 15 январда туғилган)...	110
Содиқов Ботирқул (1945 – 2013)	114
Абдураҳмонов Турсунбой (1936 – 1999)	117
Деҳқонбоев Мўмин (1937 йилда туғилган)	118
Тошматов Маматқул (1940 йил 11 мартда туғилган)	122
Деҳқонбоев Аҳмадиёр (1951 йилда туғилган).....	125
Ҳайдаров Абдуали (1937 йилда туғилган).....	127
Низаева Ибодат (1960 йил 2 майда туғилган)	129
Абдуҳолиқов Маҳмуджон (1963 йил 29 декабрда туғилган)	131
Мавлонов Ғанижон (1963 йил 15 мартда туғилган)	133
Бўтабоев Жўрабой (1949 йил 15 ноябрда туғилган).....	135
Деҳқонбоев Раҳматжон (1949 йил 10 майда туғилган).....	137
Иккинчи жаҳон урушидан аввалги ва кейинги йилларда қишлоқ совети фаолияти.....	139
Хос қишлоғидаги мактаблар	144
Динга муносабат	150
Соғлиқни сақлаш соҳаси	157
Мустақиллик йилларининг афзаллиги ва равнақи...	160
Қишлоқ тўйлари ҳақида	165
Хос қишлоғининг полвонлари	169
Умрқул полвон Абдумажидов	172
Қишлоқда спорт	176
Наврўз байрами	180
Она Ватан ва оила ҳақида	182
Ота-она ва тарбияга оид ўғитлар.....	185
Ҳаёт, оила, тарбия ва турмуш ҳақида ҳикматли сўзлар	189
Сўнгсўз.....	194
Фойдаланилган адабиётлар	196

Тарихий-публицистик нашр

МАМАТҚУЛ ТОШМАТОВ

ХОС ШАҲАРЧАСИ ТАРИХИ

Муҳаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Мусаҳҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Бадий муҳаррир
Нигора УМАРҚУЛОВА

Саҳифаловчи
Диадора ЖҲРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 26.03.2017 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 6,25. Шартли босма табағи 10,5.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Адади 300 нусха. Буюртма № 108.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММ да тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кучаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-71;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87

факс –273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru



Маматқул Тошматов

1940 йилда Тошкент вилояти Бекобод тумани Хос қишлоғида туғилган. 1947–1957 йилларда шу қишлоқдаги ўрта мактабда ўқиб билим олган. Андижон Қишлоқ хўжалиги техникумини, битргач, 1963–1967 йиллар мобайнида Тошкент Халқ хўжалиги институтининг бухгалтер-иқтисодчи мутахассислиги бўйича ўқиб, имтиёзли диплом олган.

1967–1971 йилларда Бекобод тумани Хос жамоа хужалигида бош иқтисодчи вазифасида, 1972–1973 йилларда Бекобод тумани қишлоқ хўжалик бошқармасида жамоа хўжаликлар бўйича ташкилий бўлим бошлиғи лавозимида ишлаган. 1973–1991 ва 1995–2005 йиллар мобайнида Бекобод тумани молия бўлими бошлиғи вазифасида фаолият олиб борган.

1992–1994 йилларда Бекобод тумани Хос жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаган.

2006 йилдан нафақадà.

ISBN 978-9943-27-926-1



ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ АКАДЕМИЯСИ